АБДУЛЛА ОРИПОВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

САККИЗИНЧИ ЖИЛД

ШЕЪРЛАР

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЎК 821.512.133-1
КБК 84 (5 Ў)6
072

Нашрга тайёрловчи,
изоҳлар ва сўнгсўз муаллифи
Дониёр Бегимқулов

Орипов, Абдулла

Танланган асарлар. Саккизинчи жилд. Шеърлар. А.Орипов – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 324 б +8 (вкл).

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов "Танланган асарлар"ининг саккизинчи жилди кейинги икки ярим йилда ёзилган руҳият ва чуқур фалсафийлик омихта бўлган янги шеърлардан жамланди. Зукко шеърхонлар улкан шоир ижоди янги мавзулар, янги ифода воситалари билан бойиганига, давр ва халқ, шахс ва жамият, инсон ва унинг қалби, нур ва зиё, муҳаббат ва нафрат, яхшилик ва ёвузлик, самимият ва ҳасад, меҳр ва қабоҳат сингари ўлмас ва азалий мавзулар янги ифода воситалари орқали очиб берилганига ишонч ҳосил қилиб, янги шоирона нигоҳдан завқ оладилар, деб умид қиламиз.

УЎК 821.512.133-1
КБК 84 (5 Ў)6

© Абдулла Орипов
© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016

ISBN 978-9943-03-730-4

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ ҲАДИСЛАРИ

Сен бунча насиҳат ўқима, шоир,
Ҳавойи сўз айтиб, берма тасалли.
Бир лаҳза фикр қил ҳаётга доир,
Ҳис эт бошқаларни бир зум ақалли.

Отасин тупроққа қўйди бир ўғлон,
Ишонган тоғидан бўлди-ку жудо.
Отасиз қолгандинг сен ҳам бир замон,
Ўзингнинг ҳолингни эсла шу асно.

Йўқсилга бойликдан сўйлайсан ўгит,
Муҳтожлик емирар пўлат бўлсанг ҳам.
Боши эгик турса чорасиз йигит,
Ўрнига ўзингни қўйиб кўр бир дам.

Бемор шифтга қараб ўтказар тунни,
Энг олий муроди – бир ютум ҳаво.
Бошингга тушмасин у бемор куни,
Сен унинг аҳволин тушунгин, аммо.

Билгил, фақат ҳаёт айлагай исбот
Ҳатто ўтмишларнинг афсонасини.
Аждодлар ҳадисин унутган авлод
Асло бутлай олмас кошонасини.

2013 йил 11 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎЧА

Кўча тўла одам,
Тиниб турмас бир дам,
Аралаш одимлар кичик-каттаси.
Лекин ғалатироқ ташлайди қадам,
Улар орасида биттаси.

Гоҳо гаплашади ўз ўзи билан,
Гоҳида жилмаяр, тундлашар гоҳо.
Ниманидир илғар тийрак кўзи билан,
Тўхтаб кўкка боқар, маст эмас, аммо.

Нимадандир бирдан завқ ҳам туяди,
Бир сандиқни гўё очди-ю ёпди.
Ҳавога чизиқлар тортиб қўяди,
Шоирмикан дейсан, қофия топди.

Ногоҳ ҳаяжондан қизарар юзи,
Чала иморати битдимикан ё?
Контрактда ўқир кенжатой қизи,
Бюджетга ўтдимикан ё?

Кўча тўла одам,
Тиниб турмас бир дам,
Аралаш одимлар кичик-каттаси.
Ҳамон ўша-ўша ташлайди қадам,
Улар орасида биттаси.

Ҳамон ўйга банд у, гоҳ шодмон кулар,
Тегманг, ҳолатини бузманг ногаҳон.
Ўзини бахтли деб санаса бўлар
Сурган хаёлига ишонган инсон.

2013 йил 24 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Қандай соз, авлодлар ўйнаса, кулса,
Сен ҳам табрик айтсанг қутлаб басма-бас.
Агар чин юракдан куйлаган бўлса,
Ҳамид Олимжонга қилгумдир ҳавас.

Кимнидир қитиқлаб кулдириш осон,
Лекин буйруқ билан очилмайди таъб.
Наҳот устозларим юрмишлар шодон,
Боболарнинг мунглиғ қабрига қараб.

Бир сайёҳ ўзбекча салом берса гар,
Хазина топгандек яйраб кетганлар.
Қаранг, қилмади деб бизлардан ҳазар,
Миниб юрган отин совға этганлар.

Пахта-ю газни-ку қароқчи ҳар кас
Ўмариб кетганда тўйлар қилганмиз.
Ўлсак хокимизга Маккани эмас
Кремль деворин шон деб билганмиз.

Балки бу давроннинг йўриғи дерсиз,
Лекин қайда эди бечора у қалб?!
Қадим салтанатни емирди, эсиз,
Бухоро пойида бўлган жангу ҳарб.

Мен ҳам ўша давр яловин тутдим,
Кўрмаган ёвимга урабердим дўқ.
Сайид Олимхонни англамай ўтдим,
Иброҳимбекни ҳам тушунганим йўқ.

Ҳазрат деб инсонга ўқидим такбир,
Расо бўлсин дея куйладим жўшиб.
Ҳазратни ҳасрат деб қилдим сўнг таҳрир,
Расога «в» ҳарфин қўйдим-ку қўшиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёруғ кунларга ҳам етишдим, шукур,
Қаноат қилурман кўпу озимга.
Лекин она халқим, авф этгин бир қур,
Сен оҳанг бергайсан менинг созимга.

Кимдир байтларимнинг тубига етса,
Аччиқ ва мунгли деб айтгайдир бешак.
Дунёда лўттибоз кўпайиб кетса,
Нега мен уларни қутлашим керак?!

Нега ҳар учраган бетайин зотни
Қутлуғ дастурхонга айлайин шерик.
Бус-бутун кўрай деб кемтик ҳаётни
Боболар ҳаттоки тортганлар черик.

Бугун мен кўз ташлаб асрий кўзгуга
Дилдан қувонгайман – юксалди шоним.
Эришдим Ҳуррият деган орзуга,
Қаддини ростлади Ўзбекистоним.

Қандай соз, авлодлар ўйнаса, кулса,
Сен ҳам табрик айтсанг қутлаб басма-бас.
Шодмонлик ярашар Ватан тинч бўлса,
Комиллик уфуриб турса ҳар нафас.

2013 йил 4 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОБО ДУОСИ

"Кўзингиз тубида чексиз бир армон,
Нега сиз бунчалар ғамгин, бобожон?

Не-не давраларни кўргансиз ахир,
Беҳиштдай жойларда юргансиз, ахир.

Юпанч бўлмадими буларнинг бари,
Борми ё бу ҳолнинг ўзга сирлари?"

Тийрак набирага кўз ташлаб қиё,
Секин гап бошлайди ўйланиб бобо:

" Не-не давраларни кўрганман гарчанд,
Беҳиштдай жойларда юрганман гарчанд.

Гарчи ўз ошимни ошаб келганман,
Бир одам қатори яшаб келганман.

Учратдим авлиё инсонларни ҳам,
Лекин улар оздир, улар жуда кам.

Мудом улуғ қилдим дилда ниятни,
Изладим доимо самимиятни.

Яхшиликлар қилдим шавқларга тўлиб,
Улар қайтди гоҳо ёмонлик бўлиб.

Болам, бошқа эрур сенинг давронинг,
Бошқадир замонинг, бошқа имконинг.

Қайга узатсанг ҳам қўлинг етгайдир,
Сени ҳам беҳиштдай жойлар кутгайдир.

Фаромуш қилма лек битта нақлни:
Бойлик деб бой бериб қўйма ақлни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсон боласига шайтондир ҳамроҳ,
Унинг фирибидан бўл доим огоҳ.

Ақлу тажриба топ, яшагил дадил,
Билиб қўй, бахт учун меҳнатдир кафил.

Пайт келар, ёшимга етарсан албат,
Илоҳо, ўзиб ҳам кетарсан албат.

Набиранг сенинг ҳам қадрингга етгай
Ва балки сени ҳам саволга тутгай.

Сен ҳам зурёдингга топгайсан бир гап,
Дуо ҳам килгайсан, бобонгга ўхшаб".

2013 йил 4 октябрь

ЯХШИЛАР

Яхши одамлар бор тоғда, чўлда ҳам,
Бордир Парижда ҳам, Истанбулда ҳам.

Улар дуч келади сенга дафъатан,
Римдир ва ё Тошкент уларга ватан.

Шифо истаб борсанг Ҳиндистон томон,
Сира ажабланма, соғайсанг инсон.

Яхши табиблар бор, демак у жойда,
Шукрким, яхшилар учрар ҳар қайда.

Афсус, ёмонларнинг уруғи кўпдир,
Ахтариб юрмагин, улар тўп-тўпдир.

Яхшини изла, топ, савоби катта,
Ёмони ўзингдан чиққай албатта.

2013 йил 7 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОҲИРЛИК

Доктор Илёсбейга

Юрак арш мисоли сирли қароргох,
Сен унга йўл топдинг, эй моҳир жарроҳ.
Исминг ҳам Илёсдир – пайғамбар исми,
Сенга очиқ демак, ҳар қандай даргоҳ.

2013 йил 7 октябрь

ТИЛАК

Доктор Жўшқинбейга

Истанбуллик шифокорсан, Жўшқин, дўстим,
Тиббиётнинг дарёсида жўшгин, дўстим.
Мен хастаман, сенга бугун ишим тушди,
Соғломларнинг қаторига қўшгин, дўстим.

2013 йил 9 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГУЛДАСТА

Ҳар қайда азиздир дўсту қардошлар,
Мусофир юртда-чи, қадри кўп катта.
Келди истанбуллик бир гуруҳ ёшлар
Меҳмоннинг ҳурмати учун, албатта.

Гулдаста бор эди улар қўлида,
Ранг-баранг, анвойи, ғунчали, инжу.
Мармара денгизин соҳилларида
Унган чечакларнинг жамламаси бу.

Гулдаста дегани яхлит деган гап,
Ўтди хаёлимдан туркий элларим.
Ажиб бу ҳадянинг кўркига қараб,
Очилиб кетди-ку қулфи дилларим.

Дедим: – Бу гул – Ўзбек, буниси Туркдир,
Буниси Озардир, буниси Қозоқ.
Буниси Болқордир – бошида бўркдир,
Буниси Уйғурдир, бу – Қорақалпоқ.

Хуллас, жам бўлишган уларнинг бари,
Ҳаммаси бир чаман, битта гулдаста.
Гарчи турфа эрур ранги, ифори,
Улар бир гулшанга боғлиқ, пайваста.

Менинг гапларимни тинглаб шу асно
Кимдир лутф айлади: – Кечиринг, хожам,
Бизнинг гулдастамиз яхши-ку, аммо,
Қўшсак яхши ўзга қитъаларни ҳам.

Дунёнинг орзусин айтган эди у,
Чиндан кишиликнинг ўзи гулдаста.
Оҳ, иним, ер юзин армонидир бу,
Шу сабаб нотинчмиз, юраклар хаста.

2013 йил 13 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ

Вужуднинг соғлиги шартдир одамга,
Унутманг, аммо руҳ тарбиясини.
Тўрт нафар турк қизи келиб хонамга
Ижро этди Ўзбек мадҳиясини.

Денгизлардан оша, тоғлардан оша
Юртим кўз ўнгимда бўлди намоён.
Гўё диёримни қилдим томоша,
Жаннат харитасин кўрганимсимон.

Юксак ва шиддатли, латиф ҳам майин
Оҳанг тараларди Мармара бўйлаб.
Юртим қўшиғини шу лаҳза, тайин,
Осиё, Европа турарди куйлаб.

Мисли уфурарди менга нафасин
Олтин водийларим, кумуш тоғларим.
Илғадим Дўрмонда булбуллар сасин,
Кўринди шовуллаб турган боғларим.

Мадад қўлларини чўзарди шу дам
Йирок-йироқлардан мардона бир руҳ.
Денгиз туманидек тарқаб кетди ғам,
Тоғлар кори каби эриди андуҳ.

2013 йил 10 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСТАНБУЛЛИК

Икки дунё бир қадамдир
Авлиёга деганлар,
Истанбуллик ҳар кимсага
Мос келгайдир бу калом.
То тушгача Осиёда
Ризқин териб еганлар,
Тушдан кейин Европада
Балиқ тутар, вассалом!

2013 йил 12 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚОРА ДЕНГИЗ

Қора денгиз, Қора денгиз,
Юрагимда яра, денгиз.
Битта ўзбек шоирининг,
Кўнглига ҳам қара, денгиз,
Қора денгиз, Қора денгиз.

Излаб эзгу инсонларни,
Эркин, шўх-шўх жайронларни,
Кўрдим лекин ҳар қайда ҳам
Ўз ҳолига ҳайронларни.
Шундан қалбим пора, денгиз,
Қора денгиз, Қора денгиз.

Ошиб Босфор томонлардан
Сув ичасан уммонлардан.
Хабаринг бор барчасидан –
Яхшилардан, ёмонлардан.
Чиққанида яйраб қуёш,
Жимирлайсан ёвош-ёвош,
Кўтарасан гоҳо сурон,
Ё алъамон, ё алъамон.
Тўлқини тоғ, дара денгиз,
Қора денгиз, Қора денгиз.

Суҳбатдошим бўла қолгин,
Бир дарддошим бўла қолгин,
Баҳордирсан, гар йироқсан,
Ватанимга яқинроқсан.
Зарра сочиб юзларимга,
Қулоқ тутдинг сўзларимга.
Менга ўзинг сара денгиз,
Қора денгиз, Қора денгиз.

2013 йил 16 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБОДЛИК

Кўрдик, жами дунёнинг
Бир хилдир қари-ёши,
Ҳеч кимнинг елкасида
Иккита эмас боши.
Қўли ё тўртта эмас,
Биттадир юраги ҳам,
Ортиқ бўлсанг ортиқсан,
Ҳеч кимдан эмассан кам.
Сенинг ҳам салтанатинг
Гуллаган бир замонлар,
Ёзилган буюк "Хамса",
Қурилган Регистонлар.
Бозорларинг билмаган
Кеча билан кундузни.
Ойни баркаш айлашган,
Харид қилган юлдузни.
Бу кун замонинг келиб,
Омадинг чопди яна,
Темурбек авлодисан,
Қилсанг арзир тантана.
Шижоатни байроқ қил,
Қўлингда экан юган,
Тоғдек тиласанг агар
Қирдек бераман деган.
Фақат юртинг тинч бўлиб,
Фикринг ўссин ҳур, озод,
Ниятинг ижобатдир,
Демак, Ватан ҳам обод.

2013 йил 27 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҲАББАТ

Турфа мўъжизага бойдир бу дунё,
Еру осмон тўла камалакдек ранг.
Лекин кўз ўнгимдан кетмайди асло,
Бир сенинг қиёфанг, бир сенинг чеҳранг.

Дунёда оз эмас соҳибжамол ҳам,
Дуч келсанг ногаҳон титрайди юрак.
Барибир, мен сени кўмсайман, эркам,
Муҳаббат дегани шу бўлса керак.

2013 йил 2 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

АССАЛОМ

Тонгда мактабига шошар болакай,
У ҳам ўз ишига масъул экан-да.
Ва лекин дуч келган одамга атай
Салом беришни у қилмайди канда.

Сен ишга борасан, остонадаёқ
Қоровул "Салом" деб, разм солади.
Бошлиғинг чорлайди, чиқасан шу чоқ,
Салом берсанг балки алик олади.

Бу олам шунақа қурилган ўзи,
Ҳидлашиб кўришар ҳатто ҳайвонот.
Қуръоний каломдир "Ассалом" сўзи,
Дўзахи саналур такаббур ҳар зот.

Ҳеч нарса йўқотмас салом берган ҳам,
Камайиб қолмайди ким олса алик.
Лекин қулфи дилинг очилгай шу дам,
Демак, дунё тинчдир, олам беҳадик.

Булут тўсса ҳамки боқабер Қуёш,
Тафтинг бўлмаса ҳам чиқабергин, Ой.
Майсалар салом деб кўтармоқда бош,
Бу ҳам бир мактабдир бизга, ҳойнаҳой.

2013 йил 20 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕК ТИЛИМ

Кўп қадимман,
Карвон билан замонлар кечдим,
Нор туянинг норлиги ҳам афсона экан.
Бир кун туя айронини шифо деб ичдим,
Она туя номи эса арвона экан.

Давронимни сурганман ҳам оқ отга миниб,
Ҳай-ҳай, унинг қўлтиғида бор эди қанот.
Вақти келиб, шон-шуҳратдан хаёлим тиниб,
Билсам, ўша оқ отимни дерканлар – бўз от.

Юксак Ҳисор тоғларининг бағрида қат-қат
Тошни ёриб ўсиб ётган наъматак эди.
Устоз Ойбек шеърин эслаб шоир Холмамат,
Бизнинг жойда унинг номи "Ҳулулу", деди.

Сен туганмас чашмадирсан, оҳ, она тилим,
Етмиш икки томиримга мавжларинг борди.
Бир кун тиниб колган эди боғда булбулим,
Сандулочим! – деган эдим сайраб юборди.

Инсон деган қутлуғ сўзнинг тенги йўқ ҳеч бир,
У танҳодир, фалакларнинг қуёши мисол.
Лекин манов болакайдир, буниси ўсмир,
Бу йигитдир, бу зот эса бобо, оқсоқол.

2013 йил 25 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАҲМУДБЕЙГА

Илоҳа, дунёда собит тургайсиз,
Маҳмуд номи ила даврон сургайсиз.
Расулуллоҳ демиш: – Маҳшар кунида
Маҳмуд мақомида мени кўргайсиз.

2013 йил 9 декабрь

ЗОМБИ

– Нега доим кифтинг қисиб юрасан, ўрток?
– Бой эмасман, камбағалнинг йўриғи шундоқ.

– Нега савол беришмаса бир сўз демассан?
– Мен оддий бир ижрочиман, раҳбар эмасман.

– Борми сенда истак, орзу ёки талаблар?
– Тушунмадим, нотанишдир бунақа гаплар.

– Кимсан ўзи, отанг ўлса йиғлайсанми, айт?
– Бажараман қандай буйрук бўлса ўша пайт.

2013 йил 11 декабрь

ВАҚТ

Сен бировга яхшилик қилсанг,
Қайтишини кутмагил асло.
Абадият ёнида, билсанг,
Унутилиш бордир доимо.

Вақт гўёки қилкўприк, ундан
Икки эмас, бир ўтилади.
Сени эслаб унутмай юрган
Одамлар ҳам унутилади.

2013 йил 21 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОЛАЖОН

Болажон дейилса – табассум тайёр,
Меҳру шафқат тайёр, тараҳҳум тайёр.
Алла айтар ҳатто камгап аёл ҳам,
Болажон дейилса – такаллум тайёр.

2013 йил 23 декабрь

ТАШЛАНДИҚ ВАГОН

Вокзал улкан шаҳар чегарасида,
Поездлар шамоли тинмай уфурар.
Чеккада, темир йўл захирасида
Фақат битта вагон мунғайиб турар.

Қаёқдан келган у? Билмайди биров,
Унинг на йўловчи, на эгаси бор.
Ёз бўйи саратон ёндирар лов-лов,
Қиш ўтиб, эримас томидаги қор.

Бир замон йўлчига кўшк бўлган у ҳам,
Водийлардан ўтган, саҳродан ўтган.
Булутдай виқорли, шамолдай илдам,
Не-не манзилларга қадами етган.

Ўтган йўлларини эсласа ҳамон
Ўзи ҳам ишонмас юрганлигига.
Бағридан жой топиб қанчалар инсон,
Ҳатто шоҳлар базм қурганлигига.

Ҳеч ким каторига энди уламас,
Ўрнидан жилмоққа етмайди ҳоли.
Ҳатто сувараклар яқин йўламас,
Ташландиқ вагон у. Шулдир аҳволи.

2013 йил 25 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКЧИЛИК

Хаста бўлиб ётган кекса бир одам,
Ички кийимини алмаштирар дам,
Секингина деди набирасига:
– Ҳар ҳолда ўзбекмиз. Чиқиб тур, болам.

2013 йил 25 декабрь

ҲАСАДГЎЙ

Инсоф берар бўлса Худойим агар
Ўғрини тарбият айламоқ мумкин.
Ногаҳон бировга етказса зарар,
Телбани занжирга бойламоқ мумкин.

Энг катта ёвни ҳам енгмоқлик осон,
Битта соткинини қўлга олсанг бас.
Донога айланар ҳаттоки нодон,
Фақат ҳасадгўйни даф қилиб бўлмас.

2013 йил 27 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯХШИ ВА ЁМОН

Бир кўприкда дуч келди
Икки одам ногаҳон,
Бирови Яхши эди,
Бирови эса Ёмон.
Яхши одам Ёмонга
Салом берди, қўл берди,
Бир чеккага сурилиб,
– Ўтинг, дея йўл берди.
Ёмон эса ўшқирди,
Ғазабга тўлди чунон,
Яхшини улоқтирди
Тошқин дарёга томон.
Деди: – Мени тенг қилма,
Ўзинггаю зотингга,
Зор эмасман, билиб қўй,
Сенинг илтифотингга.

2013 йил 28 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОБИҚ САФДОШЛАР

Сафдош акаларим –
Аҳли давронлар,
Омон чиққандингиз қанча қамалдан.
Ва лекин эврилиб вақту замонлар
Бир-бир кетгансизлар мансаб, амалдан.

Эл билан бўлдингиз гоҳ шод, гоҳ ношод,
Огоҳмиз ёлғону ҳам чинингиздан.
Ташлангани каби ўлжага жонзот,
Қон ҳам томган эди қамчинингиздан.

Энди у ҳайбат йўқ, хушомадлар йўқ,
Сохта жўралардан қолмаган бир из.
Гарчи фарзандлардан сизнинг кўнгил тўқ,
Лекин энгашмайсиз, буколмайсиз тиз.

Сиз-ку ўзингизни демассиз ғолиб,
Ҳаёт шу, Аллоҳнинг даргоҳидир кенг.
Ётманг гўшаларда бурканиб олиб,
Ахир қуёшли кун барча учун тенг.

Тўрт девор ичида сақлайсиз ўзни,
Эшикларни ёпган эҳтимол ғурур.
Сезмайсиз борлиқни, баҳорни, кузни,
Ахир берилган-ку бир марта умр.

Суронли йиллардан ўтдингиз омон,
Билмайман мен сизга нима деримни.
Майлига, оғалар, жилмайиб пинҳон
Ўқиб кўя қолинг ушбу шеъримни.

2013 йил 31 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИШ ВАҚТИ

Ота ётар эди беморхонада,
Фарзандлар келишни қилмасди канда.
Ўғил соатига қараб бир оқшом
Деди: – Иш вакти ҳам тугади, дада.

2014 йил 2 январь

ЧИРОҚ

Ҳамма ёқ чароғон бўлибди, боққин,
Байрам арчасига шодалар таққин.
Қўлингдан келса гар, битта чироқни
Менинг кўнглимга ҳам, азизам, ёққин.

2014 йил 4 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОГИРД МАҚОМИ

Умримиз кечади оддий ва камтар,
Биламан, сен кўзга илмаслигингни.
Дунёга теранроқ ташлагин назар,
Бўйнингга ол, укам, билмаслигингни.

Эсла буюк шоир асарларини,
Сўраб, ўрганишдан эринма зинҳор.
Жўн бир пардақанот асаларининг
Биз билмаган қанча синоати бор.

Аллома Беруний қазоси куни
Бир савол ечимин қилибди армон.
Ҳадиси шариф ҳам уқдирар буни:
"Боринг илм дея, ҳатто Чин томон".

Ўрнидан кўзғалмас харсанг тош фақат,
Пойгада ғолибдир асил, чопқир от.
–"Афлотун дўстимдир, лекин ҳақиқат
Ундан афзал", – демиш файласуф Сукрот.

Муқаддас китобда олам сеҳри жам,
Жо бўлмиш илоҳий туйғу ва фикр.
Алҳазар, алҳазар, Яратганнинг ҳам
Энг аввал душмани аталмиш – кибр.

Юксакни кўзлайди доимо бургут,
Парвози майлига баланддир, пастдир.
Комиллик заҳматин этма ҳеч унут,
Бир зина ошмаган шогирд эмасдир.

2014 йил 15 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎРОВ

Заминда юз берди шундоқ вазият:
Осмон сўров қилди жами бандани.
Касбу корларига қизиқди фақат,
Ким қандай юмушни бажарган, қани.

Бир банда сўз олди тортиниб шу он,
Деди: – Мен меъморман, Аллоҳга шукур.
Мен қурган эшикдан киргай ҳар меҳмон,
Очган деразамдан ёғиб турар нур.

Оқ халатли одам шифокор экан,
Рўйхат қилиб олган ҳар зум, ҳар дамни.
Деди: – Шунча бемор тузалиб кетган,
Сақлаб қололмадим шунча одамни.

Ногоҳ бир қаламкаш жўш урган кўйи
Деди: – Айтиб қўяй, шу кунни кутдим.
Бошқа иш қилмадим, мен умрим бўйи
Машҳур одамларни ёмонлаб ўтдим.

Хуллас, деҳқон борми ёки чилангар
Маълумот бердилар ўзларига боп:
Балдоқ ясаб юрган, масалан, заргар,
Ҳаммол юк ташиган – елкасида қоп.

Фақат юлғич қолди жавоб қилмаган,
Йўқ унда тайинли бирор касбу кор.
Инсоф нималигин асло билмаган,
Бу қавм яшаган доим бахтиёр.

Яна бир қавм бор – номи иғвогар,
Шу ишга сарф қилган ақлин, бор кучин.
Кўрган-билганларин қолдирмай йиғар,
Юмалоқ хат қилиб ёзмоқлик учун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳа, одам сийрати жуда ранг-баранг,
Бири зор меҳрга, бири амалга.
Кимдир ўлим билан олиб борса жанг,
Кимдир югурдаклик қилар ажалга.

Алқисса, айтилди: – Инсондир Кабир,
У ҳатто самога қўймишдир қадам.
Лекин оқиб турар қонида кибр,
Меҳнатин ёнида яшар нафси ҳам.

Сўров тамом бўлди, тинчланди осмон,
Кўкка сиёҳ сочиб, қуёш ҳам ботди.
Бошланар эртанги кун ҳам бегумон,
Ой чиқди, одамлар ухлаб, тош қотди.

2014 йил 12 январь

САЖДА

Пешин намозига айтилди азон,
Савдо тўхтатилди, эшиклар очиқ.
Кетди ибодатга соҳиби дўкон,
Қолди расталарда буюмлар сочиқ.

Кечиргин, жойнамоз – Босфор қирғоғи,
Тизларим букилмас, кибрим йўқ тақир.
Кўпчилик саждага эгилган чоғи
Битта мен тик турсам, ғалати ахир.

2014 йил 18 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧ ЗИНА

Уч ажиб зинадан ўтгайдир Инсон,
Гўёки ғазалнинг уч гўзал байти.
Хоҳлар ё хоҳламас, одам бегумон
Ўзи учун яшар болалик пайти.

Бир кун у камолот ёшига етгай,
Бу фасл ҳамиша умрларга зеб.
Инсон тайёр турар синовларга шай,
Яшайди оилам, элу юртим деб.

Кексалик йилларин сўрарсиз энди,
Ахир тажриба бор унинг қўлида.
Ўйламанг, шу билан у тўхтаб, тинди,
Инсон ўзин топди Аллоҳ йўлида.

2014 йил 18 январь

БОСФОР

Кўкда ракеталар учрашар, қара,
Қуёш-ку ҳар куни кўргазар дийдор.
Бир ён Қора денгиз, бир ён Мармара,
Иккала баҳрни улайди Босфор.

Жоним, сен у ёнда, мен-чи бу ёнда,
Масофа билмаган фақат юракдир.
Дийдор кўришмакка ёруғ жаҳонда
Наҳот яна битта Босфор керакдир.

2014 йил 18 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАЛҚИМ

Агар бола бўлсанг, бағримга босиб,
Елкамда кўтариб юрарман, халқим.
Агар ота бўлсанг, сенга муносиб,
Таянч, асо бўлиб турарман, халқим.

Дунёда кўп эрур шаҳри азимлар,
Муҳташам қасрлар, олий базмлар.
Қуршаган чоғда ҳам эъзоз, таъзимлар,
Даврамни сен билан қурарман, халқим.

Умр-ку ўтажак, фано муқаррар,
У ёқдан ҳеч кимга келмаган хабар.
Мабодо жаннатга бўлсам муяссар,
Шунда ҳам хаёлинг сурарман, халқим.

Гоҳида ризқингдан қолдинг айрилиб,
Майли, ўтган ўтди, боқма қайрилиб,
Келса балохўрлар, қўлин қайириб,
Бошини тошларга урарман, халқим.

Заминнинг айқирган дарёлари бор,
Тонгги шаббодалар таратар ифор.
Менда бўлиб қолса бир зум ихтиёр,
Барисин сен томон бурарман, халқим.

Сен завол топмадинг, қолмадинг ҳориб,
Сув келса сипқориб, тошни кўпориб.
Мен ким шоир ўғлинг Абдулла Ориф,
Эртан камолинг ҳам кўрарман, халқим.

2014 йил 21 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАБИРАМГА

Оҳ, болам-а, шамол каби еласан-а,
Истанбулнинг машҳурлигин биласан-а.
Мен бу ёнда ўлим билан олишаман,
Сен денгизни томошалар қиласан-а.

2014 йил 15 февраль

ШИФОХОНАДА

Ватанни англатай,
Тингла мени тек.
Хорижда шифо топ,
Майли, бўлиб бек.
Лекин биров сени
Кимсан демайди,
Даволанди, – дейди
Қандайдир ўзбек.

2014 йил 24 март

МЕҲРИБОН

Бунча мутаассиб бўлманг, эй эшон,
Яратган қошида тенгдир ҳар инсон.
Деманг, фақат мени тинглайди деб У,
Ўзи барчамизга ҳамдам, меҳрибон.

2014 йил 17 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧУМОЛИХЎР

Чумолихўр деган бир хил ҳайвон бор,
Амриқо ёқларда қозонган шуҳрат.
Туриши кўппакдай ўша жонивор,
Майда чумолини териб ер фақат.

Бир кун арслон деди: – Улкан бўлсанг ҳам,
Чумоли ейишни қилмайсан канда.
Чумолихўр деди: – Кечиринг ҳожам,
Ахир нима қилай, майдакашман-да.

2014 йил 3 май

БИЛАҒОНЛИК

Хитой ёзувини ўқий олмайман,
Менга нотанишдир санскрит ҳам.
Лотинча жумла ҳам тўқий олмайман,
Бўйнимга оламан барисин, укам.

Сен кўп нарсаларни биласан гўё,
Буюк фазилат бу – рост бўлса агар.
Яшириб не қилдим, кўпинча аммо
Ёлғон гаплардан ҳам қилмайсан ҳазар.

2014 йил 4 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲИМОЯТ

Аввал болаларга қалқон бўлинг, сўнг
Ёши улуғларни айланг ҳимоят.
Бор эрур учинчи вазифа ҳам чўнг:
Бемор одамларга кўрсатинг шафқат.

Шундоқ қурилгандир афсуски дунё,
Уларнинг жисмига ёзда ўтар нам.
Қурту қумурсқалар ҳайиқмас асло,
Чўқилаб қочади ҳатто чумчуқ ҳам.

2014 йил 5 май

ҲАҚ ГАП

Кетганни билмасдан мақтама, банда,
Гарчи марҳумларнинг ёди порлоқдир.
Ёвуз ёвузлигин қилмагай канда,
Ўша жойларда ҳам аҳмоқ аҳмоқдир.

Ўлим бир нафасда келтирмас обрў,
Ногоҳ азиз бўлиб қолмагай жонинг.
Сени қутқазиши мумкин билиб қўй,
Эзгу амалларинг ҳамда иймонинг.

2014 йил 5 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕЧИРГИН

Жанозамни кутиб сочинг оқарди,
Лекин яшарканмиз тақдирга кўра.
Осмон шунақа бир фармон юборди,
Ўлмайдиган бўлдим, кечиргин, жўра.

2014 йил 6 май

ЎЙИН

Қачон қарамайин отам раҳматлик
Олиб боргин дерди мени Нукусга.
Булар гапдир дердим оддий, суҳбатлик,
Ўхшаб кетар ахир Нукус – Некўзга.

Ҳар ҳолда йироқман уруғчиликдан,
Яхлит деб биламан жами одамни.
Баъзан ёлғизлансам бор-йўқчиликдан
Тушуниб қоламан отамни.

2014 йил 6 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎНИКИШ

Бу дунё ўзгариб кетди мутлақо,
Очиқ гап, ҳамма ҳам баробар эмас.
Меҳнат қилган одам кун кўрар, аммо
Бекорчига кўкдан чалпак ҳам ёғмас.

Орзу-ҳаваларга тўлиқ бу олам,
Ўғлим, соғ юрсанг бас, ўзингга яраб.
Энди қаноатга, кўниккин сен ҳам,
Оёғингни узат кўрпангга қараб.

2014 йил 6 май

ИККИ БОЛАКАЙ

Гўё олис фазоларга учмоқликка шай,
Суҳбатлашиб турар эди икки болакай.

Бири дерди: – Мен ўқийман Оксфордларда,
Саёҳатлар қилажакман улуғ юртларда.

Иккинчиси деди: – Ўқи, пулинг етгайдир,
Юлдузларни узишга ҳам қўлинг етгайдир.

Менда эса бунақанги имкон йўқ, афсус,
Отамизда сизникидай дўкон йўқ, афсус.

2014 йил 6 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОДИЛ ЁҚУБОВ

Саксонинчи йилларнинг талотўп даври эди,
Ижод отхонасига сайис бўлиб қолдингиз.
Ташқаридан боққанда гўёки омад келди,
Ёзувчилар аҳлига раис бўлиб қолдингиз.

Жасур сафдошлар билан энг катта минбарларда,
Сиз ҳам ўзбекнинг шаънин қилолдингиз ҳимоят.
Аммо улкан ҳудуднинг шаҳру гузарларида
Амалга ишқибозлик ортиб кетди ниҳоят.

Йўлбошчи бўламан, деб оддий мулладан тортиб,
Ҳаваскор шоиргача чиққан эди ўртага.
На темиру на пўлат – неча бир чулчит адиб,
Эрта-кеч бошингизни айлантирди жўрттага.

Сиз одамлар қалбининг адиби эдингиз-ку,
Наҳотки билмасдингиз баъзисин айёрлигин.
Манфаати йўлида дуч келса ҳали сиз-ку,
Отасининг гўрин ҳам сотишга тайёрлигин.

Наҳотки билмасдингиз сиз уларнинг кимлигин,
Ҳасадгўй ва даврачи, шуҳратпараст, олифта.
Олими ҳам кўрмайди бу жаҳоннинг кенглигин,
Барчани тиқиштирар ўзи чизган қолипга.

Ҳолбуки англардингиз зулмат билан зиёни,
Улуғбекнинг бошини ўз ўғли еганлигин.
Энг буюк ватан бўлмиш муҳташам Осиёни,
Келгинди ёвдан аввал тарқоқлик енгганлигин.

Англардингиз аслида Олойлик қотил кимдир,
Инсонпарвар ёзувчи Чингиз кимдир дунёда.
Бир қараса, феълингиз мулойимдир, ҳалимдир,
Бир қараса, қаҳрингиз нортуядан зиёда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир куни оҳ чекдингиз ёлғиз қолган пайтимиз,
Нега мен шу қавмга ўралашиб қолдим, деб.
Эҳ, оксоқол, элга сиз кўп ўгитлар айтдингиз,
Эзилманг, дедим сизга пушаймонлик ғамин еб.

Бироқ дилдан ўтарди тамомила бошқа гап,
Тинчгина ижод қилиб юрсангиз бўлмасмиди.
Абдулла Қаҳҳор ёки устоз Ойбекка ўхшаб
Холис бир қўрғон бўлиб турсангиз бўлмасмиди.

Руҳингиз топсин ором, сиз тарихий йўлларда,
Иймонли инсонларга чин йўлдош бўлолдингиз.
Истиклол байроғини баланд тутиб қўлларда,
Асл, буюк зотларга замондош бўлолдингиз.

2014 йил 9 май

ПОЧТА ҚУТИСИ

Дарвозам юзига қадалган шундоқ
Ажойиб безакли почта қутиси.
Йўловчи ё мухлис ёки дўст-ўртоқ
Унга ўз хатларин ташлаб ўтгуси.

Гоҳо таъсирланиб кетаман ростдан,
Олганда масалан, қутлов хатларни.
Биров пўписа ҳам ёзади қасддан,
Баъзан ўрганаман шикоятларни.

Ҳаётнинг оддий бир манзараси бу,
Кимдир балки мендан кутгайдир мадад.
Бироқ бир армон бор дилимда мангу –
Қайга борай ўзим магар босса дард?

Дунёдан ўтганда отам ва онам,
Чидаш беролмадим ҳижрон ўтига.
Фарёдим қоғозга битган бўлсам ҳам,
Уни ташлар эдим қайси қутига?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учратдим хаётда турфа одамни,
Нокаслар тинч қўяр на ўнг, на тушда.
Улар юрагингга солган аламни,
Қабул қилармикан бирорта почта?!

Кечаги ёронлар кетса қайрилиб,
Мансабу бойлигинг йўқлиги сабаб.
Агар ёлғиз қолсанг, дўстдан айрилиб,
Кимга хат ёзардинг тасалли сўраб?!

Ҳар лаҳза учрайди азал бир маъни,
Ҳаётда абадий шундоқ ибрат бор:
Қайта тиклаш мумкин ҳатто Каъбани,
Лекин қалбни тиклаш душвордир, душвор.

Магар нола чекса юрагинг зимдан,
Уни тинглар фақат Аллоҳ даргоҳи.
Гина қилиб юрма, асло ҳеч кимдан,
Қутига сиғмайди инсоннинг оҳи.

2014 йил 17 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚУШЛАРИМ

Қушларим, сиз мени маъзур тутингиз,
Яхшиси, боғимга қўнмай ўтингиз.

Боғнинг атрофида мисоли бало
Безори болалар бўлмишлар пайдо.

Уларнинг қўлида палахмон, камон,
Учраган жонзотга келтиргай қирон.

Бургут бўлсангиз ҳам яқин келманг, бас,
Ўзини асраган қўркоқ саналмас.

2014 йил 28 май

ЎҒРИ ВА ТЎҒРИ

Тўғрилар қишлоғига
Келиб қолди бир ўғри,
Қанақаси бўлди, деб
Роса бошин қашлади.
Демакки, эл қатори
Бўлишим керак тўғри,
Ўғриликни ташлади.

Ўғрилар қишлоғига
Келиб қолди бир тўғри,
У ҳам аввал лол, ҳайрон,
Роса бошин қашлади.
Демакки, эл қатори
Бўлишим керак ўғри,
Ўғриликни бошлади.

2014 йил 31 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИ ҲАМРОҲ

Бир кун ҳамроҳ бўлди менга феъли тор,
Ўтлар чақнаб кетди чеккан оҳимдан.
Дедим: – Дўзахингга майлига юбор,
Ё раб, куткар мени шу ҳамроҳимдан.

Бир кун ҳамроҳ бўлди бағри кенг сиймо,
Асар ҳам қолмади ўша оҳимдан.
Дедим: – Майли қилма жаннатни ато,
Фақат ажратмагин шу ҳамроҳимдан.

2014 йил 12 июнь

ҚОВУН ҲИДИ

Бозорга йўл олди бир кун оқсоқол,
Балки хуморини ёзмоқчи бўлди.
Шу маҳал қайдандир бамисоли бол,
Урди димоғига қовуннинг ҳиди.

Во ажаб, минг йиллик хотирани ҳам
Қўзғаб ташлади-ку муаттар бу ис.
Чол ҳам болалигин эслади шу дам,
Кўз олдига келди чайла ва полиз.

Шу лаҳза ҳис этди барчасин тиниқ,
Ҳатто далаларнинг салқин тунини.
Ҳозир юз йилга ҳам бермасди аниқ,
Ўша болаликнинг битта кунини.

Бозордан қовунни харид қилди чол,
"Оби новвот"миди, "Кўкча"миди ё.
Ғоят хурсанд эди, кон топган мисол,
Бағрида болалик бўй сочар гўё.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уйда катта-кичик бўлди жамулжам,
Қовунни сўйдилар. Ахир бу не ҳол?!
Унда на маза бор, на сувчалик таъм,
Лекин ҳузур билан еди оқсоқол.

2014 йил 30 июнь

ҲАЁТ

I

Сирғалиб чиқди-ку остингдаги от,
Кетди қарчиғайинг — қайрилмас қанот.
Кеча ғолиб эдинг, бугун мағлубсан,
Оёқ тираб турар кўксингга ҳаёт.

II

Буви набирасин авайлар ҳар вақт,
Шамоллаб қолма, деб уқтирар фақат.
Набираси дейди: — Сиз ҳам соғ юринг
Биламан, бувижон, дорилар қиммат.

III

Рафиқамга

Кимдир деди оҳ чекиб:
– Зулматга ботди зиё,
Тулпорлар кетиб бўлди,
Қирчанғига зот қолди.
Тирикликни ўлимлар
Енга билмади, аммо,
Завол топмай дунёда,
Барибир, ҳаёт қолди.
Афсус, не-не инсонлар
Тарк этдилар оламни,
Қайтмадилар, тўксам ҳам
Кўзимдаги жоламни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу не сирким, кулфатлар
Буколмади одамни,
Завол топмай дунёда,
Барибир, ҳаёт қолди.
Онам кетса, ўйловдим,
Йиқилиб тушгай осмон,
Отам кетди, мен учун
Зимистон бўлди жаҳон.
Лекин мен ёдгор эдим,
Ўлмай қолган тирик жон,
Завол топмай дунёда,
Барибир, ҳаёт қолди.
Юрагим сиқилганда
Мозор оралаб юрдим,
Кекса бир донишманднинг
Қабри ёнида турдим.
Во ажабо, тошида
Ушбу ёзувни кўрдим:
– Завол топмай дунёда,
Барибир, ҳаёт қолди.
Саноғига етмайди
Ҳанузгача одамзод –
Заминда қурбон кўпми,
Кўпмикан ва ё жаллод.
Яхшилардан от қолур,
Ёмонлардан қолур дод,
Завол топмай дунёда,
Барибир, ҳаёт қолди.
Ўкинмагин, азизам,
Оркада энди ғовлар,
Ажалдан ҳам аслида
Баттарроқ экан ёвлар.
Дегаймиз, ўша куни –
Ўтгач барча синовлар:
Завол топмай дунёда,
Барибир, ҳаёт қолди.

2014 - 2015 йиллар

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУАЗЗАМ ДАРЁ

Дафъатан нокаснинг нафаси тегиб,
Ўзгариб қолмайди дарёи азим.
Даласига асли арпани экиб,
Буғдой ўриб олмас, албатта, ҳеч ким.

Балки, шерик бўлар шонингга кимдир,
Балки, балохўрлар келтиргай малол.
Истиқлол! Муаззам дарёсан, ахир,
Ҳамиша поксан сен, ҳамиша ҳалол.

2014 йил 16 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАРҲЕЗ

Бир бемор касали қўзиб турган кез,
Дўхтирга борганди, буюрди парҳез.

Деди: – Камайтиринг ёғли кабобни,
Коньякнинг ўрнига тортинг гулобни.

Бедана шўрвадан оз-оздан ичинг,
Сомса ва нориндан буткул воз кечинг.

Бемор тушиб қолди ғалати ҳолга,
Сўнгра изоҳ берди ушбу аҳволга:

– Дўхтиржон, кўнгилни қилаберинг тўқ,
Бундай таомларни кўрганим ҳам йўқ.

2014 йил 22 июль

ДЎКОНЛАР

"Соғлиқ" деган дўконда эдим,
Мен дардлардан азоб тортувчи.
Бироз беринг соғлиқдан, – дедим,
Тугаб кетган, – деди сотувчи.

"Омад" деган дўконга кирсам,
Пештахталар турар қуп-қурук.
Кутинг, – дейди сотувчи беғам,
Омад ҳали келганича йўқ.

2014 йил 24 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОДАТ

Унутилмас баъзи бир одат,
Вакт агарчи елаверади.
Қайда хайкал кўринса, албат
Гуллар қўйгим келаверади.

Яхшилик қил, дер эди отам,
Энди бу иш урф эмас тайин.
Бир ночорни учратганим дам
Мадад бергим келар, нетайин.

Болалик ҳам ўтди бегумон,
Тамға солиб аклга, танга.
Ўзим кекса бўлсам-да ҳамон
Жой бераман кари-картангга.

Огоҳ қилай лекин бир сирдан,
Гарчи бу гап қилгайдир алам:
Айтишади ўтган асрдан
Қолиб кетган бу содда одам.

Чўнтаклари тешикдир дунё,
Мен эргашиб дурлар тераман.
Ҳеч ким алик олмайди, аммо
Мен барибир салом бераман.

2014 йил 30 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАТАН МЕҲРИ

Синглим Бибисорага

Хасталикка йўликдим Ватанимдан йироқда,
Вайрон бўлди минг карра шундоқ ҳам вайрон кўнглим.
Денгизу тоғлар оша, гоҳ яёв, гоҳ учоқда
Мени кўргани келдинг, Бибисора, жон синглим.

Эллик йил айро тушган икки жигарбанд мисол
Ака-сингил йиғлашдик, елкаларга қўйиб бош.
Шу лаҳза онам руҳи чарх урарди эҳтимол,
Балки отам арвоҳи тиларди бизга бардош.

Ношукурлик ёмондир, яшадим-ку ҳарқалай,
Қайга борсам, мухлислар бизники деб аташди.
Бироқ ўтган йилларнинг феълин ҳам айтиб ўтай:
Аввало қўрқитдилар, сўнгра эса талашди.

Бойлик ва амал топиш қийин эмас дунёда,
Жиндек чакконлик билан устакорлик бўлса, бас.
Душман-ку пойлаб турар ҳар ўру ҳар қиёда,
Фақатгина чин дўстни учратмоқ осон эмас.

Мен ҳам бир дўст ахтариб, шамол мисоли елдим,
Гоҳо топдим, гоҳида тополмай чекдим алам.
Тўрт мучанинг қадрини ёшим ўтганда билдим,
Жароҳат топдим гоҳо туянинг устида ҳам.

Донишмандлар ҳаётни аслида синов дейди,
Бу ҳикматни ҳар инсон ўзича англар бироқ.
Тирикликда собит бир мантиқ бўлса қанийди,
Бўрилар қолиб кетиб, қўйни синашар кўпроқ.

Соғайиб сафингизда юрарман ҳали мен ҳам,
Ошно бўлиб шеър деган абадий бир сеҳрга.
Ёлғиз худога солдим, гар бировдан етса ғам,
Лекин мудом талпиндим эзгуликка, меҳрга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ким бўлибман ахир мен, меҳрга зор-ку башар,
Чулғаб олмиш оламни зўравонлик ва ақча.
Оддий бир тўп тепарга қиёслаб кўрсанг агар,
Гомер ва Толстойнинг нархи бўларкан қанча?!

Ҳа, одам боласи бу, қон қақшатар дилларни,
Қўли ҳеч бўшамайди иғво билан урушдан.
Кўрдим афсус дунёда ҳатто шундоқ элларни,
Завқ олади ўз бирин топтаб, ерга уришдан.

Сен Ватаним меҳрини келтирдинг, Бибисора,
Энди оёкка тургум соғ-омон, ўйнаб-кулиб.
Билиб қўй, бу меҳрни топиб бўлмайди сира,
Инчунин, у кўрингай гоҳида сингил бўлиб.

2014 йил 4 август

МАҚТАНИШ

Одам зоти билса экан мактанишни ҳам,
Лекин, хазм қилолмадим бир ҳолатни ҳеч:
Уни ёмон демасидан бирорта одам,
Яхшиман, деб дод солади эртадан то кеч.

2014 йил 13 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИФТИХОР

Мен уни кўрганман, дер эди биров,
Ёнида турганман, дер эди биров.
Каттакон мажлисда ҳеч аямасдан
Мен уни урганман, дер эди биров.

2014 йил 13 август

УНУТИШ

Унут баҳорларни, қишларни унут,
Унут осмонларнинг зангор кўйлагин.
Юлдузларни унут, қушларни унут,
Уларни кўрмадим дея ўйлагин.

Дунёда жамики мавжуд нарсани
Яралмаган дегин, йўқ деб бил, эркам.
Ҳайратга солурсан шунда барчани,
Шунда унутарсан балки мени ҳам.

2014 йил 16 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОДАМ ВА ТУЛПОР

Кўнгли бу дунёдан совиган одам
Касалга чалинган тулпорга ўхшар.
Одам қиё боқмас сийму зарга ҳам,
Тулпор арпасига ташламас назар.

Ундайин одамга икки дунё бир,
Чайла ва қасрнинг фарки йўқдир, бас.
Ундайин тулпор ҳам ҳамиша дилгир,
Пойгаларга зарра рағбати бўлмас.

2014 йил 21 август

МАДАД

Яшин урган дарахт,
Ярадор бўри,
Қояга урилиб,
Йиқилган бургут.
Танида бор бўлса,
Ҳаётнинг нури,
Тангрим, сен уларни
Айлама унут.

Ёвузга куч бериб,
Золимни қўллаш
Эҳтимол Иблиснинг
Азалий касби.
Ночору ожизга
Мададин йўллаш
Яратган Эгамга
Хос эрур асли.

Бутун бўлолмадим,
Жоним ҳам ярим,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин тўлиқ сездим
Тириклик сасин.
Беозор дўстларим –
Чумолиларим,
Гурс-гурс қадам ташланг,
Тангри қўлласин.

2014 йил 23 август

ҚАРИЯЛАР СУҲБАТИ

Ёмғирлар ёғарди қирқ кеча-кундуз,
Қорлар ёғар эди теракни кўмган.
Тулпорлар бўларди кўзлари юлдуз,
Пойгада рақиблар чангини кўрган.

Йигитлар бўларди бақувват, бардам,
Бир ўзи ер эди бир семиз қўйни.
Тобутлар бўларди файзли чунонам,
Тўлдириб ўтарди маҳалла-кўйни.

2014 йил 9 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎЙЛАР

Тўйга айтган эди азиз бир дўстим,
Дўконни айланиб, совға ҳам олдим.
Бордим, тўйхонада йўқ эди ҳеч ким,
Янглишиб келибман мен бир кун олдин.

Яна бир оғайним, ўз-ўзига тўқ,
Тўй килишни кутди, кутди ичикиб.
Борсам, тантанадан зарра нишон йўқ,
Ахир, мен келибман бир кун кечикиб.

Ҳаёт шукронага мутлоқ муносиб,
Тириклик ўзидир олий мукофот.
Ҳар кимга бахт-иқбол айласин насиб,
Уйсизга уй берсин, беморга нажот.

Тўйнинг-ку узрини айтмоқлик осон,
Қутловнинг эшиги ҳамиша очиқ.
Лекин дилни қийнар бошқа бир армон,
Қайда у – насибанг сенга ярашиқ.

Ёнма-ён юраркан севинч билан ғам,
Бир ҳолни тушунмай, ҳайронман, аммо
Дунёни неъматим дегандинг, Эгам,
Эрта келдимми мен, кечикдимми ё?

2014 йил 16 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАРДЛИК

Набираларга

Боболаринг мард бўлган,
Йиқилган полвонни ҳам
Ҳурмат қилиб, камситмай
Ердан турғазиб қўйган.
Эзгуликнинг қошида
Эриган мисли малҳам,
Лекин, ёвузнинг кўзин
Ўйиб, қўрғошин қуйган.

Боболаринг мард бўлган,
Пойгаю кўпкарида
Меники, деб олмаган
Бировнинг насибасин.
Ўзи кашфиёт ясаб
Илму фан меҳварида,
Пеш қилмаган ҳеч қачон
Шажараю нисбасин.

Боболаринг мард бўлган,
Қозининг тўнин кийиб,
Дабдурустдан, ўртага
Қозиман, деб чиқмаган.
Номардларнинг қошида
Юрмаган бўйнин эгиб,
Ўлдирса ҳам душманга
Дўстларини чақмаган.

Боболаринг мард бўлган,
Шеър ёзса ҳам муқаррар
Хаёлида гўёки
Паланг билан олишган.
Майдонда ғолибликка
Кўзи етмаса агар,
Бу ишни йиғиштириб,
Ёзмай қўя қолишган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Боболаринг мард бўлган,
Қадрдон тулпорини
Қариган чоғида ҳам
Қассобга топширмаган.
Гавҳар каби асраган
Ориятни орини,
Гуноҳи бўлса агар
Бировга оширмаган.

Боболаринг мард бўлган,
Нажмиддин Кубро каби
Керак бўлса, Ватан деб
Туғни тутиб берган жон.
Дилларида иймону
Ҳам озодлик матлаби,
Тушларига киргандир
Турон – мулки Туркистон.

2014 йил 21 сентябрь

ХЕШУ АҚРАБО

Ишларинг юришиб тургани асно,
Кўпайиб кетади хешу акрабо.
Дарвиннинг китобин қўлтиклаб олиб,
"Тоға", деб келади маймун хам хатто.

2014 йил 26 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАДОМАТ

Қўлингдан нима ҳам келарди, – дединг,
Ногаҳон зарбадан титради бу қалб.
Бир замон мухлису хайрихоҳ эдинг,
Сендан чиқмас эди бунга ўхшаш гап.

Кўп йиллар тунингни ёритиб турган
Битта чироқ эдим, унутдингми ё?
Гўё соям эдинг ёнимда юрган,
Менсиз ўтмас эди кунларинг асло.

Афсус, ўша дамлар кетди қайтмасдан,
Энди узолмасман кўкдан юлдузни.
Гапларим эскирар ҳали айтмасдан,
Минг бир саралайман арзирлик сўзни.

Шукур, кар эмасман ё эмасман ланг,
Шукур, кўзларим ҳам очиқдир ҳамон.
Оёқ остингдаги чоҳни кўрмасанг,
Огоҳ киладирман, билгил, қадрдон.

Уча олмасам ҳам самога қадар
Шамол ўтиб турар ўнгу сўлимдан.
Оддий инсонликни унутсанг агар,
Ўшани эслатиш келар қўлимдан.

Ҳали яхшиликдан ўлмаган ҳеч ким,
Ёлчиган ҳам эмас ёмон от билан.
Жаннат дарвозасин қошида балким
Сени қарши олгум илтифот билан.

2014 йил 1 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУЛК

Ожиз банда, гапларимни кўнглингга олма,
Замин Аллоҳ мулки эрур, сен чангал солма.
Мусофирсан, муҳожирсан ернинг устида,
Муддатингни яшадингми – йўлингдан қолма!

2014 йил 4 октябрь

ЭСЛАШ

Отам билан бирга отга мингашиб,
Китоб довонидан ошгандик бир вақт.
Қараб бўлмас эди пастга энгашиб,
Бир қадам нарида жарлик — ҳалокат.
Қандай ўтган эдик у йўлдан омон?
Эсласам, энтикиб кетаман ҳамон.

Тун эди, шаҳардан қишлоққа қараб,
Катта акам билан тушардик қирдан.
Тўртта бўри бизни олганди ўраб,
Уфқда тўрт отлиқ кўринди бирдан.
Биз улар туфайли қолгандик омон,
Эсласам, энтикиб кетаман ҳамон.

Кездим, ер юзини саёҳат қилдим,
Ортга қайтар бўлдим кемада бир кун.
Денгиз нималигин ўшанда билдим,
Балойи азимдай қутурди тўлқин.
Кемамиз тўфондан чиқди-ку омон,
Эсласам, энтикиб кетаман ҳамон.

Нима ҳам қилардим, иссиқ жон экан,
Мусофир юртларда чалиндим дардга.
Тириклик аслида имтиҳон экан,
Ахир зор бўлдим-ку мен ҳам мададга.
Кунимдан бор экан, соғайдим омон,
Эсласам, энтикиб кетаман ҳамон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бугун насиб этди салобатли ёш,
Шукрона айтаман барчаси учун.
Лекин нокаслар ҳам бўлдилар йўлдош,
Умримни эговлаб едилар бутун.
Не бахтким, баридан ўтолдим омон,
Эсласам, энтикиб кетаман ҳамон.

2014 йил 8 октябрь

АЖАБО

Дейдилар, умрни бергайдир худо,
Уни чўза олмас, ҳеч ким мутлақо.
Лекин шул умрни қисқартиб ташлаш,
Ҳар кимнинг қўлидан келгай ажабо!

2014 йил 10 октябрь

ИККИ ҚАРИЯ

Сўзлашиб турарди икки қария
Хотираси маҳкам, чақмоқдек мия.

Лекин пишгандилар мисоли илик,
Икки тақсимчага солиб егулик.

Юздан ошсалар ҳам хушёрдирлар зап,
Секин бир-бирига ташлайдилар гап:

– Умрнинг танобин роса олибсиз,
– Лекин бирозгина қариб қолибсиз.

2014 йил 11 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

САФАР

Олиб кетмасмидим сафарга сени
Заррача имконим бўлса агарда.
Бир сен кузатмадинг вокзалда мени,
Кетмагандек бўлдим мен ҳам сафарга.

Қайтдим соғинч билан йўл босиб оғир,
Яна фақат сени изладим, эркам.
Бир сен чиқмагандинг вокзалга ахир,
Қайтмагандек эдим сафардан мен ҳам.

2014 йил 15 октябрь

ДИЛОЗОР

Дилозор одамнинг суврат, сийратин
Чизиб беролмаган бирорта даҳо.
Намойиш этгай у гоҳо савлатин,
Кулиб қараб қўяр юзингга ҳатто.

У ўзин билдириб қўймай, деб балки
Даврани кузатар тийрак кўз билан.
Озор бермоқ унинг азалий касби,
Баъзан имо билан, баъзан сўз билан.

Озроқ улфатга ҳам ўхшаб кетгай у,
Лекин асли тортар ҳасадгўйларга.
Хушомад қилмоққа доимо шай у,
Ҳатто кўрк бағишлар базму тўйларга.

Унинг номи йўқдир бирор қарорда,
Кўплар бу иллатни тилга ҳам олмас.
Лекин у мавжуддир ҳар бир қаторда,
Кимгадир озорин етказмай қолмас.

Унинг иш услуби оммабоп роса,
Ниши ҳам тайёрдир кечми ё саҳар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кимнидир чақишга улгурмай қолса,
Почта қутисига ташлайди заҳар.

У асло бўй бермас тарбияларга,
Мажлисларда юрар шамолдай кезиб.
Ёғоч отдан сўзлар қарияларга,
Болаларга берар илонни чизиб.

Соддароқ кимсани учратган заҳот
Албатта масхара базмини қурар.
Бир ўйлаб қарасанг, асли одамзод
Дилозорлар билан курашиб юрар.

Шунчаки яшашдан зериккай одам,
Гоҳо ўз-ўзича юборар куйлаб.
Менимча, дилозор бўлмаганда ҳам
Уни топардилар, албатта, ўйлаб.

2014 йил 17 октябрь

ЛАҲЗА

Дафъатан атрофга чўқар сукунат,
Гўё дарз кетгудек қисилар борлиқ.
Барглар қимирламас, тош қотган дарахт,
Ҳаёт тўхтагандай. Даҳшат нечоғлик!

Фақат эшитилар юрак товуши,
Қалбингда юз берар илоҳий бир ҳол.
Йўқ ахир юракнинг ўнги-ю туши,
Самодан келгандек бу товуш яққол.

Ҳаёт бирданига уйғонар яна,
Дарёлар гувиллар, шовуллар боғлар.
Бошланар ҳар ёнда буюк тантана,
Тириклик нафаси – бетакрор чоғлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна жам бўлади дунёнинг куши,
Яна қалдироқлар солади ларза.
Фақат эшитилмас юрак товуши,
Фақат сезилмайди илоҳий лаҳза.

2014 йил 26 октябрь

ОЧ ОДАМ

Агарда оч одам ўғирласа нон,
Асло қайтиб бермас, бу гапга инон.
Лекин ўзи каби очни учратса,
Баҳам кўргайдир у нонни бегумон.

2014 йил 31 октябрь

ҲАҚИҚАТ

Оқиллар кўпайиб кетса ҳам агар,
Барибир яшайди битта девона.
Ортса гар шоирлар сони муқаррар,
Топилгай ўқувчи, майли, бир дона.

Бойлар ер юзини эгаллаган дам,
Қайдадир бир йўқсил юргайдир шаксиз.
Дунёни бахтлилар чулғаганда ҳам,
Уларнинг ичида учрар бир бахтсиз.

2014 йил 3 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ КЎРИНИШЛАРИ

Лабларида ажиб ним кулги,
Қараб турар болакай бесас.
Тағин уни койима, чунки
Жужуқ ҳали гапира билмас.

Тирикликдан нолима тақир,
Янтоқ босган, тиканзор йўли.
Мухлисни ҳам айблама, ахир
Очилмаган атаган гули.

Ўпкалайсан шифокордан гоҳ,
Унга оғир, оғир аслида.
Ажал деган доғули ҳамроҳ
Доим турар рўпарасида.

Сени қийнар дўстлар фироғи,
Уларнинг ҳам кўнгли доғланган.
Юролмаслар, чунки оёғи
Иш занжири билан боғланган.

Ранжимагин муҳаббатингдан,
Билмай туриб, ўксимоқ нечун.
У кундузи шод юрган билан,
Юм-юм йиғлар тунлар сен учун.

Бир зот борки, тирикдирсан то
Юрагингда яшар шукуҳи.
Дуо қилиб чарчамас асло,
У – муштипар онанинг руҳи.

2014 йил 7 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУН КЎРИШ

Чалпак ёққан эмас осмондан асло,
Ҳар ким насибасин албатта еган.
Одам болаларин лафзида аммо,
Битта ибора бор – Кун кўриш деган.

Асли бу қисматга йўлиққан ҳар кас
Орзу-умидидан айрилган демак.
Қайда бир лукмани илғадими, бас,
Ўша томонга у югурган бешак.

Кун кўриш дегани ўртаб дилларни,
Амаллаб яшашдан бир белги, нишон.
Забтига олгай у ҳатто элларни,
Не-не мардларни ҳам айлагай яксон.

– Нега ёлғон айтдинг, алдадинг нега,
Нега ҳакни ёқлаб бермадинг туриш?!
Дейди: – Сен ҳақ дейсан, жон керак менга,
Кун кўриш керакми, ахир, кун кўриш.

Кун кўриш йўлида юрарлар куйлаб,
Кун кўриш дардида тўкарлар кўз ёш.
Агарда теранроқ қарасанг ўйлаб,
Жаллод ҳам кун кўриш учун олгай бош.

Фақат кун кўриш деб қилинган ишдан,
Баҳра топармикан бирорта банда.
Одам чарчар бир кун бундай юмушдан,
Ўзини ўйлар-ку ҳеч бўлмаганда.

Улуғ орзуларга этганди даъват
Фидойи инсонлар – беназир зотлар.
Наҳотки, кун кўриш йўлида фақат
Ёниб битган бўлса ўша ҳаётлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсоф бера қолсин ҳар кимга Эгам,
Ҳаёт кўзгусида турланмоқ нечун?!
Эҳтимол, мана шу сатрларни ҳам,
Ёзиб тургандирман кун кўриш учун.

2014 йил 8 ноябрь

КЎЗЁШ

Кўзимдан ёш оқар йиғламасам ҳам,
Мен уни артарман энди дам-бадам.
Ўзимча шод-хуррам юраверибман,
Тўпланиб қолибди кўзларимда нам.

2014 йил 12 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЛҚИН

“Дунё тинчдир,
Халқлар ҳам якдил,
Метин каби мустаҳкам сафи”.
Буни фақат айтади ғофил,
Бу – ўйловсиз одамнинг гапи.

“Оҳ, қанийди тинч бўлса дунё,
Ва жам бўлса халқлар мушт каби”.
Бу – ҳаётнинг сўзи мутлақо,
Бу – донишманд одамнинг гапи.

2014 йил 18 ноябрь

НОНУШТА

Чол-кампир ва ўғил. Нонушта чоғи.
Ўртада дастурхон. Чой ва қаттиқ нон.
Орага чўкмишдир сукунат тоғи,
Ниҳоят гап бошлар секин онахон:
– Ўша сўраганин берсангиз агар,
Ўғлимизнинг иши битармиди ё.
Чол бирдан ғазабга минади баттар:
– Ҳеч вақо йўқ менда, йўқ менда дунё!

Шартта туриб кетар чол ҳам, ўғил ҳам,
Қайгадир йўл олар бирин ва кетин.
Кампир ёлғиз қолар, кўзларида нам,
Маъюс ғижимлайди дастурхон четин.

2014 йил 22 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎҒЛИМ ИЛҲОМЖОНГА

Таваллуд кунингда
Чақирмасанг ҳам
Меҳмон оқиб келар дарёдай тўлиб.
Мен ҳам ўтирарман ёнингда ул дам,
Ўша меҳмонларнинг биттаси бўлиб.

Шаробинг ичмасам ким қилар гина,
Дастурхонинг ортиқ ҳамду санодан.
Фақат дуо қилгум туриб жимгина,
Узоқ умр тилаб сенга худодан.

2014 йил 29 ноябрь

КЕЧИР ШЕЪРИМ

Кечир шеърим, кечиргин мени,
Йиллар ўтиб чарчадим, толдим.
Шундай пайтлар бўлди-ки, сени –
Муҳофаза қилолмай қолдим.

Қудуқ қаздим сув танқис дамлар,
Эришдим ҳам балки ютуққа.
Чўктирдилар лекин одамлар
Ўзим қазган ўша қудуққа.

2014 йил 1 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПОЛВОН

Йиқитолмас, юрагингни аммо яралар,
Номардларга тўлиб кетган кўҳна бу жаҳон.
Посангининг ярмин босар ичи қоралар,
Саломингни бериб-бермай, ўтавер, полвон.

Сен-ку кураш майдонида чиқдинг зўрдан-зўр,
Ана энди мухлисларнинг қувончларин кўр.
Ғалабангга шерик бўлар лекин балохўр,
Саломингни бериб-бермай, ўтавер, полвон.

Битта сенга кўзин тикар ҳакам ҳамда пир,
Сенинг ярминг куч эмишу, ярминг эса сир.
Худди ўзи олишгандай мақтанар мухбир,
Саломингни бериб-бермай, ўтавер, полвон.

Асл полвон содда бўлар ҳақиқат каби,
Шажарасин суриштирсанг, қўллаган Наби.
Унинг ўзи четда юрар, олдда мактаби,
Саломингни бериб-бермай, ўтавер, полвон.

Аллоҳимнинг марҳамати, қудрати беҳад,
Лекин ушбу синовин ҳам этолмайсан рад:
Полвонларни таъқиб этар бир умр ҳасад,
Саломингни бериб-бермай, ўтавер, полвон.

Шукур қилгин, халқнинг ўзи кўтаргай бошга,
Пойинг ерда, шонинг эса етгай куёшга.
Ғирромларга парво қилма, қўлловчинг бошқа.
Саломингни бериб-бермай, ўтавер, полвон.

2014 йил 7 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФАЗИЛАТ

Ариза ёзиб ё илтимос қилиб,
Ҳеч ким бу дунёга келган эмасдир.
Ҳар банда ўтирса ўрнини билиб,
Нафсига берилмай яшаса, басдир.

Меҳнату тафаккур, тажриба боис
Мукаррам бўлгайдир ҳамиша инсон.
Ким бундан мосуво – ҳурмат ножоиз,
Унинг одамлиги аслида гумон.

Оёқсиз бўлса-да сув ҳам юролган,
Ибрат ол, ҳеч қурса, сен унга қараб.
Ошёну уясин ўзи қуролган
Чумолига шараф, қушларга шараф.

Қарайман – мозийнинг довонларида
Ботирлар машъали то ҳануз порлар.
Гард бўлмиш тарихнинг майдонларида
Ясама полвону сохта тулпорлар.

Мансабу шон-шуҳрат, бойлигу дунё
Ҳалоллик туфайли азиз, муборак.
Наинки заминга, кўкка ҳам ҳатто
Фақат фазилатли бандалар керак.

2014 йил 16 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАЛАК

Менга барибирдир энди кўп ҳолат,
Майли, сен қадримга етгин ё етма.
Бегона одамдек қарама фақат,
Мени кўрганингда бурилиб кетма.

Гўзал ёшлигингнинг менман гувоҳи,
У ёруғ кунларни фаромуш этма.
Ахир шайдоликнинг йўқдир гуноҳи,
Мени кўрганингда бурилиб кетма.

Дуосиз юрма ҳеч, ёмон кўзлар бор,
Чаманлар турфадир, қоқилиб нетма.
Ерга кўникмаган малаксан, дилдор,
Мени кўрганингда бурилиб кетма.

2014 йил 17 декабрь

БЕМОР

Бемор шўрлик кўниккан бутун
Оғриқларнинг шериклигига.
Тонгда кўзин очганда ҳар кун
Шукур қилар тириклигига.

Кўриб кетар ўнта шифокор,
Ҳар томондан текширар қараб.
Битта гапни эшитиб ўн бор
Ўн хил ташхис қўярлар, ажаб.

Ҳамшира қиз уҳ тортар секин,
Балки унинг сабри ҳам битди.
Дардни синов дердилар, лекин
Бу галгиси чўзилиб кетди.

2014 йил 19 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧИНЧИ БЎЛИМ

Тирикликнинг эҳтимол ярмин,
Ўтказасан хушомад қилиб.
Кимларнингдир бош кийимларин
Гардеробга — қозиққа илиб.

Насиб этса бирорта мансаб,
Энди сенга хушомад бўлгай.
Ғанимлар ҳам илтифот айлаб,
Гардеробга телпагинг илгай.

Ўзингни ҳам қилдингми ҳурмат?
Дейсан, бунга тегмади қўлим.
Бу инсоний, қисқа бир муддат,
Умрингдаги учинчи бўлим.

2014 йил 24 декабрь

ШОКОЛАД

Чўнтагимга солиб олдим тўртта шоколад
Ва ўзимга битта шартни айладим тайин:
Кимки мени алдамаса, сийлайман албат,
Шоколадни шу одамга совға этайин.

Куни бўйи бирор ғолиб чиқмади, ажаб,
Боз устига билмас эди ҳеч ким шартларни.
Уйга қайтдим, болаларни байрам деб алдаб,
Бўлиб бердим чўнтакдаги шоколадларни.

2014 йил 28 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁЛҒИЗЛИК

Нега уюридан кетган от мисол,
Бир ўзинг кезасан яйловдан йироқ.
Қачондир ёлғизлик келмасми малол,
Ахир, йўқми сенда дўсту ёр, ўрток?

Дейман дўстларим бор ҳавас қилгулик,
Ҳиммати бир юртнинг ҳирожи қадар.
Юракнинг қатида асраб келгулик
Тенгсиз зотлар улар, баҳосиз гавҳар.

Лекин отам айтган шундай гап ҳам бор:
Номардга ёлворма, қолсанг ҳамки оч.
Айтилмаган жойга бош суқма зинҳор,
Қадрингни билмаган даврадардан қоч.

2014 йил 30 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎДА

Минг йиллардан буён жами ҳайвонлар,
Бўрилар, шоқоллар, шерлар, арслонлар.

Тўда-тўда бўлиб яшаб келишган,
Бирга ов қилишган, бирга ейишган.

Тўданинг босқини даҳшат жуда ҳам,
Мамонтни йиқитган бир тўда одам.

Агарда қўзиса тўданинг феъли,
Унга тенг келолмас сойларнинг сели.

Хос унга ёвузлик, шафқатсизликлар,
Қорни тўқ бўлса-да, тоқатсизликлар.

Ирсият сўзини айтишмас бекор,
Барчаси то ҳануз йўқолмаган, бор.

Бир ҳисни яшириб ахир нетаман,
Тўдани кўрганда қўрқиб кетаман.

2015 йил 6 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЗР

Шоир дейди: – Топдим шон-шуҳрат,
Хаёлимни нурга ўрайман.
Ҳасадгўйлар кўп экан фақат,
Мен улардан узр сўрайман.

Бемор дейди: – Ўлдим, тирилдим,
Энди жонни зарга ўрайман.
Беморликда безовта қилдим,
Дўсту ёрдан узр сўрайман.

Чақалоқ дер: – Салом, эй олам,
Сени шаксиз гулга ўрайман.
Остонангда турибман мен ҳам,
Замин, сендан узр сўрайман.

2015 йил 10 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОМО

Мен кўргани келдим атайин,
Ҳозир сенсан энг қадимги жон.
Набирангдек тинглаб ётайин,
Афсоналар айтгин, моможон.

Айтгин, одам боласи бир вақт
Инсоф билан яшаганлигин.
Ҳалол ва пок, фақат ва фақат,
Ўз ошини ошаганлигин.

Инсонларда садоқат, вафо,
Бир замонлар бўлганини айт.
Ўзи очу кўзлари аммо,
Меҳр билан тўлганини айт.

Бандаларни маккорлик, кибр,
Кемирмаган, емаган дегин.
Бошларига тушса ҳам шамшир,
Ёлғонларни демаган дегин.

Мен кўргани келдим атайин,
Ҳозир сенсан энг қадимги жон.
Набирангдек тинглаб ётайин,
Афсоналар айтгин, моможон.

Тилагингдан баҳра олсин то
Оқми, қора – жамики одам.
Эзгулик деб сен қилган дуо
Ерда қолмас, момо, сира ҳам.

2015 йил 12 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

АКСИОМА

Томни бўяш учун етмадими гал,
Меҳмон қай илгакка тўнини илгай?
Буларнинг жавобин ҳаммадан аввал
Шу уйнинг эгаси – мезбони билгай.

Бир боғ шовуллайди кўзни яшнатиб,
Оламга татирлик ҳосил ҳам қилгай.
Бул ажиб маъвода бор қандай тартиб?
Буни эккан одам – боғбони билгай.

Ўзини ҳар ёнга урмайди карвон,
Турфа тўсиқлар бор – кўксини тилгай.
Аслида бу карвон кетмоқда қаён?
Буни – юлдуз кўрган сарбони билгай.

Менинг кипригимда қалқиб турар ёш,
У қачон тўкилгай, у қачон жилгай?
Денгизлар тошарми, кўчарми ё тош?
Оламлар соҳиби – дарбони билгай.

2015 йил 13 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАРҲ

Бу дунёда соддалар бисёр,
Ўтмишда ҳам учраган анча.
Бири дейди: – Иқтидоринг бор,
Шунинг учун бергансан қанча?

Бошқаси дер: – Ақлинг зўр чиндан,
Гапни гапга роса уладинг.
Жон оғайни, яширма мендан,
Бунинг учун қанча тўладинг?

Дейман, йўқдир уларнинг нархи,
Улар – ҳаёт, улар – зарурат.
Лекин бордир озгина шарҳи:
Текин эрур нодонлик фақат.

2015 йил 15 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎКОНҒИЧ

Бор эди бир сўконғич киши,
Ниҳоятда худбин, дилозор.
Фақатгина сўкишдир иши,
Маҳалла-кўй бўлганди безор.

Охир бир кун уч-тўрт азамат
Сўконғичнинг берди адабин.
Жағин бойлаб юрди у кўп вақт,
Айтолмасди лекин сабабин.

Қолди четда мисоли дайди,
Кимга энди заҳрини тўкар.
Катталарга тиши ўтмайди,
Кичикроқлар қайтариб сўкар.

Кимдир деди: – Фалон кўчада
Яшайди бир яримжон одам.
Нафсинг қонар балки ўшанда,
У индамас қанча сўксанг ҳам.

2015 йил 18 январь

ОНА НИГОҲИ

Ҳазрати Ҳизрга йўлиқсам албат,
Фақат бир нарсани сўрардим фақат:
Ёмон назарлардан толиқди руҳим,
Онам нигоҳини кўрсатинг, ҳазрат.

2015 йил 23 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕҲР

Негадир ёш бола ва ёки бемор
Гуноҳ иш қилгандек боқар жавдираб.
Овозингни баланд қилдингми бир бор,
Улар ҳадик ичра қолар довдираб.

Йўқ ахир уларнинг зарра гуноҳи,
Мудрар қалбларида бардош ва сабот.
Фақат меҳрга зор улар нигоҳи,
Кутганлари эса шафқат ва нажот.

2015 йил 25 январь.

СОҒИНЧ

Сени соғинсинлар,
Сен кўп соғиндинг,
Чора йўқ барибир икки ҳолда ҳам.
Дарёдек тошардинг, кўл каби тиндинг,
Фақат руҳинг қолди сен билан ҳамдам.

Афсус, соғинчнинг ҳам бордир адоғи,
Кейин унутилиш, бари абасдир.
Соғинган одамнинг кўнглида доғи,
Соғинтирганга ҳам осон эмасдир.

2015 йил 27 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎСТЛАР ВА РАҚИБЛАР

Ёшлик йилларимни эслайман секин,
Гоҳида тинибман, гоҳида қайнаб.
Турфа сатрларни битибман, лекин
Бир сўз ҳам ёзмабман қаламни қийнаб.

Ўрни келганида кечдим дарёдан,
Битта ўзим қолдим гирдобда гоҳо.
Куч олдим дўстларим берган ҳимодан,
Тортди оёғимдан рақиблар аммо.

Агар тоғ аталса у шонли равоқ,
Олтин зинасига қўйдим бир кун бош.
Дўстларим қутловга қўл чўзди, бироқ
Рақиблар тепадан отиб турди тош.

Равон йўл йўқ экан, ҳар ён сўқмоқдир,
Йўлбарс ҳам юрмаган чигал бу ўрмон.
Дўстлар-ку юлдуздек сенга маёқдир,
Рақиблар билдирмай қўярлар қопқон.

Бу ёруғ дунёда йўл юриб албат,
Охири тўхтайсан, паймонанг тўлиб.
Ўша кун дўстларга бермасдан навбат,
Рақиблар сўз айтар биринчи бўлиб.

Инсонга кўргилик азалдан ўтган,
Доимо виждонга келтирганлар шак.
Худойим ургану пайғамбар туртган
Рақибнинг устози – Иблисдир бешак.

2015 йил 29 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕҲРИБОНИМ

Семирсанг семиргину
Озма, дер меҳрибоним.
Қудукни кўмсанг кўму,
Қазма, дер меҳрибоним.
Ёзувчи бўлсанг агар,
Яхшиси таржима қил,
Ўзингча бирор асар
Ёзма, дер меҳрибоним.

2015 йил 21 январь

ДУО

Одамлар кимнидир алқаган асно
"Отангга раҳмат", деб қилурлар дуо.
Шундоқ олқиш олгин ҳамиша сен ҳам,
Бенасиб қолмасин то Ориф бобо.

2015 йил 1 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОИЛА ШЕЪРИ

Уйдан чиққанда ҳам, қайтганимда ҳам,
Тилимда айланар ёлғиз бир дуо:
Илоё хазинанг ҳеч бўлмасин кам,
Ёмон туш кўрмагин бекажон, асло.

Бахтимга ҳамиша бўлгин сен омон,
Сен учун оловга киришга шайман.
Ушбу дуоларнинг сабаби аён,
Сенинг қовоғингга қараб яшайман.

2015 йил 1 февраль

ЯХШИЛИК

Ўкинмагил, қартайиб, қариб,
Қолдим дема буткул орқада.
Бир кун берар сенга қайтариб,
Ҳаққинг бўлса олақарғада.

Яхшилигим кетди деб бекор,
Афсус чекмас ҳақиқий эрлар.
Бировидан қайтмаса зинҳор,
Бошқасидан қайтади дерлар.

2015 йил 2 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШИФОКОР

Укам Анварга

Шифокор бўлишни хоҳладинг яккаш,
Бошка касбу кордан тамом кечгансан.
"Худо урсин" деган каломга ўхшаш,
Гиппократ номига касам ичгансан.

Араб шайхими у, подачими ё,
Сенинг қабулингда оддий бир бемор.
Қонун қувлаб юрган ўғрини ҳатто,
Даволашинг шартдир, чунки ваъданг бор.

Сени шогирдидек яратгандир Раб,
Ҳаётинг инсонга бахшида буткул.
Азиз одам учун турсанг ҳам йиғлаб,
Ёвуз бемордан ҳам узолмайсан қўл.

Ҳар қандай мушкулнинг топилар кори,
Ҳаво бор беморинг ётган хонада.
Фақат меҳр деган ноёб бир дори,
Учрамас ҳеч қандай дорихонада.

Дейман, бари сенда эрур мужассам,
Халатинг сингари хизматинг ҳам соф.
Гиппократга қанча ичмагин қасам,
Қалбингдан кетмасин Шафқат ва Инсоф.

2015 йил 6 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЪЗИМ

Ота-онам, балки, қариндош авлод
Бир-бир кетиб бўлди, қолди бир-ярим.
Кетди “Алифбо”ни ўргатган устод,
Кетди ижодда ҳам муаллимларим.

Энди тўрт тарафим бўм-бўш, кимса йўқ,
Бу – ҳаёт қонуни, яхши биламан.
Лекин нимадандир ҳамон кўнглим тўқ,
Тўрт томонга қараб таъзим қиламан.

2015 йил 7 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

САВИЯ

Ҳа, биродар, ўз-ўзингни
Мақташдан аввал,
Ҳисобга ол савиянгни,
Онгингни тугал.
Маҳаллада яшар эди
Бир мусофир зот,
Илм билан меҳнат эди
Унинг-чун ҳаёт.
Атай келиб бирор кимса
Олмасди хабар,
Олим ғоят хоксор эди,
Ғоятда камтар.
Бир кун юксак мукофотни
Бердилар унга,
Бироқ ҳеч ким зарра парво
Қилмади бунга.
Ва инчунин маҳаллада
Яшарди бир бой,
У ҳам бир кун ола қолди
Сийлов, ҳойнаҳой.
Қутлагани келишдилар
Жами боёнлар,
Димоғлари кўкка етган
Кибор инсонлар.
Байрам қилди ярим шаҳар
Баланди, пасти,
Лекин олим қайда қолди?
Ҳеч ким билмасди.
Ҳа, биродар, ўз-ўзингни
Мақташдан аввал,
Ҳисобга ол савиянгни,
Онгингни тугал.

2015 йил 8 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАФО

“Менга вафо қилмагач санам
Хотинларга ҳурматим нечун?”
Шу байтларни ёзаётган дам
Осонмиди Лермонтов учун.

Энди мисга айланган олтин,
Вафо сўзин англашар аранг.
Лермонтовни айблашдан олдин,
Ҳаётга ҳам қайрилиб қаранг.

2015 йил 8 февраль

БАЗЗОЗ

Баззоз газламасин сотиб турарди,
Бирок ўтмас эди бир ўрам мато.
Баъзан елкасига ташлаб кўрарди,
Ҳеч ким олмас эди ўшани аммо.

Ундан яктак тикди охири баззоз,
Маъқул деб матонинг шунақасини.
Энди қутлар эди одамлар боз-боз,
Кўрмаганмиз, дерди бунақасини.

2015 йил 9 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАҚДИР

Мен-ку бу дунёни обдон ўргандим,
Уммонидан тортиб тоғигача то.
Қувончли кунларни роса кўргандим,
Бенасиб қолмадим ғамдан ҳам ҳатто.

Энди хоҳлайсанми, йўқми – барибир,
Рўбарў келади сенга ҳам олам.
Фақат қувончимни кўрсатсин тақдир,
Бошқасин такрорлаш шарт эмас, болам.

2015 йил 9 февраль

ДЎСТИМ УБАЙДУЛЛА РОЗИҚУЛОВ ХОТИРАСИГА

Бир умр дўст ахтардим
Ёруғ дунёга келиб,
Топдим деганда уни
Олди-ку ажал юлиб.
Убайдулла қани, деб
Дўстларинг фарёд чекар,
Кетдинг йиғлатиб бизни,
Ўзинг жимгина кулиб.

2015 йил 12 февраль

СУЙМАСА ХУДОЙИМ

Суймаса Худойим ўз ишин билгай,
Тилинган жойингни қайтадан тилгай.
Айрилган бўлсанг гар кўздан, қулоқдан,
Сўкир билан карни рўпара қилгай.

2015 йил 15 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕЧУВ

Аллакайси замонлар
Ер юзин босиб тўфон,
Неча-неча элларни
Қутуриб тўлқин ютган.
Ва ниҳоят ваҳший сув
Оқиб ўзани томон,
Омон қолган элатлар
Дарёдан кечиб ўтган.

Кечувларнинг номи бор,
Ким қўйганин билмайман.
Ҳар ҳолда баҳо мавжуд
Ҳар бирига муносиб.
РОСТ деган кечув бўлган,
Бунга шубҳа қилмайман.
Аллоҳ раҳмидан асло
Қолмаган у бенасиб.

ЁЛҒОН деб аталгандир
Иккинчи кечув номи.
Унда бандалар нуқул
Ўтриклар тўқишгандир.
Иблис йўлдан оздириб,
Йўқолиб интизоми,
Аввал мен ўтаман деб,
Бир-бирин нуқишгандир.

Қайси кечувдан ўтдик?
Ҳеч кимнинг ёдида йўқ.
Билганим шу, шоирим,
Биз битта қайиқдамиз.
Мақтов албатта ёқар,
Ёлғондан ҳам кўнгил тўқ.
Фақатгина рост гапдан
Озгина ҳайиқамиз.

2015 йил 16 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЎЛАК

Катта йўлнинг ёқасида шинам йўлак бор,
Пиёдалар қавми учун албатта текин.
Учрамайди на бир миршаб, на светофор,
Мен ҳам бунда сайр этаман секин ва секин.

Ўтиб борар ҳар хил одам: соғ ҳам, бемор ҳам,
Болаларин етаклаган аёллар кўпроқ.
Ана, бир қиз – талабами, кетмоқда илдам,
Панжаларин орасидан оқар музқаймоқ.

Такси пули ёнда қолган эски зиёли
Қараб-қараб қўйди менга, таниди балки.
Қадим Бобил минорасин аҳли мисоли,
Имо билан гаплашади пиёда халқи.

Рўпарамдан чиқиб қолди битта оқсоқол,
Худди менинг отам эди қош-кўзи, эгни.
"Ота", – дедим, "валайкум", – деб ўтиб кетди чол,
Ўйладимки, пайқамади ўз отам мени.

Бу йўлакни ўт босмайди, босмас тиканлар,
Гоҳо пастқам бўлса ҳамки, мақоми баланд.
Севишганлар қўл ушлашиб кетар эканлар,
Балки умр чечакларин айлашар пайванд.

Ҳазрат Одам бу йўлакнинг бошида турган,
Пиёдалар пири эрур аслида у зот.
Жаҳонгирлар атак-чечак шу йўлдан юрган,
Демак, ундан бошланади каттакон ҳаёт.

2015 йил 18 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАНИШЛАР

Қонунда ёзилмаган кучлар бордир дунёда,
Кўзга ташланмас, аммо кўзғалса шаҳди ёмон.
Нозикликда тарозу шайинидан зиёда,
Уриштиргувчи ҳамда Яраштиргувчи томон.

Улуғ ёшдаман, бироқ ҳадигим бордир катта,
Қўрқаман ким биландир ошно бўлиб қолишдан.
Уриштиргувчи томон топар сени албатта,
Ишин бошлар орага нифоқ, низо солишдан.

Бу менинг хулосамдир, дўстликни хуфя сақланг,
Иҳота айланг уни ҳар хил ширин сўзлардан.
Айниқса, муҳаббатни ошкор этмай ардоқланг,
Зада бўлмасин токи турфа ёвуз кўзлардан.

Уриштиргувчи томон ҳар қайда доим шайдир,
Чанг солади тап тортмай эътиқодга, иймонга.
Оила риштасин-ку мароқ билан узгайдир,
Ҳатто Ватан туйғусин олмоқ бўлар нишонга.

Ўйлайман гоҳ, одамзод наҳотки лоқайд боқар,
Наҳотки, эзгуликни асрай олмайди омон.
Уриштиргувчи тараф читтакдек қанот қоқар,
Оғир карвонга ўхшар Яраштиргувчи томон.

2015 йил 20 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎЗГУ

Бировларни камситиб, ерга уришдан олдин
Каттакон кўзгу қўйиб, ўзингга қараб олгин.
Зарга ўралган билан кесак ҳамиша кесак,
Чолдевор ўртасида кўмилган бир хум олтин.

2015 йил 24 февраль

АЙРИЛМА

Баҳра ол ҳаётнинг неъматларидан,
Яшаб юр, оламни ҳис этиб, кўриб.
Ва лекин, пайт келиб, бунинг баридан
Айрилиб қолмагин тириклай туриб.

Таниш-билишлар-ку бордир тумонат,
Ким ҳам садоқатга бергай кафолат.
Ҳатто қасам ичган дўст ҳам омонат,
Айрилиб қолмагин тириклай туриб.

Қайдадир омадинг юлдузи имлар,
Парда бўладилар лекин ҳар кимлар.
Бир кун ёдга тушар ўша ғанимлар,
Айрилиб қолмагин тириклай туриб.

Ҳар олган нафасинг ўзи ибодат,
Қалбингда яшайди пинҳон муҳаббат.
У – илҳом, у – ҳикмат, у – куч, у – қудрат,
Айрилиб қолмагин тириклай туриб.

Дунёда топганинг Ватандир танҳо,
Сенга халқинг ўзи суянч аввало.
Хокинг шу тупроққа бўлғусидир жо,
Айрилиб қолмагин тириклай туриб.

2015 йил 25 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУЙҒУ

Ҳайратланур кўзлар,
Ҳайратланур қалб,
Ўзи шундоқ бўлар ёшлик маҳали.
Лекин ҳайратингни қўймагин сарфлаб,
Улуғ мўъжизалар олдинда ҳали.

Ҳаётда дуч келар турфа вазият,
Кўзларинг ногаҳон ёшга тўлажак.
Уни ҳам майли сен бир нафас тўхтат,
Хурсанд чоғларингда керак бўлажак.

Бошқа бир туйғу ҳам мавжуддир бирок,
У кетсин дил деган тоза гулшандан.
Азизим, ғазабдан фориғ бўл тезроқ,
Руҳингни халос эт фақат ўшандан.

2015 йил 27 февраль

БЎРИ ОВИ

Қишлоқми ё овулга бўри оралаб қолса,
Отланиб чиқар эди дарҳол ботир йигитлар.
Бўри қочиб борарди, қани у қутулолса,
Одамдан ҳимо олиб чопарди овчи итлар.

Охири йиқитдилар бўрини калтак уриб,
Мажақлаб ташладилар метиндек қаттиқ бошин.
Зарари тегмайдиган ўлик душманни кўриб,
Ғажимоқчи бўларди кўппаклар энди лошин.

Арқон билан боғлашди жондорнинг оёғини,
Қишлоқ бўйлаб эринмай судрашдилар ярим кун.
Болалар силташарди бир қарич таёғини,
Муҳими, томошабин байрам қиларди бутун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳа, замонлар ўзгарди, лекин ҳайвонот бордир,
Азамат йигитлар ҳам кетган эмас йўқолиб.
Ҳар кимса ўз ўлжасин маҳв қилишга қодир,
Ҳатто чумчуқ сўйган ҳам ўзини санар ғолиб.

Эҳтимол, овчиликка йўқ энди унча талаб,
Ўлтириб кўравергин, экранда турфа олам.
Ва лекин томошабин ўша-ўшадир, ажаб,
Судраб чопади топса мушукнинг ўлигин ҳам.

2015 йил 2 март

АФАНДИ

Афанди дегани ўзим бўламан,
Ҳар хил ҳангомага ичи тўламан.
Эси йўқ одамлар калласизлардан
Хафа бўлишади, шунга куламан.

2015 йил 3 март

ПОЕЗДДА

Қаршигами, Термизгами поезд юрар,
Икки аёл чой ҳўплашиб суҳбат қурар.

Бири дейди: – Минг шукрки уйимиз бор,
Тарновлари оқ тунука, зап нақшинкор.

Униси дер: – Бизники ҳам жуда кўркам,
Бордир ҳатто ҳовлимизнинг девори ҳам.

Қаршигами, Термизгами поезд юрар,
Икки аёл чой ҳўплашиб суҳбат қурар. . .

2015 йил 6 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОНОЛОГ

Мен узоқ даврлар қароқчи бўлдим,
Шу йўлда тобланди ақл ва юрак.
Ўзимдан ўтганин мен ўзим билдим,
Сен нега қароқчи бўлмоғинг керак.

Мен ёпиқ қўрғонда яшадим қўрқиб,
Нажот деворига тирмашдим узоқ.
Сен нега дунёга қарайсан ҳуркиб,
Нега сен бўлишинг керакдир қўрқоқ?

Қасамхўр дунёда кун кўрмоқ учун
Айтмаган ёлғоним қолмади бирор.
Сен-чи ҳийлакорлик қиласан нечун,
Сенга ўтрик айтиш нимага даркор.

Дуч келган кимсага қилдим хушомад,
Оёғин яладим мушукдай ҳатто.
Эгилди бир замон тик бўлган қомат,
Бу ҳолни сенга ҳеч кўрмасман раво.

Энди сен боболар шавкатига боқ,
Актёрдек сохтакор шавқларга тўлма.
Мен ҳаёт қўлида бўлдим ўйинчоқ,
Бахтсиз яшаб ўтдим, сен бахтсиз бўлма.

2015 йил 13 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚИШЛОҚ ЗИЁЛИЛАРИ

(Эсдаликлардан)

Сиздан неча нафар қолди, билмадим,
Орадан ўтди-ку эллик-олтмиш йил.
Сизга эҳтиромим канда қилмадим,
Асло узилмади Сиздан бу кўнгил.

Бирингиз фельдшерсиз – ўртача дўхтир,
Бирингиз муаллим – галстук таққан.
Сизда армон деган сўз ўзи йўқдир,
Сиз – нурли уфққа энтикиб боққан.

Намуна бўлдингиз қишлоққа, элга,
Ўрисча сўзни ҳам қотирардингиз.
Риоя айлашиб адабий тилга
"Жуда"ни "йуда" деб гапирардингиз.

Ўзни нимагадир айлаб сафарбар
Хаёлий душманга қирон солгансиз.
Ярадор бўлибди, дейишса, аскар
Сиз ҳам бошингизни бойлаб олгансиз.

Сиз дўхтир бўлгансиз, билмасдан асли
Қаерда жойлашган ўпка ё юрак.
Беморга бергансиз таскин-тасалли,
Ҳар хил дори-дармон шарт эмас демак.

Муаллим бўлгансиз, битта костюмни
Роса йигирма йил тепкилаб кийган.
Бирор шогирдингиз беш олган куни
Қалбингиз Наполеон фахрини туйган.

Сизни чулғаб олмиш ишонч мутлақо,
Буюк орзуларга тўлиққан мия.
Қоқ пўстак устида ёстиқсиз ҳатто
Уйқуга кетгансиз "Яшасин!" дея.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сизни қадрларди эл-юрт бегумон,
Сиз ҳам халқ қадрига шаксиз, етгансиз.
Лекин барчангиз ҳам ба ҳукми замон
Бири икки бўлмай ўтиб кетгансиз.

2015 йил 14 март

ЎЗБЕКЧИЛИК – 2

Ҳаёт ночорликни бўйнингга илди,
Тўйда ўртакаш ҳам бу ҳолни билди.
Ўтишингдан қўрқиб давра тўрига
Жойингиз пастда, деб ишора қилди.

2015 йил 16 март

ТАРБИЯЧИ

Қавмимни қанчалик зукко деб билмай
Афсус, кўп учратдим савиясизни.
Гапинг тузсиз десанг, ҳеч парво қилмай,
Олдингга келтириб қўяди тузни.

Фалончини арслон десангиз агар,
Қайтадан сўрайди: – Ҳайвонми дея.
Ўзини шу ҳолда ақлли санар,
Минглаб соддаларга берар тарбия.

2015 йил 16 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУНДАЛИК ГАПЛАР

Менга ташвишлардан йироқ юр, дейсан,
Чарчагансан, дейсан, шундайликча ҳам.
Фақат сен муттасил ғамимни ейсан,
Лекин ҳаёт бошқа, азизам, бекам.

Магар кирсанг бирор дорихонага,
Киссавур ургандай чиқасан бўм-бўш.
Ишонгин ҳозирги бу афсонага,
Нолимай, ақчангга қилгин хайр-хўш.

Ишхонанг эшигин бесўроқ албат
Кимдир очиб кирар салобат билан.
Ҳеч бир муросага қилолмас тоқат,
Даҳоман, дейди у важоҳат билан.

Уйингга қайтасан, набиралар шод,
Бобом келдилар, деб солади чуввос.
Сен учун ўша дам бошланар ҳаёт,
Тоза ва мусаффо хаёлингга мос.

Гўё ўзанига тушгандай дарё,
Гўёки йўқ энди ҳеч кимдан гинанг.
Чой келар, шопириб қарайсан, оббо,
Дамлашни билмабди кичкинтойгинанг.

2015 йил 18 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОИР

Шоир деганлари шаҳиддир – хунсиз,
Учинчи дунёдир – кундузсиз, тунсиз.
Бола каби кулар, бироқ кўзда ёш,
Бола каби йиғлар, ва лекин унсиз.

2015 йил 19 март

ҚУЁШ ТУТИЛИШИ

Қуёш тутилганда боқиб оломон
Бир-бирин қутларди хуррам, шодумон:
– Бизнинг томонларда яхши тутилди,
Душман томонларда тутилди ёмон.

2015 йил 20 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАННАТ ҚОПҚАСИДА

Укам Ашурали Жўраевга

Жаннат қопқасида тирбанд оломон,
Бари ҳам розидир, бари ҳам масрур.
Бунда орзусига эришган инсон
Жаннати, деган сўз янграрди мағрур.

Ўрнидан жилмасди бир банда фақат,
Ҳамма ҳайрон эди боқиб бу ҳолга.
Жаннатга шошмаган кимдир бул уммат?
Фаришталар тушиб, тутди саволга.

Банда жавоб қилди: – Яшадим узоқ,
Ҳар не ишни қилдим, ҳатто бахшилик.
Минглаб қавмларни учратдим, бироқ
Яхшилик кўрмадим, афсус, яхшилик.

Мени қуршаб олди бир кун ёвуз куч,
Тошбўрон қилишди бўлишганча жам.
Ҳатто гўдакларнинг кўзларида ўч,
Менга тош отмади фақат бир одам.

Аё, ўша зотни бергайсиз топиб,
Яхшилик лойиқдир олий хилқатга.
Усиз қўйинг майли қопқани ёпиб,
Усиз кирмагайман ҳаргиз жаннатга.

2015 йил 24 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚЎРИҚЧИ ИТ

Орзу қилган экан бойвачча йигит,
Уй қурди, ақчани сарф этди талай.
Уйни қўриқларди лекин чўлоқ ит,
Бўйнигача қўтир, бир кўзи ғилай.
Шундоқ иморатни қурдингми, Одам,
Топиб қўй-да энди лойиқ итни ҳам.

2015 йил 25 март

ҚЎРҚУВ

У замон ўтиб кетди,
Дегаймиз: шўри қурсин.
Инсонни таҳқир этган
Зўравон, сохта ғоя.
Қолган-кутгани бўлса
Худонинг ўзи урсин,
Лекин баъзан руҳимга
Қўрқувни солар соя.

У дейди: – "Шеърдан қайтинг
Соғ-омон пайтингизда,
Кимларгадир тегмасин
Сатрингизнинг бир жойи.
Халқим, деб бонг урибсиз,
Мана бу байтингизда,
Халқимиз десангиз гар
Бўлмасмиди бинойи.

Муҳаббатим демишсиз,
Бу гап хато, албатта,
У қайси муҳаббатдир?
Яширгайсиз сиз доим.
Муҳаббат ҳамманики,
Маъноси жуда катта,
Хусусий бўлиб қолса,
Не дер эл-юрт, худойим!"

www.ziyouz.com kutubxonasi

О, сен қўркув шарпаси,
Юз йил наридан туриб,
Шубҳа билан аврайсан
Миллионларнинг калласин.
Қонми, деб қалтирайсан
Тарвуз сувини кўриб,
Аскар каскаси дейсан
Унинг қўша палласин.

Қарғами ё тошбақа
Яшармиш жуда узоқ,
Аслида улар умри
Ўткинчидир, бир онлик.
Жаҳолат неча ёшда?
Етмайди бунга санок,
Афсуски, асло ўлмас,
Абадийдир нодонлик.

Бу Ватан меникидир,
Бу тил менинг тилимдир,
Муҳаббатим меники,
Чидайсан-да, начора.
Иззат қилса ўғлим деб,
Бу эл менинг элимдир,
Оҳ, сенга нима қолди?
Қўркув қолди, бечора.

2015 йил 26 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКЧИЛИК – 3

Очлик босса уйини,
Кўкрак кериб юради.
Боғлаб қўйган қўйини
Тўёнага беради.

2015 йил 26 март

ЧИДАЙСАН, БОЛАМ

Жисмимни кўтариб турибди тупроқ,
Ернинг устидаман, йўқ зарра нолам.
Ўзи чорлар бир кун бағрига, бироқ
Менсиз қолганингда чидайсан, болам.

Ҳай дунё, ўзингни бир пулга сотдинг,
Калава топдинг-у учин йўқотдинг.
Мен каби охири ғафлатда қотдинг,
Менсиз қолганингда чидайсан, болам.

Инсон эзгуликдан топгай фароғат,
Нима зарур унга зулму қабоҳат.
Кимдир уриштириб, қилгайдир роҳат,
Менсиз қолганингда чидайсан, болам.

Ерни ҳам, кўкни ҳам айладим тавоф,
Лекин ҳеч биридан чиқмади жавоб.
Бўғзимда "Нега?" деб қотди бир хитоб,
Менсиз қолганингда чидайсан, болам.

Дунёга боқмадим мен асло ёвдек,
Гоҳо тўсса ҳамки йўлимни ғовдек.
Ҳар ҳолда, гаплашдик икки соқовдек,
Менсиз қолганингда чидайсан, болам.

2015 йил 30 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАНЖАЛ

Асло тугамайди ушбу можаро,
Паймонанг на тўлиб, на тўлолмайди.
Барча ғавғоларни йиғсанг ҳам, аммо
Уйдаги жанжалга тенг бўлолмайди.

Совуқ урган каби сўлғин туриши,
Оила на яшнаб, на кулолмайди.
Мабодо бошланса жаҳон уруши
Уйдаги жанжалга тенг бўлолмайди.

Унинг жангчилари мажруҳдир мутлоқ,
На тирик қолади, на ўлолмайди.
Яхлит даҳшат дерлар дўзахни, бироқ
Уйдаги жанжалга тенг бўлолмайди.

2015 йил 1 апрель

ТАЖРИБА

Икки дўхтир доим баҳслашар эди,
Ҳар ким ўз дорисин мақтарди чунон.
Охири тажриба ўтказсак деди,
Қай бири беморга бағишлар дармон.

Дастлабки дорини ичгани заҳот
Бемор ўлиб қолди, чораси йўқдир.
Биринчи даъвогар бўлган эди мот,
"Мен ҳақ!" – деб қичқирди иккинчи дўхтир.

2015 йил 2 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

Ёнимда айтмагин бахт деган сўзни,
Танимда ногаҳон титроқ бошланар.
Тутиб туролмайман асло ўзимни,
Юрагим зўриқиб, кўзим ёшланар.

Ахир мен умримни ишониб роса
Ўша бахт йўлида сарфлаганим рост.
Ўтди у давронлар, ўрнида эса
Бир уюм ваъдалар қолдилар, холос.

Агар бўлсанг менга чиндан хайрихоҳ,
Дўст деган сўзни ҳам қилмагин такрор.
Кўксимдан вулқондек кўтарилар оҳ,
Инсонни дўсти ҳам айлар экан хор.

Қоронғу тунларда кўтариб машъал,
Дўст дея ўзимни урдим кулфатга.
Уларчи, бир куни топиб куч, амал,
Ўзимни отдилар ўша зулматга.

Муҳаббат қанчалар сеҳрли калом,
Руҳингга суянчиқ, тоза, бокира.
Мен-чи, унутганман уни батамом,
Бул ажиб сўзни ҳам эслатма сира.

Муҳаббат деганда кўзимга энди,
Жафо кўринади, вафо кўринмас.
Дилдаги оловли ҳислар ҳам тинди,
У ёруғ хаёллар барҳам топган, бас.

Дейман, алданмасин ҳаётда инсон,
Саволи қолмасин зинҳор бежавоб.
Саробга айланса агарда армон,
Ҳатто бор нарса ҳам кўрингай хароб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин ишонаман, тоғлар юксалиб,
Дарёлар гувуллар мен учун яна.
Тағин ҳаёт қайтар гулдурос солиб,
Яна севги қалбда қилгай тантана.

2015 йил 3 апрель

ЁМҒИР

Ёмғир ёғса шоирлар
Эрк бераралар мияга,
Тайёр мавзу топилди,
Тизарлар қофияга.
Ёмғир ёғса қушлар-чи,
Таҳликага тушади.
Ва лекин севишганлар
Зонтикка ёпишади.
Ёмғир ёғса бемаҳал
Куяр ўзбек деҳқони:
– Ҳосилни поймол қилди,
Етди қанча зиёни.
Женевалик қувонар
Ёмғир ёғмасин қачон:
– Ҳаво анча тозариб,
Яшнайди яна газон.
Аллоҳ барака сочар
Қай фасл, қай палладир,
Ким қандай қабул қилар?
Бу бошқа масаладир.

2015 йил 4 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

АПРЕЛЬ

Борлиқ кийиб олган мовий бир либос,
Ел эсар – баҳорнинг пилдироклари.
Қалбингда уйғотар ажиб эҳтирос,
Апрель осмонининг қалдироклари.

Ёмғир таралади кўм-кўк адирда,
Узоқ қирда эса ялтирар қуёш.
Бундай нафислик йўқ ҳеч бир атирда,
Руҳингни яйратар ҳаво, тоғу тош.

Қофия йиғишар шеърга – назмга
Жажжи жилғаларнинг шилдироклари.
Атрофни чақирар яшил базмга
Апрель осмонининг қалдироклари.

2015 йил 6 апрель

ҲИММАТ

Дарёнинг ҳиммати дарёга ўхшар,
Бир окса оқади билмасдан тиним.
Йиғсам совға бўлган гулларни агар,
Каттакон чаманзор бўларди, иним.

Дунёнинг зулми ҳам қолишмас, аммо
Бир умр топмассан ҳаловат, қўним.
Отилган тошларни йиғсам мабодо
Улкан бир тепалик бўларди, иним.

2015 йил 7 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

АСОСИЙ НУСХА

Бирорта китобга уйғонса шубҳа,
Сиз бунинг аслини топинг, дейдилар.
Ҳеч ким қўлёзмани қилмагай туҳфа,
Шу тахлит илмнинг ғамин ейдилар.

Тулпорнинг насли-ку эскирмас асло,
Дерлар бобосида бўлган қанотлар.
Уларнинг баҳоси йўқ эрур, аммо
Ўрнини босолмас жайдари отлар.

Менга кибр билан боқма, эй банда,
Юзингда кўринмас табаррук у чанг.
Сен таҳрир бўлгансан, ростин айтганда,
Аршда қолиб кетган асосий нусханг.

2015 йил 8 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОИР ҚИСМАТИ

Сизга ачинаман, шоир Ҳамзахон,
Бу гапни айтмадим асло жўрттага.
Қайси жин урганди сизни у замон,
– Шўро! деб чиқдингиз бирдан ўртага.

Тузум маккор эди, тузум ҳийлагар,
Алдамчи эди у, қабиҳ, кўнгли кир.
Тошбўрондан тирик қолсангиз ҳам гар,
Отиб ташлардилар сизни барибир.

Улар ясадилар сиздан бир ялов,
Оёқ остингизда чоҳни ҳам қазиб.
Сизга етмасмиди қалбдаги олов,
Юрмасми эдингиз шеърингиз ёзиб.

Ватаннинг ёви-ку босқинчи ахир,
Сарт сўзин эшитса ғазабга тўлган.
Иймонсиз кимсалар худосиз — кофир,
Миллатни ерларга урмоқчи бўлган.

Сиз-чи васф этдингиз уларни беҳад,
Замон шоири деб чиқди номингиз.
Сизни ўраб олди мақтов ва ҳасад,
Алданиш майига тўлди жомингиз.

Қисмат танлаб олди сизни Ҳамзахон,
Эргашиб кетдингиз юмуқ бир кўздек.
Битта фарзандини бой берди Қўқон,
Битта шоиридан айрилди ўзбек.

2015 йил 10 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАССЕТА

Набирам кассета қўяр гоҳида,
Узоқдан келади ўктам бир нафас.
Ер-осмон ёнгудек унинг оҳида,
Муҳаббат аталмиш ҳеч ўлмас бу сас.
Баланд қил, кўкларга ўрласин нолам,
Бу менинг навқирон чоғим-ку, болам.

Тағин овоз келар йироқ-йироқдан,
Ватан деб, элим деб тортилган наъра.
Ҳануз нур оламан ўша чироқдан,
Сен ҳам шу Ватаннинг корига яра.
Қоғоз жанггоҳ эди, тўғим-чи – қалам,
Бу менинг улғайган йилларим, болам.

Турфа садоларни тургайман тинглаб,
Мана бу суҳбатим, мана бу – достон.
Бари мухрланиб қолмишдир, ажаб,
Бирида маъюсман, бирида шодон.
Барибир, яшадим шуҳратга ҳамдам,
Бу менинг етуклик давримдир, болам.

Охир эшитилар паришон овоз,
Сўзин англаб бўлмас, бари аралаш.
Ҳар шеър ўқилганда шилдирар қоғоз,
Ўрнимдан қалқаман, кўнглим бўлар ғаш.
Бас қил, юрагимни эзмасин алам,
Бу менинг кексалик пайтим-ку, болам.

2015 йил 14 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИРИМ

Талош палласи деб шеър ёздим у вакт,
Оқшомнинг бу сири гарчанд ноаён.
Иримга биноан айнан ўша пайт,
Ҳатто урушлар ҳам тўхтаган бир он.

Шеърда истагимни айтмабман, эркам,
Ишонгум, ишорат сенга кифоя.
Дейман, қовоғингни очиб юр сен ҳам,
Токи иримларга қилгин риоя.

2015 йил 15 апрель

ТУТАШ ДУНЁЛАР

Марҳум жўраларим,
Эслайман сизни,
Энди айлангансиз тушга, рўёга.
Бирма-бир кетдингиз тарк этиб бизни,
Бошқа ўлчовдаги бошқа дунёга.

Балки ўзга эрур унда тизим ҳам,
Хаёлга эрк бериб, тахмин киламан.
Қанчалик ранг-баранг бўлмасин олам,
Руҳингиз ўшадир, буни биламан.

Сирли ҳилқатингиз ўзингизга хос,
Албатта фарқлидир одат-тарзингиз.
Ҳеч кимда бойлик йўқ, ҳеч кимда либос,
Демакки, ҳеч кимдан йўқдир қарзингиз.

Сизни кўргим келар, соғинаман гоҳ,
Ўтса томошалар, байрам, кўриклар.
Чеҳрангиз намоён бўлар баногоҳ,
Мени яккалашса манов тириклар.

Майли турсангиз ҳам чексиз йироқда,
Оромда ётгайсиз, мудом кўнгил тўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уруш бегонадир, ҳатто у ёқда
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўқ.

Жами эзгуликни қутлайсиз бешак,
Ажратмай Шимолу Жануб ёқларни.
Мажлис ҳам қилмассиз, билмассиз демак
Коридорда юрган мақтанчоқларни.

Содиқ фариштангиз посбондир, илло
Хонангиз – коинот мудом саришта.
Ерда рўзғор қилса бир кун мабодо,
Ақлдан озарди ўша фаришта.

Эслайман сизларни шу дам Шукуржон,
Дўстим Убайдуллоҳ, азизим Ўткур.
Дуолар қиламан, мақтайман чунон,
Илоҳо, руҳингиз бўлсин тинч, масрур.

Лекин куйингайман дўст деб барибир,
Ахир тириклик ҳам ҳикмат-ку азал.
Сизни эслаганда эсланар қадр,
Бу – ноқис дунёга ибрат ҳар маҳал!

Сира унут бўлмас суронли ҳаёт,
Кураш ва ғалаба, турфа хил ҳислар.
Сизни тушимизда кўргаймиз бот-бот,
Балки сизнинг тушга киргай мажлислар.

2015 йил 17 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУҒИЛИШ

Юришни ўрганди болакай сал-пал,
Оркада кузатар ота ва она.
Оҳ, ушбу кўриниш нақадар гўзал,
Минглаб оилага орзу – ягона.

Суринмай улғайсин, майли, болакай,
Умр фаслларин гаштини сурсин.
Лекин пайти келгач ким бўлар, ҳай-ҳай,
Ҳаёт слканини у қайга бурсин.

Бир чўқиб атрофга ўн бор караса,
Ҳар кимнинг юзига боқса жавдираб.
Кошкийди шу ҳолда корга яраса,
Суянчиғи йўқ-ку тургувчи караб.

Бировдан берухсат ҳатто кулмаган,
Билмас, муроди не – обрўми, пулдир.
Унда мустақиллик ўзи бўлмаган,
Энди у мутедир, энди у қулдир.

Йўлин қора мушук кесиб ўтган дам,
Дод! – дея йигитлик оридан тонса.
Ёмон туш кўрганда улуғ ёшда ҳам,
Эна, энажон! – деб йиғлаб уйғонса.

Мен бундай касларни топмадим ўйлаб,
Шеърни ҳам ёзмадим асло атайин.
Қофия устида етмиш йил ўйнаб,
Бир жиддий гапни ҳам энди айтайин.

Бу қавмнинг қиммати йўқдир мутлақо,
Лекин омад доим уларга ўрток.
Пастда муносиблар колиб, ажабо,
Тўрга ўтиб олар ўшалар кўпроқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўзимиз қораси азиз зурёдлар,
Ҳаттоки тантиқдир, ғоятда суюк.
Оҳ, қайдан келаркан фидойи зотлар,
Қайдан туғиларкан ботирлар буюк.

Магар бўлганда ҳам қиёмат қойим,
Дегайман, етгунча сўнгги нафасим.
Комил инсонларни кўмсарман доим,
Улуғ сиймоларга келгай ҳавасим.

2015 йил 18 апрель

ЛЎТТИБОЗ

Виждонли одамлар ортгани сайин
Лўттибоз сони ҳам кўпайиб борар.
Текинхўр аталур бу қавм тайин,
Ажабки, кўп ишни шулар бошқарар.

Виждоннинг бошига чиққани кўйи
Ўзини менгзайди тенги йўқ довга.
Жинжакча келмайди ўзининг бўйи,
Ёқса, тутантириқ бўлмас оловга.

2015 йил 19 апрель

ТАМА

Мен қайси домлага эргашай, ҳайҳот,
Ишончим топтаса тамагир ҳаёт.
Дуо қилганман деб бир йил муқаддам,
Ҳақин сўраб келди бугун ўша зот.

2015 йил 21 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИБР

Мен борман – дунё бор, мен йўқ – дунё йўқ,
Фақат бугунни бил, фақат бугунни.
Бисотинг мавжудми – кўнглинг бўлсин тўқ,
Эслатма, охират деган у кунни.

Турли афсоналар тўқийди одам,
Севги бу – қушда ҳам учрайдиган нафс.
Бордир ўз эгаси эрта куннинг ҳам,
Менга келажакдан ўқийверма дарс.

Инсоф нодонларга эрур муносиб,
Сен-чи фақатгина ўз-ўзингни бил.
Ҳатто авлиёлар хокини босиб,
Мақсадга интилгил, мақсадга интил.

Уч-тўрт хаёлпараст букканича қад
Тушининг таъбирин топгунича то.
Сизнинг фикрингизча яъни мен – муртад
Эгаллаб оламан дунёни ҳатто.

Нега тингламайсан кибрнинг сўзин?
Олийжаноб эдинг, аҳволинг тангми?
Асрлардан буён буткул ер юзин,
Бошқарган менми ё камтар отангми?

2015 йил 21 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОҒ БОЛАСИ

Юксак тоғлар ичра қора кўз бола,
Яшарди ҳур, озод, кўрмай ғам, нола.

У фақат борлиқдан андоза олган,
Жами жонзотларга дўст бўлиб қолган.

Балки одамларни англамас, аммо
Табиат феълини биларди аъло.

Биларди арслоннинг буюклигини,
Оҳунинг нозик ва суюклигини.

Гўё сўрагандек меҳр ва нажот
Ундан қочмас эди сира ҳайвонот.

Бир куни қўшнилар чиқдилар йўлга,
Қўноқ бўлмоқ учун пастга – овулга.

Ҳар нечук, қизиқдир маданий қатлам,
Ола кетишдилар болакайни ҳам.

Бироқ кўникмади бола ҳеч элга,
Тушуниб-тушунмай ҳаттоки тилга.

Унинг ғалатлигин пайқаб қолишди,
Одамлар бир зумда ўраб олишди.

Дедилар: "Эпчилсан бўридай гўё",
Бола тушунмади бу гапни асло.

Сўнгра кўрсатдилар бўри суратин,
Бола яширолмай қолди ҳайратин:

Бўридай увлади, сакради қувнаб,
Бўри болсидек ағанаб, ўйнаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айиқ суратини кўрсатишди сўнг,
Ўрмонлар отаси паҳлавон ва чўнг.

Болакай айиқни таниди дарҳол,
Машқ қила бошлади лапанглаб, хушҳол.

Ғоят бахтли эди шу лаҳза, шу он
Кўчиб келган каби ёнига ўрмон.

Ва лекин ўртага чиқди бир одам,
Тоғлик бола томон ташлади қадам.

Гўё олмокчидай эски қасдини,
Болага узатди тулки расмини.

Дафъатан оҳ чекди тоғнинг боласи,
Атрофни титратди дардли ноласи.

Оломон тарафга шиддат-ла боқди,
Ғазабнок сўзларни айтиб тутоқди:

Мен тулки эмасман, тулки эмасман,
Тулки деганларни одам демасман.

Сўнг кетди тоғ томон лаънатлар айта,
Ҳеч кимса кўрмади болани қайта.

Дейдилар, увласа бўрилар ногоҳ,
Бола овози ҳам келармиш гоҳ-гоҳ.

2015 йил 24 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОИЛА ЯНГИЛИКЛАРИ

Бола ўкиб қайтди хориждан бир кун,
Касби кор орттирди – дипломли меъмор!
Уйда байрам бўлди момоси учун:
– Болам, тандир қургин, ўтирма бекор.

Биттаси инженер бўлиб қайтди-ку,
Темир-терсакларга бағишлармиш жон.
Тоға ўғил бола гапни айтди-ку:
– Эски аравам бор, тузат, жиянжон.

Катта дўхтир бўлди кенжатойи ҳам,
Бобо дер: – Ғурурга энди тўлайлик.
Бироз хашакидир дардимиз, болам,
Сенга муносиброқ касал бўлайлик.

2015 йил 25 апрель

ОГОҲЛИК

Қора кунлар келди кўҳна диёрга,
Устоз йиғлай-йиғлай айлади хитоб:
– Майли сувга оқсин, сингсин деворга,
Нодоннинг қўлига тушмасин китоб.

Енгди маърифатни манфур жаҳолат,
Ўзбекда қатағон даври бошланди.
Қодирий мухлиси қилинди ғорат.
Чўлпонни ўқиган отиб ташланди.

Йиллар ўтиб кетди, озодмиз шукур,
Лекин сен огоҳ бўл, маърифатли жон.
Ҳали тирик юрар каламуш қурғур,
Кўзлари йилтираб турибди сичқон.

2015 йил 25 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНКЕТА

– Бобонг қачон ўлган?
– Ўтган асрда.
– Қаерда яшаган?
– Улкан қасрда.
– Касал бўлганми у,
Айтгин, не қилган?
– Каптарвоз эканлар
Томдан йиқилган.
– Анкетадан чиққан
Жавобга кўра,
Қариндош эканмиз,
Қўлни бер, жўра.

2015 йил 25 апрель

ҚЎҒИРЧОҚ ҚИССАСИ

Бир шум хабар маҳаллада
Қанот қоқди,
Эркатой қиз қўғирчоғи
Сувга оқди.
Эркатой қиз хўжайиннинг
Қизи эди,
Қўғирчоқ-чи, унинг кўрар
Кўзи эди.
Жалб қилинди "Сувсоз"ларнинг
Мироблари,
Сузадиган, сузмайдиган
Ғоввос бари.
Дейдиларки, иш қутулмас
Ўртоқликдан.
Қўғирчоқни топишдилар
Ботқоқликдан.
Маҳалланинг шодлигига
Йўқдир таъриф.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ош тортилди ва ўқилди
Амри маъруф.
Эркатой қиз фақат бағрин
Тиғлар эди.
Менга ҳеч ким қарамас деб
Йиғлар эди.

2015 йил 28 апрель

ШОШИЛ, ҚУЁШ

Шошил куёш, ўзингни кўрсат,
Нуринг билан ўраб ол теграм.
Худо билар, ўтмай сал фурсат
Тополмассан кўланкамни ҳам.

Шамол, шошил, шошилгин, ёмғир,
Тезроқ куршанг елкам, бошимни.
Бирдан ғойиб бўларман, ахир,
Учратмассиз ҳатто лошимни.

Вақт чопмоқда билмасдан тиним,
Дўстим, етар, анқайма, очил.
Имиллама, сен ҳам ғанимим,
Ёмонлигинг қилишга шошил.

2015 йил 29 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНСОН ҒУРУРИ

Йигитнинг уйида тинчи йўқ зарра,
Сен эса ўқийсан унга йўл-йўрик.
Файласуф, миянгни ишлат бир карра,
Уни тергамоққа асло ҳаққинг йўқ.

Темир қоидангга риоя айлаб,
Сенга ҳам берайин майли бир савол:
Нега уйғонмадинг тонггача ухлаб,
Нега овқат ейсан ўзинг бемалол?

Ким инсон қалбига кирса берухсат,
Ҳаттоки, ҳайвондан ваҳшийроқ эрур.
Шу ҳолда туғилиш зулмдир, албат,
Туғилмаслик ундан яхшироқ эрур.

2015 йил 30 апрель

ЗИЁЛИ

Ҳеч кимга зиёни тегмайди асло,
Боқсалар – кўзлари қиёлиларим.
Лекин мақтов кутар қушдан ҳам ҳатто,
Менинг азиз қавмим – зиёлиларим.

Тўғри, бир озгина оғзига ботир,
Бир оз хаёлпараст, бир оз ҳавойи.
Бир боқсанг, ўзини атайди Бобур,
Бир боқсанг, тасаввуф пири – Навоий.

Уларнинг феълини ўрганмоқ даркор,
Бу гап баб-баробар ҳаммасига хос.
Хаёли бўлса-да пуч ҳамда бекор,
Ўзлари ишонар унга рўйирост.

Дейди, тонгга қадар ёздим хуморни,
Шукур Бурҳон билан ўтирдик анча.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Минг афсус, беназир, улуғ актёрнинг
Ўтиб кетганига бўлгандир қанча.

Дейди, қараб турар бизларга миллат,
Кеча кўриб келдим, уйига бориб.
Мендан сўраб олди кўплаб маслаҳат,
Хурсанд бўлиб қолди Абдулла Ориф.

Баъзида унвонлар ҳидини сезиб,
У дарров ўзини рамкага солар.
Гоҳо дабдурустдан калласи қизиб,
Нобель мукофотин талашиб қолар.

Фаришта қавмини кўрмадим ҳеч вақт,
Демак, Иблисни ҳам учратмадим, бас.
Лекин бир оз ўтрик, бир оз маҳобат
Зиёли халқига бегона эмас.

Асл зиёлидир миллатнинг юзи,
Ҳатто сезилади сирлилик ҳам сал.
Унинг "Соғаясиз!" деган бир сўзи,
Юзаки таскиндан минг бора афзал.

2015 йил 1 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎРМОНДАГИ ВОҚЕА

Атаб душманига ёки дўстига,
Бомба ташладилар ўрмон устига.

Бироқ у негадир портламай қолди,
Ўрмон ўртасида тошдай жой олди.

Ҳайвонлар қизиқиб кела бошлашди,
Аввал ҳадиксираб назар ташлашди.

– Бу не? – деб бошини қашлади бўри,
Лол эди арслон ҳам – ҳайвонлар зўри.

Ҳеч нени тушунмас айиқ ва сичқон,
Анқайиб туришар қушлар ҳам ғужғон.

Ҳидлаб кўришдилар, ялашдилар, бас,
Англаб етдилар-ки, уни еб бўлмас.

Ҳайвонлар тарқалди йиғилган жойдан,
Шўрликлар, бомбани билишсин қайдан?

Аслида илдизи биттадир ҳаёт,
Яшашга ҳақлидир жами махлуқот.

Тирикликка шуни қилдингми эҳсон,
Тафаккур соҳиби, муҳтарам Инсон!

2015 йил 3 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАМОЙИШ

Осмони фалакда чиқди фармойиш:
"Сомончи йўлида ўтсин намойиш!

Қатнашсин катта-ю кичик давлатлар,
Барча қитъалардан барча миллатлар".

Чиндан кўрик бўлди ғоятда катта,
Олам йиғилганди ахир парадда.

Найзасин кўтариб Африка ўтди,
Там-там овозлари самони тутди.

Улар кийиб олган турфа либосин,
Бири филин минган, бири қўтосин.

Осиё етаклаб болаларини,
Аравага ортган бомбаларини.

Бизникилар ўтди хушнуд ва ғолиб,
Пахта чаноғини қўлига олиб.

Ўтдилар, дейишиб акани опа,
Жинсни фарқлай олмай қолган Европа.

Турли ўйиннинг ҳам борлиги дуруст,
Ракетаси билан кўрқитди ўрис.

Ҳамма ёқни босган турли штаблар,
Режиссёрлик қилди ўзи – Штатлар.

Томоша охирлаб қолди-ку қарийб,
Оҳ, ҳеч ким ўтмади китоб кўтариб.

2015 йил 4 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУХЛИС

Балки нотанишсан, балки қариндош,
Фикрдош, суҳбатдош, сафардош, йўлдош.
Шоирнинг мухлиси бўлмасанг агар,
Уни севолмассан, билиб қўй юртдош.

2015 йил 4 май

ОРИЯТ

Ер юзин тасмадек олгандир ўраб
Турфа қавмларнинг сафи, қатори.
Бир ёнда боёнлар туришар қараб,
Ишларин ҳамиша келган барори.

Бир ёнда йўксиллар тизилган борҳо,
Бошқалар сингари яхлит жамоат.
Лекин тиланишдан чарчамас асло,
Балки шараф эрур бундайин одат.

Учинчи қатор бор, учинчи қатор,
Хайру эҳсон кутиб, тиз чўка қолмас.
Улар ноёб зотлар, орияти бор,
Олтин танга узат, барибир, олмас!

2015 йил 6 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНСОН

Бировни мақтасанг, ёлғон, дедилар,
Ўзингни мақтасанг, нодон, дедилар.
Барчани лутф ила тўрга чиқариб,
Пойгакда ўтирсанг, инсон, дедилар.

2015 йил 6 май

ТОЛСТОЙ

(Ҳазил)

Сиз улуғ сиймосиз, тенги йўқ даҳо,
Бизга ижодингиз ҳамроҳ доимо.
Лекин уйдан қочиш режангиз қайда?
Менга ўша зарур, Толстой бобо!

2015 йил 7 май

БАНДЛИК

Нафақачи деб билманг мени,
Ғоят бандман, жуда ҳам бандман.
Пойгаларни унутиб, энди
Омоч тортган отга монандман.

Билиб, сезиб юрибман мен ҳам
Атрофимда қанча дўст ва ёв.
Балки қай бир қаламкаш жўрам
Кутиб турар мендан ҳам мақтов.

Ҳар кун бир гап чиқади, шукур,
Муаммолар учрар қадамда.
Чарчамайди ғанимим тушкур,
Йиқитмоқчи бўлар ҳар дамда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юмушим кўп, оч қолар ахир
Мен бўлмасам ҳасадгўйларим.
Боз устига тинмас, бесабр,
Қалбимдаги шеърим, ўйларим.

Ҳали мени кутмоқда сафар,
Буюк дўстим – ҳаётга видо.
Аҳволимни тушун, биродар,
Жуда бандман, ба ҳаққи худо.

2015 йил 8 май

ДАРСЛИК ТУЗУВЧИ

Баланд экан ғоят шиддатинг,
Таҳриринг бор балки ҳаётга.
Бобонг билан момонг суратин
Киргизиб қўй адабиётга.

Четда қолар Ойбек ва Қаҳҳор
Кўргазмасанг агарда шафқат.
Лекин сендан бир ўтинчим бор:
Навоийга тегмагин фақат.

2015 йил 9 май

ТАДБИР

Ўтказаман кслинг бир тадбир,
Ярим аср ортга қайтамиз.
Ким ҳам билиб турибди, ахир,
Биргалашиб ёлғон айтамиз.

2015 йил 9 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАМЖИҲАТЛИК

Қадимда яшаган экан бир хоқон,
Давлати қудратли, халқи фаровон.

Лекин бир кун қўзиб фотиҳлик дарди,
Ўзга мамлакатга хуфя юборди.

Ўша томонларга дарҳол ел, деди,
Қудрати нимада, билиб кел, деди.

Кунлар ўтиб охир, хуфя ҳам қайтди,
Барча билганларин бирма-бир айтди.

Деди: – Кирмас бунга ўрмон, сойлиги,
Бойлиги кўп экан, кўпдир бойлиги.

Жим ўтирган хоқон бирдан тутоқди,
Қаҳрли сўзлари дарёдай оқди.

Деди: – Мен чинорман, у эса чўпдир,
Ундан бойликларим юз бора кўпдир.

Менга маъқул эмас ушбу хабаринг,
Кўринма кўзимга, сотқинсан баринг.

Иккинчи хуфяни топди-ку хоқон:
– Сирни сен билиб кел, югур, чопағон.

Хуфя бориб келди, бамисли шамол,
Кўрганин етказди хоқонга дарҳол:

– Мен борган жойларда яроқ кўп экан,
Ҳар ён қилич-қалқон, минглаб тўп экан.

Бу гапни эшитиб қичқирди хоқон,
Деди: – Қуролимни кўрмабди жаҳон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қимирлаган жонга берганман яроқ,
Қилич тақиб олган ҳатто чақалоқ.

Қутурган туялар, совутли филлар,
Кўрса тилдан қолар не мағрур эллар.

Менга душманимни турибсан мақтаб,
Хоқон бунисин ҳам юборди ҳайдаб.

Энди йўлга чиқди хуфя – учинчи,
Аралашиб кетди ёлғончи, чинчи.

У ҳам қайтиб келди бир муддат ўтгач,
Сўзлади, хоқоннинг этагин ўпгач:

– Сизга фидо бўлсин хуфя бу жоним,
Сирни билиб келдим, тингланг, хоқоним:

Уларда бир орзу, бир ният экан,
Ҳаммаси жипс экан, ҳамжиҳат экан.

Ўрнидан қалқаркан бойми, камбағал,
Ватан деган сўзни эшитган маҳал.

Хоқон сўз демади, оғир тин олди,
Тахтига ёнбошлаб, ўйланиб қолди.

Деди: – Бундай юртни олиб бўлмайди,
Олсанг ҳам, измингга солиб бўлмайди.

Сафарнинг бу йўлин ёпингиз менга,
Тарқоқроқ давлатни топингиз менга.

2015 йил 10 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

АПРЕЛЬ СОВУҒИ

Совукни юборди Аллоҳ даргоҳи,
Дув-дув тўкилдилар дарахтлар оҳи.
Катталар танбеҳга балки лойиқдир,
Лекин болаларнинг недир гуноҳи.

2015 йил 11 май

БОЗОР

Бозор ҳамма йўлни юборди буриб,
Соҳиб қалбларнинг ҳам излари қуриб.
Ё раб, англайдиган одам топилса,
Йиғлардим пойига бошимни уриб.

2015 йил 12 май

ИЛТИЖО

Инсонликка ишондим мен ҳам,
Гарчи қолдим ёлғиз ва ғариб.
Шафқат қилгин, яратган Эгам,
Ишончимни олма қайтариб.

Жондан ортиқ севгандим уни,
Оҳ, хотира бўлиб қолмагин.
Парвардигор, ўша туйғуни
Юрагимдан юлиб олмагин.

2015 йил 12 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЛДОВ

Бизларни алдабди шўролар чиндан,
Барчангиз етук деб, ялпи саводхон.
Оғриган жойимни кейин билибман,
Во ажаб, бунчалар кўп экан нодон.

2015 йил 12 май

КУЛФАТ

Сени нечук дўст дейман ахир,
Мақтамасман ҳатто жўрттага.
Дейсан, касал бўлибди шоир,
Ўлса керак яқин ўртада.

Комилликни учратганинг дам
Тополмассан борар ерингни.
Гўзал санъат, оддий бир шеър ҳам
Шилиб олар гўё терингни.

Менинг халқим ёвни кўп кўрган,
Ўзимиздан чиққан сен – кулфат.
Сендайларни туғиб, ўстирган
Оналарга ачингум фақат.

2015 йил 13 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАНОАТ

Болам, умид билан яшагин, бироқ
Ҳаёт баланд-пастин бўйнингга олгин.
Ўзинг кабиларга яқин бўл кўпроқ,
Қол, деса мардларнинг ёнида қолгин.

Каттакон карвонга мансуб бўлса ҳам
Гадонинг рутбаси гадодир доим.
Омад билан имкон мангу бири кам,
Фақат тенг яратган нафсни худойим.

Киборлар ичига адашиб кирган
Қаландар у жойдан албатта безгай.
Йўқсилнинг даврасин бир бора кўрган
Бойлар ҳам ўзларин ортиқча сезгай.

Инсон умид билан яшайди, аммо
Руҳини эзгайдир хорлик, каму кўст.
Аллоҳ айирмасин ризқидан асло,
Йўқдир, қаноатдан ортиқ бирор дўст.

Сира ростланмайди букри бу олам,
Бизлар-чи, ўтамиз такбирлар айтиб.
Шундоқ деган экан жўмард бир одам:
"– Фазоларга учсам келмасдим қайтиб!".

2015 йил 15 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕМОРЛАР

Ишдан чиқиб қолган бизнинг жисмимиз,
Йўлга бошлаб юрар қолган қисмимиз.
Ҳаммамиз баробар шифохонада,
– Навбатдаги бемор! – Бизнинг исмимиз.

2015 йил 16 май

ТЎТИҚУШИМ

– Тоғ ортида бор эди қўрам,
Тўтикушим – чиройли бирам.
– Бобо, ундан қачон кетгансиз?
– Тўрт минг йилча бўлди, набирам.

2015 йил 17 май

ОМАД

Соч-соқолинг ўсмаса агар
Сартарошга бормайсан, жўра.
Омад келсин дейсан ҳар сафар,
Эҳтиёжинг, ҳолингга кўра.

Ўз нонини чаккасига еб
Юрган эмас лекин омад ҳам.
Мени яна чақирсинлар, деб
Чўнтагингни қилар шип-шийдам.

2015 йил 21 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОСМОДРОМ

Космодромга тун чўкар аста,
Чор-теварак одамга тўлиқ.
Бир томонга сотилган чипта,
Марсга бориш. Лекин қайтиш йўқ.

Ер юзини босган сукунат,
Жуда оғир, жуда ҳам оғир.
Олис юлдуз милтирар фақат,
Кўз ёшидек томчилар ёмғир.

Радионинг босиқ овози
Бу ҳолатни бузар дам-бадам:
Инсоният сизлардан рози,
Розидирсиз ахир сизлар ҳам.

Фазогирлар рўйхатин кимдир,
Сўнгги марта ўқиб, йўқлайди.
Ҳайрат ичра оломон жимдир,
Фақат биров пиқ-пиқ йиғлайди.

Одамзоднинг тарихида бу,
Рўй бермоқда бамисоли туш.
Айрилишар тириклай мангу,
Бўлиб ўтар сўнгги хайру хўш.

Бир ҳасадгўй қийқирар шу он:
– Ёвим кетди, энди мен ҳурман.
Билиб қўйгин, эй кўҳна жаҳон,
Ўзим қолдим, ҳаммадан зўрман!

2015 йил 17 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНГЛАШ

Қандоқ таъсир қилди сенга у байрам,
Нечук вайрон этди ёки у фирок?
Магар авлиёлар пири бўлса ҳам,
Сени англаёлмас сендан яхширок.

Ўзингдан бошқанинг ҳаммаси улуғ,
Эгалик қилишар умрингга тўлиқ.
Кўзинг ҳозир намми ва ёки курук,
Сени англаёлмас сендан яхширок.

Олим таҳлил қилар ёзган шеърингни,
Аввал сўраб олар туққан ерингни,
Сўнгра айта бошлар нима дерингни,
Сени англаёлмас сендан яхширок.

Ёвлар қуршовида улғайдинг, ўсдинг,
Гоҳо номинг билан йўлларин тўсдинг.
Ҳатто жигарбандинг, ҳаттоки дўстинг,
Сени англаёлмас сендан яхширок.

Фақат англар сени яратган худо,
Муштипар она ҳам эмас мустасно.
Лекин ўтаверсин ҳар икки дунё,
Сени англаёлмас сендан яхширок.

2015 йил 18 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАХСА УЙ

Боболардан қолган пахса уй, мана,
Обдан оёқ билан пишитилган лой.
Қурилган чоғида бундай бошпана
Бор эди на қалъа, на бирор сарой.

Ўтиб неча аср, балки милён йил,
Олимлар қазишар ерни галма-гал.
Уларга топилдиқ оддий пахса-гил,
Ганчдан ҳам қадимий, мармардан аввал.

– Зарур бўлса қурган кошонамга боқ!
Бу – Ҳазрат Темурнинг мағрур сўзлари.
Қўшни деворда-чи турибди шундоқ
Пахсакаш авлоднинг панжа излари.

Бинолар бўй чўзар энди пайдар-пай,
Ахир биз гувоҳмиз бошқа айёмга.
Бироқ шеърлар ёзиб, ичган билан май
Тенг кела олурми биров Хайёмга.

Шундоқ турфа эрур аслида одам,
Ўзини ҳар ишда этгай намоён.
Унинг бир оёғи ойда бўлса ҳам,
Бири пахса лойни тепкилар ҳамон.

2015 йил 22 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЖАР БОЛА

Ажойибдир невара халқи,
Хаёлига не келса сўрар.
Эринмайди бобо ҳам, балки
Шу сабабдан бола хуш кўрар.

Бидирлайди тинмай болакай:
– Бобо, буни майлима есам?
Бобо дейди: – Шошмагин, ҳай-ҳай,
Бу пишмаган ғўра-ку, болам.

Бола энди аразлайди сал:
– Ема дейсиз барини, бобо.
Буларни мен кўрганман аввал,
Тайёрлаган аям мураббо.

Отам эса тинмай шеър ёзар,
Бобо, шеърни бўладими еб?
Бу дунёда боладай ўжар
Ва нодонни бўлмайди топиб.

Ҳушёр тортар дафъатан бобо,
Чимиради ўсиқ қошини.
Ўйлаб туриб дейди сўнг: – Аммо
Еса бўлар шеърнинг бошини.

2015 йил 23 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИ КЎРИНИШ

Кўринишдан хурсанд, ҳатто ҳазилкаш,
Унча-мунча гапга қилмайди парво.
Лекин сийратини дард ейди яккаш,
Бундайин азобдан асрасин худо.

Мана бу банда ҳам ўзи билан банд,
Суратида лоқайд, теран сукутда.
Кўз юмиб, ўй сурар авлиё монанд,
Фақат фарқи шуки, ётар тобутда.

2015 йил 24 май

УЛФАТЛАР

Поездда кетарди тўрт-бешта улфат,
Ҳар ким ўз касбини мақтарди фақат.

Бирови деди-ки, катта дўхтирман,
Бири молияда, деди, ўткирман.

Ҳар кимга ёр бўлсин насибаси, бас,
Хуллас, бирор улфат бекорчи эмас.

Лекин битта шерик доим жим эди,
У ҳам тилга кириб, мақтаниб деди:

– Мен на олувчиман, на сотувчиман.
Тошга ишқибозман, тош отувчиман.

2015 йил 26 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОЙҚАРО

Кошонанинг кўркам боғида
Савлат тўкиб, амирлар аро,
Чоғир ҳўплаб гоҳи-гоҳида,
Ош ер эди султон Бойқаро.

Бирданига қисилди кўкрак,
Бирданига йўқолди ором.
Бир луқма ош – ичида сўнгак,
Томоғига тиқилди тамом.

Аҳли табиб шу заҳот боқиб,
Афсунгарлар бўлдилар гирён.
Кўзидан ёш дарёдек оқиб,
Аранг нафас оларди султон.

Ойу йиллар ўтдилар секин,
Юрт ҳам бунга кўникди ҳатто.
Баъзи дард бор, ўлдирмас, лекин
Ҳамроҳ бўлар маҳшаргача то.

Эшитган дўст албат қон ютган,
На ғанимлар бундан ризодир.
Бу – султоннинг ўзи қатл этган
Набираси Мўмин Мирзодир.

2015 йил 26 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕЛЕФОН

Итга телефон бер – юраверади,
Лекин итлигича тураверади.
Агар номерига адашиб тушсанг,
“Кимсан?”, “Нимасан?”, деб ҳураверади.

2015 йил 26 май

СЎНГГИ МАКОН

Қайга бориб қўнар учаётган сор,
Қайси жойда тўхтар югурик оҳу?
Жавоб бериб бўлмас бу гапга зинҳор,
Бу жиҳат ёпиқ, деб айтилган, ёҳу.

Узоқ йиллар яшаш ҳар кимга армон,
Гарчи дунё ўзи фоний, муваққат.
Филда ҳам бор эмиш энг сўнгги макон,
Инсонга буюрсин Ватани фақат.

2015 йил 28 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАПАЛАК

Бир кун яшар экан баъзи капалак,
Табиатнинг бундай ўйинига бок.
Мақсади шунчаки яшашмас, демак
Насл қолдирмоқдир, авлод қолдирмок.

Жуда раҳмим келар шўрлик бу жонга,
Кўрди тирикликни атиги бир кун.
Боқиб улгурмаган балки осмонга,
Балки йўқмиз биз ҳам капалак учун.

Етмас барчасига одамнинг ақли,
Бутун олам ўзи топишмоқ гўё.
Узоқ яшайдиган икки оёқли
Ғалати зотлардан иборат дунё.

Уларнинг ишлари эгрилик аксар,
Тўғрилик устидан бўлай дер ғолиб.
Капалак икки кун яшаганда гар,
Гербарий қиларди альбомга солиб.

Ушбу шеърим учун маъзур тут, жўра,
Дема, капалакдан шунчами малол?
Мудом ҳадик билан яшашдан кўра,
Эртароқ кетиш ҳам афзал, эҳтимол.

2015 йил 29 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУШ

Олисдасан заминдан – ердан,
Етолмайди бирорта чакин.
Яқин бўлиб қоласан бирдан,
Миллиметр. Ундан ҳам яқин.

Олам бунча муаттардир, оҳ,
Бўйларингдан бўламан сархуш.
Кўз очаман уйқудан ногоҳ,
Кўтарилар орамиздан туш.

2015 йил 29 май

ЮРАК

Юрак мулки ичра ястаниб ётар
Гоби саҳроси-ю Помир тоғлари.
Денгизлар, дарёлар қатор ва қатор,
Семирамиданинг осма боғлари.

Унга қўли етмай юрганлар қанча,
Термила-термила толган не кўзлар.
Лекин каслар ҳам бор, унга боққанча
Бор-йўғи сичқоннинг инини излар.

2015 йил 30 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУХБИР

Таништирма менга осмонни,
Икки кўзим ҳозирча очиқ.
Пеш қилмагин ҳадеб бўстонни,
Кўрдим, гуллар ғоят ярашиқ.

Самолётнинг гувуллаши ҳам
Билгин, менга янгилик эмас.
Кўрдим, булоқ шилдирар хуррам,
Боғда қушлар сайрар басма-бас.

Кашфиётдек кўрсатма менга
Юлдуз ҳамда ойнинг чиройин.
Энди ўзим мақтанай сенга:
Ёд биламан уларнинг жойин.

Мухбир укам, мени алдама,
Хорижлик бир сайёҳ мисоли.
Мен биламан, қайдадир дала
Ва неча бош чўпоннинг моли.

Ватанимда учраган ҳар тош,
Кўринади ўтдек кўзимга.
Меникидир шу ер, шу қуёш,
Таништирма мени ўзимга.

2015 йил 3 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИ АВЛОД

Набирам Ойбекжонга

Оламнинг бори шу: Зулмат билан Нур,
Ҳамда барчасини бунёд этган Зот.
Қанча ҳақ бўлмасин онгу тафаккур,
Мутлоқ бошқа экан яшаш ва ҳаёт.

Боённи кўрганда эмаклаб ҳар он
Кунини ўтказган қанчалар одам.
Бу қавм дўст бўлмас асло, ҳеч қачон,
Айт-чи, зарурмикан улар сенга ҳам?

Довуллар умрингни совурди бутун,
Етмади бардошинг, сабру тоқатинг.
Энди бари-бирдир кундуз билан тун,
Энди ортиқчадир қўлда соатинг.

Қофия ахтариш балки нодаркор,
Шеърдан азизроқдир ақча жаранги.
Лекин туғурукхона деган бир юрт бор,
Унинг фуқароси тамоман янги.

У ҳали билмайди ушбу дунёни,
Билмайди савоб не, нимадир гуноҳ.
Юмуқ кўзларида асрар зиёни,
Унинг истиқболин кўриклар Илоҳ.

Шоир, тушкунликка тушмагин асло,
Тирик юрганингга шукур қил албат.
Энг гўзал, энг ноёб шеъринги аммо
Ўша, янги авлод номига жўнат!

2015 йил 4 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧАР ЛИКОПЧА

Коинотдан келган учар ликопча
Кўкка ер ҳақида берарди хабар.
Қайда саҳро ётар, қайда боғ-боғча,
Борми сайёрада ҳаётдан асар?

Гоби саҳросига қўнди у бир кун,
Чексиз-чегарасиз, қуп-қуруқ ҳар ёқ.
Кўкка хабар қилди самовий тўлқин:
– Бу жойда ҳаёт йўқ, бордир қум, тупроқ!

Ликопча осмонда кезиб саргардон
Уммон ўртасига келди ниҳоят.
Фалакка маълумот жўнатди шу он:
– Ер деган манзилгоҳ сувдан иборат!

Туну кун ер узра айланиб юриб,
Дафъатан Деҳлига тушди бечора.
Сим қоқди юз минглаб одамни кўриб:
– Улкан бозор экан ушбу сайёра!

Охири ликопча толиқиб, беҳол,
Мингчинор бағрида тинди бир фурсат.
Қувончин етказди фазога дарҳол:
– Жаннат шу ердадир, шу ерда жаннат!

Омадсиз кимсаман дунёда, эвоҳ,
Мен ҳам ликопчамни учирдим кўп бор.
У тушди абадий музликларга гоҳ,
Гоҳ вулқон ўтига бўлди-ку дучор.

Биламан, заминда – ердадир жаннат,
Бокқанда дўзахий ўйлардан қайтгин.
Чулғар хаёлимни бир орзу фақат,
Менинг Мингчинорим, қайдасан, айтгин?!

2015 йил 6 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАТАН СЕВГИСИ

Сев Ватанни севгин борини,
Тоғларининг қоригача сев.
Ҳукм деб бил ихтиёрини,
Чексиз, тубсиз ғоригача сев.

Ватан меҳри бўлинмас асло,
У ҳаммага баробар нурдай.
Ватандошман, деганнинг аммо
Севиб бўлмас барчасин бирдай.

2015 йил 7 июнь

БОЗОР

Кўникасан, очликка, болам,
Сенга ҳеч ким бери кел демас.
Ёпиқ сенга пуллик ерлар ҳам,
Қондошларинг ғамингни емас.

Ер юзида шундоқ бир давр,
Шундоқ удум бўлди ҳукмрон:
Илмда йўқ заррача қадр,
Даҳолар ҳам кезар саргардон.

Бу тизимнинг номидир – бозор,
Бас келолсанг сеники марра.
Ахтармагин инсофни бекор,
Алданасан кунда юз карра.

Қайга борма, барибир, шу ҳол,
Бозор етган ҳар қандай жойга.
Бойлар бойни танийди дарҳол,
Сув, албатта, оқади сойга.

Сен турмушдан ибрат ол, болам,
Бўрини ҳам боққан оёғи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чумолининг жағи мустаҳкам,
Чўпоннинг ҳам бордир таёғи.

2015 йил 8 июнь

БАҲО

Биров сени мактаса агар
Эркаланиб, ҳаддингдан ошма.
Кимдир танбеҳ берса ҳам магар,
Ғазабланиб дарёдай тошма.

Бу дунёда кўп эрур ҳакам,
Лўттибоздир ва ёки оқил.
Баҳо берган сенга қай одам?
Энг аввало ўшани топгил.

2015 йил 8 июнь

ҲИМОЯ

Мени қуршаб олса мўғул ё араб,
Агар қасд қилмоқчи бўлса жонимга.
Хулоса қиламан теграмга қараб,
Ҳеч ким қалқон бўлмас келиб ёнимга.

Магар бўлса менда туганмас бисот,
Йўлимни кесса ҳам мушук ногоҳон.
Ҳимоя қиларди мени барча зот,
Мўғул ҳам, араб ҳам бўларди қалқон.

2015 йил 9 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАСОДИФ

Қорни тўйган куни дайди бир одам
Дафъатан атрофга гердайиб боқди.
Нима қилмоқчидир? Номаълум, мубҳам,
Шимини дазмоллаб, галстук тақди.

Баззоз дўконига кирди-ю шитоб,
Саллаликка олди беш-олти газ бўз.
Тўйлар тўғрисида топди бир китоб,
Ҳадисдан ёдлади уч-тўрт оғиз сўз.

Шаҳарда нима кўп – тўй кўп, албатта,
Тўй шаксиз истеъдод кўзини очар.
Бўйнида галстук, гавда ҳам катта,
Энди ном чиқарди: машҳур тўйочар!

Инсоннинг орзуси ўчмагай мангу,
Бунинг мисолидир маърака ошлар.
Бошга ўраб олиб салласини у
Амри маъруф айтиб, даврани бошлар.

Бир куни жилмайди омадин ўйлаб:
– Мен-ку бир жоҳилман, аслим бетайин.
Лекин ноғорамга юришар ўйнаб,
Билмадим, уларни ким деб атайин.

2015 йил 9 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФИКР

Атроф саҳро, йўқ бирор жонзот,
Булут босган, димиққан ҳаво.
Лекин қайнар фикримда ҳаёт,
Теварагим гавжум мутлақо.

Атроф бозор, одамга тўлган,
Булут ҳам йўқ, очиқдир ҳаво.
Лекин фикрим негадир ўлган,
Мен ёлғизман энди мутлақо.

2015 йил 10 июнь

САБАБ

Кимдир ўлди деймиз ногаҳон,
Лекин бунга сабаб бор бешак.
Ё қуйилган миясига қон,
Тўхтаб қолган ва ёки юрак.

У шунчаки топмас-ку завол,
У шунчаки ахир ўлмаган.
Сиз билмассиз балки, эҳтимол,
Рўзғорида тинчи бўлмаган.

2015 йил 10 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИБОДАТ

Дарвозанг тагида пойлайди ажал,
Аччиқ дард босади кўкракларингни.
Кимлардир кўзингни юмишдан аввал,
Тозалаб қўярди чўнтакларингни.

Дерлар, ўлимнинг ҳам қоидаси бор,
Икки газ ер учун жанжал, можаро.
Акчани ким тўлар? Қайси азадор?
Энди гўрков билан бошланар савдо.

Ҳали тугамайди бу аччиқ қисмат,
Кимдир ном талашиб ақлдан озар.
Энг мудҳиш томони, ўтмай сал фурсат
Сени маҳв этганлар хотира ёзар.

Дунёда неъмат йўқ ҳаётдан азиз,
Сен унга бағишла ўлмас сатрингни.
Тирик пайтингдаки очирмади кўз,
Кимдан ҳам сўрардинг кейин қадрингни?

Яхшиси ўлмасдан яшамоқлик шарт,
Эмаклаб бўлса ҳам, ётиб бўлса ҳам.
Узун кечалари қилгум ибодат,
Оғирим тушмасин бировга, Эгам.

2015 йил 11 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАРОҚЧИ ҚУШЛАР

Деразам тагида қағиллар қарға,
Остонамда эса кезар майна қуш.
Пойлаб тош отаман қароқчиларга,
Лекин барча ишим беҳуда ва пуч.

Тош отай деганда, моҳир жангчидек
Қарға калласини қолади буриб.
Майна-чи, юради ўз-ўзига бек,
Парво ҳам қилмайди бизларни кўриб.

Қушним бу ҳолатдан мирикиб кулар,
Дейди: – Мен олимман қушларга доир.
Сиздан заррача ҳам қўрқмайди улар,
Овчиларга айтинг, яхшиси, шоир.

2015 йил 13 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЎЛОВЧИ

Мен бир йўловчиман,
Сен эса кўрғон,
Бойликларинг билан зарра ишим йўқ.
Мендек бўлолмассан асло, ҳеч қачон,
Мен ҳам сен эмасман, бундан кўнгил тўқ.

Қўрқма, ҳеч кимсага етмас зарарим,
Турфа ғавғолардан чарчадим аммо.
Менга етиб ортар дарё, тоғларим,
Бир қултум сув билан бир ютим ҳаво.

Сен-чи, йўловчига қилма хархаша,
Очиқ чеҳра билан қўлингни силкит.
Уни талар йўлда барибир пашша,
Барибир ташланар ҳар хил дайди ит.

2015 йил 13 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕТГАЙСАН

Нодўст кимсаларга кучоғинг очиб,
Бегона юртларда тўйлаб нетгайсан.
Тиканли ерларга кадаминг босиб,
Чаманзор экан деб куйлаб нетгайсан.

Тенгсиз бойлик эрур Ватаннинг бори,
Дарёси ҳаётдир, қумлиги дори.
Агар киз кўринса қўшнининг ёри,
Девордан беҳуда бўйлаб нетгайсан.

Ростгўйни изладим шавқларга тўлиб,
Топганда қувондим, топмасам сўлиб.
Тўғрилик турганда, шармисор бўлиб –
Ёлғон-яшиқларни сўйлаб нетгайсан.

Сенга таништирай дунёни бирров,
Ҳали из тушмаган у тонги киров.
Агар сен ўтмасанг ўтади биров,
Пасту баландини ўйлаб нетгайсан.

2015 йил 15 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

АБАДИЙ САДО

Менинг бир одамим, яъни соям бор,
Юради эргашиб, мудом изма-из.
Кўриниши оддий, ҳатто хокисор,
Лекин гапирмайди, айтмас бирор сўз.

Қачон бирор жойга борсам мабодо,
Буни дафтарида қайд қилиб қўяр.
Тўйу ҳашамда ҳам эргашар ҳатто,
Пастда қолиб кетса, қовоғин уяр.

Менинг бир одамим, яъни соям бор,
Унинг кимлигини асло билмасман.
Балки бекорчидир, балки ҳаваскор,
Лекин кузатади, шубҳа қилмасман.

Бир китоб ўқидим – ажиб ва ажаб,
Номи ҳам қадимий: "Зиндон ва Соқчи".
Қайсидир замонда барчани алдаб,
Қочиб кетган экан битта айғоқчи.

Калламга чақмоқдек ўй келди, ҳайҳот,
Ўзимнинг дилимни ёритди ғоям.
Ўрта асрлардан қочиб келган зот
Наҳот ўша одам? Наҳотки соям?!

2015 йил 16 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАБИБ

Табиб дер: Икки дардни
Даволайман ҳар маҳал.
Бири – темираткидир,
Иккинчиси кўтир кал.
Энг аввал юқтирингиз,
Чунки мен кузатаман.
Бир йилга етказмасдан
Албатта тузатаман.

2015 йил 16 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎПЧИЛИК

Қанча шарқ шоири йиғлаб ёзди шеър,
Турфа маъно берар ҳар битта сўзи.
Фурқат карвонимдан адашганман, дер
Аслида, адашган карвоннинг ўзи.

Буюк Брунони ёқдилар ўтда,
Қуёшни марказдир дегани учун.
Миллионлаб насорон боқди сукутда,
Инсон рад этганди илмнинг кучин.

Ўрис Сахаровни ўртага олиб,
Хўрлади, улуғ зот кўтармади бош.
Во ажаб, ҳаммани ҳайратга солиб,
Ўзбек аёли ҳам отиб қолди тош.

Менинг кўпчилигим, сендан айланай,
Сени жаҳонгирлар судрашган узоқ.
Орангда яшаган даҳолар талай,
То ҳануз йўлингга қўярлар тузоқ.

Ким кимни айбларди тарих қаърида,
Деймиз-ки, мукаммал эмасдир олам.
Бордир одамзоднинг луғатларида,
Лаънати бир қавм деган сўзлар ҳам.

Аллоҳ тепамизда турибди караб,
Асло поймол бўлмас ҳақнинг ҳуқуқи.
Шоир, қадам босгин тегрангга караб,
Гоҳо бир одамга шеърингни ўқи!

2015 йил 18 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГУЛХАНИЙ

Гулханий ўлиб кетиб жуда ёмон иш бўлди,
"Зарбулмасал" аҳли-ку етим қолди бутунлай.
Сўз санъати ажнабий жонзотлар билан тўлди,
Гулханийни менсимай қўйганлар ҳам бирталай.

Қайсидир маҳаллада анжуман бўлди катта,
Мавзуси ғоят жиддий: "Гапирарми ҳайвонлар".
Бир тўп олим даъвосин маъқуллади, албатта,
Айнан "Зарбулмасал"дан келтиришиб баёнлар.

Бир гуруҳи гапида турди лекин устувор,
Чинакам фаннинг кучи кўтарди яна ялов!
Улар деди, масалан, гапирмас бирор тулпор,
Мушукнинг маърузасин эшитган эмас биров.

Савиямиз шунақа, узр, Гулханий бобо,
Унчалик ёқтирмаймиз қиёслашни, исботни.
Аҳли илм санайди ўзларин етук, танҳо,
Масал, деб камситади сизнинг адабиётни.

Мен ҳам виждон қошида ёлғончи бўлиб қолмай,
Она тилимиз ҳануз сиз билгандек тенгсиз, бой.
Тўтиқушни танишар, чунки у ҳар қайда бор,
От деганда қазини тушунади, ҳойнаҳой.

2015 йил 19 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУЛК

Ялинтирмас ҳеч арслон,
Чегарасин сотмайди бўри.
Мулкни фақат пуллагай инсон,
Камбағалнинг қурийди шўри.

Арикдаги сувни ҳам ҳатто,
Тарқатмайди бировга текин.
Ўзиники учраса аммо
Ҳадя қилар ҳаммасин лекин.

Дарёни ҳам қай бир момосин
Сепи дейди, ғоят ярашиқ.
Яйловларни катта бобосин,
Даласи деб ҳисоблар очиқ.

2015 йил 20 июнь

КЕКСА ЖАНГЧИЛАР

(1941 йил 21 июнь)

Кекса жангчиларнинг орияти бор,
Уларга баланддан қараманг зинҳор.
У оғир йилларни сўрашдан кўра,
Меҳру ишончига бўлинг сазовор.

2015 йил 21 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШЕЪРИЯТ

Шундай шарт қўйдилар менга бир замон:
Омонлик истасанг шеър ёзма фақат.
Ажабо, ўзлари таслим қилиб жон,
Бугун ер қаърига сингмиш бешафқат.

Гоҳ ўйлаб қоламан, киммиз ўзи биз,
Соҳиби давронми, фалакнинг қули?
Ўзга забонларга чўкмасдан ҳам тиз,
Барпо бўлганди-ку ўзбеклар тили.

Алишер эллик йил дўконни очиб,
Қулфи калит қилиб кетганмикин ё.
Саройда шеърият дурларин сочиб,
Адо қилганмикан ёки Бойқаро.

Эл-юртнинг қалбида пинҳон оҳу зор
Шеър бўлиб ўзидан бергайдир хабар.
Ана, Машраб учун қурилган у дор
Бузилмай турибди шу кунга қадар.

Кимгадир ёқмаса шоир ижоди,
Душман босди дея, ҳамон бонг чалар.
Ер юзин забт этган зотнинг авлоди,
Наҳот, шеъриятдан қўрқса бунчалар.

Йўқ бунинг сабаби бошқадир мутлоқ,
Давр ўтиб, мукаммал бўлмади одам.
Ёвузлик тинмади, ер юзига боқ,
Чорасиз хоқону султонлари ҳам.

Шу сабаб ёвларинг хуш кўрмас, шоир,
Шу боис ёзма деб қўйишгайлар шарт.
Куйлагин сен фақат қалбингга доир,
Ҳеч қачон туширма виждонингга гард.

2015 йил 25 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУЮКЛИК ҲАҚИДА

Менинг бир дўстим бор, соддадек гўё,
Кўринган одамни буюксан, дейди.
Лекин ўзини ҳам унутмас асло,
Буюкман, дейди.

Буюклик аталган бу кибор туйғу
Оташин даъватга кўпроқ ярайди.
Бирор наф топдингми сен ундан, ёҳу,
Ерга қарайди.

Буюклик кўринмас ҳар вақт, ҳар фурсат,
Гарчи сен у ҳақда тинмай сўзлайсан.
Энг аввал, ҳурматли зотларни кўрсат,
Буюкларни кейин излайсан.

2015 йил 28 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОҒУНИЙ

Туркий дунёмизда тенгсиз аллома,
Адолат йўлида курашчи, ботир.
Гарчи қўлда қалам, бошда амома,
Сизни қуршаб ўтди фақат хавотир.

Шўрлик халқ қай замон бўларкан озод,
Бўларми унинг ҳам туғи, давлати.
Босқинчи зотларни титратди бот-бот,
Соғуний домланинг ўтли даъвати.

Бу сиймо неларга келмади тўқнаш,
Изма-из юрарди ажал муқаррар.
Табобат илмида Синога ўхшаш,
Тафаккур бобида Беруний қадар.

Ярадор бўлди-ю йиқилмади у,
Пинҳон наъра тортди бамисли арслон.
Пайғамбар каломи дилида мангу,
Фақат орзусидир озод Туркистон.

Зулмки, устувор бўлдими агар,
Энди ҳамроҳингдир ўкинч ва ҳасрат.
Авлодлар кечмишин то рўзи Маҳшар
Кузатиб тургайдир Соғуний ҳазрат.

2015 йил 29 июнь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИМОН

Кексалик бошланиб, танни беморлик
Забтига олди-ю хору зор қилди.
Бир замон юрардим давлатлик, норлик,
Кўзимга дунёни энди тор қилди.

Шогирдлар ўстирдим жойлаб жонимга,
Маҳрамдек санадим хонадонимга.
Оқибат ўшалар ҳатто ёнимга
Келиб ўтиришдан гўё ор қилди.

Ҳеч ким "Бас" демайди бойликка тўйиб,
Йўқсил ҳам чидайди, ёнмайди куйиб.
Бир жуфт шеър айтишни бўйнимга қўйиб,
Оламда йўқ эдим, Ўзи бор қилди.

Ҳаёт гўзаллигин куйладим, бай-бай,
Тулпорим фалакни қучмоққа ҳам шай.
Лекин қанча севиб, қанча ёлвормай,
Бир санам йўлига интизор қилди.

Афсус, дунё мени алдади боплаб,
Олдимга ташлади ёлғонни қоплаб.
Эккан дарахтларим кўрсам ҳисоблаб,
Ярмин бешик қилди, ярмин дор қилди.

Ношукур эмасман умримдан зинҳор,
Бировдан қолишмас қадим халким бор.
Кимнидир кўришдан қилсам ифтихор,
Ким мени кўришдан ифтихор қилди.

Нафс деган ҳаммани урди йўлидан,
Айлан авлиёнинг ўнгу сўлидан.
Ақчасиз ҳеч нарса келмас қўлидан,
Масжидни бузди-ю чўнг бозор қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен ҳам жиловладим гоҳо фикратни,
Асл деб ўйладим сохта суратни.
Меҳру муҳаббатни, илму ҳикматни
Фақат сийратимда барқарор қилдим.

Ёвузлик ҳар ённи этса ҳам хароб,
Бир куни қайдадир бергайдир жавоб.
Эзгулик седана донидек ноёб,
Бўй сочиб, ўзидан умидвор қилди.

Ер юзи бўлгайдир шаксиз фаровон,
Инсонга қайтгайдир диёнат, виждон.
Шоир келажакка келтириб имон,
Шу шеърни ёзмоққа ихтиёр қилди.

2015 йил 30 июнь

ОДАТ

Бир халқда ғалати одат бор эди:
Ўлганлар азизу тирик хор эди.
Севган одамига тиларди ажал,
Ўтгач, улуғлашга интизор эди.

2015 йил 1 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИМКОН

Бу гаплар бор эди Марксдан аввал,
Яъни қорни очу ва қорни тўқлар.
Майли, юмшатайин ташбиҳни сал-пал,
Имкони борлару имкони йўқлар.

Искандар Мақдуний имкони сабаб,
Бориб етган эди Бадахшонга то.
Оддий одамни-чи, калтаклаб, ҳайдаб,
Уйдан чиқариш ҳам мушкул, муаммо.

Имкони бор экан, Темурдайин зот,
Жаҳоннинг ярмини олди рўйирост.
Имкони йўқни-ку, сийламас ҳаёт,
Ўша эски ҳаммом, ўша эски тос.

Балҳнинг саҳросида ҳазрат Беруний,
Ўтин йиғар эди йилда икки бор.
Мажбур қилар эди имкони шуни,
Қолган барча вақти илмга нисор.

Имконинг келибди, омад йўлиқиб,
Қошингда Ҳотам ҳам кўкрак керолмас.
Кимдир ҳайитда ҳам бозорга чиқиб,
Ўғлига хўрозқанд олиб беролмас.

Имкон деганлари улуғ куч ғоят,
Эплаган инсонга учрар у кўпроқ.
Унда тилсим мавжуд, бордир синоат,
Арслоннинг мўйига тегишма бироқ.

Худойим мени ҳам қўллаб бир замон,
Бенасиб қилмади илму зиёдан.
Имкон-чи бермади, йўқ бошқа нажот,
Ўтдим қўл-оёғим боғлиқ дунёдан.

2015 йил 4 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎПРИК

Чегарада,
Кўприк устида,
Турар эди мағрур бир инсон.
Гап уқтирар балки дўстига,
Набираси эса ёнма-ён.

У бир замон аждодлар топган
Худоларга ўхшаб кетарди.
Эгнига шер терисин ёпган
Паҳлавондек ўзин тутарди.

Кўзларида ёнарди нафрат,
Овозида қаҳр, қалдироқ.
Ғазаб билан сўзларди фақат,
Ёш оқарди кўзидан бироқ.

– Эллар аро қўймиш чегара,
Иблисларга қолмиш бу олам.
Шу кўприкнинг ортига кара,
Катта дунё бор эди, болам.

Улар бизни камситди ҳар вақт,
Улар учун йўқ эди худо.
Саёҳатнинг ўзи-ку бир бахт,
Ўшандан ҳам қилдилар жудо.

Даврнинг келди энди, болажон,
Ғолибларнинг сафига киргил.
Сеники ҳам ахир бу жаҳон,
Икки зотнинг биридек юргил.

Набира дер, ўзгарди дунё,
Кўринг, олам бўёқларини.
Бобо тирик турарди, аммо
Синдиришган оёқларини.

2015 йил 5 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИ АСР МАНЗАРАСИ

Еганнинг оғзига термилиб турмоқ,
Энг қабиҳ камситиш инсонга доим.
Тамшаниб ўтирган болани кўрмоқ,
Яхлит маломатдир, асра худойим.

Ҳамма бир-бирига боқар шукуҳсиз,
Теграсин кўрмайди, юмуқдир кўзи.
Улкан яйловдаги қалбсиз ва руҳсиз
Тўдадан иборат гўё ер юзи.

Унутиб қўйгандир заминни само,
Балки инсон учун у ҳам абасдир.
Бировга яхшилик қилмаслар асло,
Ёмонлик қилмаса шу ўзи басдир.

Шамоллар елмайди на Шарқ, на Ғарбдан,
Уфурмас гулларнинг атри-нафаси.
Эллару элатлар чарчаган ҳарбдан,
Ҳар ёнда алам ва забунлик саси.

Черков қўнғироғин жаранги тинмас,
Ҳар тонг минорадан таралар азон.
Уларнинг борлиги лекин билинмас,
Бепоён яйловда кезади инсон.

2015 йил 9 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒАЛАТИ ОДАМЛАР

Нолойиқ кимсанинг суғориб отин
Бу ишни беҳуда савоб дегайсан.
У дарҳол эслатар кимлигин, зотин,
Мутлақо сабабсиз қамчи егайсан.

Бошқаси кўролмас, дейлик, буюмни,
Балки арзимайди бир пулга ҳатто.
Қайдан олгансан деб янги кийимни,
Ечинтириб қарар шиминггача то.

2015 йил 10 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎКИНЧ

Бир вақтлар туғилган жойим бор эди,
Учсам қўнадиган ишончли ошён.
Мен учун ҳамиша ифтихор эди,
Бугун бегонадир менга у макон.

Меҳр ила муҳаббат, ҳурмат, оқибат,
Билмадим, қайгадир бўлмишлар ғойиб.
Тепалик бағрида кўринар фақат,
Отам ва онамнинг қабри мунғайиб.

2015 йил 11 июль

МЕЪЁР

Инсоннинг қалбида бор шундай туйғу,
Ўзгармас милён йил ўтса ҳам лекин.
Тупканнинг туби дер ўзга юртни у,
Чекка қишлоқлардир Деҳли ё Пекин.

Ўша хорижлик ҳам сени эслаб гоҳ,
Жилмайиб қўяди атайин, бот-бот.
Дейди, одамларни учратдик ногоҳ,
Ўша жойларда ҳам бор экан ҳаёт.

Оқиллар меъёрни билганлар ҳар чоқ,
Лоф гапни суймаган ҳаддан зиёда.
Унутма, биродар, сендан ортиқроқ
Мақтанчоқ каслар ҳам кўпдир дунёда.

2015 йил 13 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФЕЪЛ

– Бир умр тўсдинг-ку йўлимни,
Сира эринмадинг, қойилман, кўппак.
– Нега эринайин? Итлик феълимни
Ахир мен намоён этмоғим керак.

2015 йил 18 июль

НУҲ КЕМАСИ

Уммонда кезади бир кема ҳануз,
Минг йилким, чарчамас, толмас эгаси.
Йироқ соҳиллардан узмайди ҳеч кўз,
У нажот тимсоли, Нуҳнинг кемаси.

Мен ҳам шу кемада сузарман борҳо,
Кўргайман, не бўлса пешонасида.
Бошқа ҳамроҳлардан фарқим йўқ асло,
Мен фақат кеманинг юкхонасида.

2015 йил 18 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУҒМА НОДОН

Баъзи суҳбатдошнинг ўй-фикри ғалат,
Яшириб ўтирмай, очиқ-ойдин дер:
– Бош вазир эканлар Навоий ҳазрат,
Нега шундай одам ёзиб юрган шеър?

Саволлар чулғайди уни галма-гал,
Мияси тўлади мубҳам тутунга:
– Бобур вазир эмас, шоҳ экан тугал,
Нима керак бўлган шеър ёзиш унга?

Бундай суҳбатдошдан асрасин худо,
У туғма нодондир, аслини билсам.
Гар Ватан ҳақида сўз кетса ҳатто,
Қанча беради дер, ҳимоя қилсам.

2015 йил 19 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

УММОН ОРТИ ИЛҲОМЛАРИ

БАХИЛЛИК

«Мен!» деб бонг урасан шому саҳарда,
Гўё ҳаққонийдек айтар сўзларинг.
Ҳаммани бир хилда кўрсанг агарда,
Тешилиб қоларми сенинг кўзларинг.

Йўлнинг чеккасида мажруҳ бир инсон,
Мадад сўраб турар сендан эҳтимол.
Мабодо узатсанг унга парча нон,
Қўлларинг майишиб, бўлармикан шол.

Қаршингда турибди ёш бир истеъдод,
Балки оламшумул бўлажак даҳо.
Бир оғиз сўз айтиб, берсанг гар имдод,
Тилларинг кесилиб қолгаймикан ё?

Бир сиймо илмнинг бўлмиш сардори,
Балли, эл-юртига олиб келмиш шон.
Сен уни қутласанг кўплар қатори,
Чикиб кетармикан танангдаги жон.

Афсуски, яхшилар тортади кулфат,
Ёмонлар ғолибдир, ётар қалашиб.
Йўқдир бундайларда зарра фазилат,
Дунёга келмишлар улар адашиб.

2015 йил 24 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИМТИҲОН

Сен Ватан ҳақида берма кўп савол,
Лоф урма Ватаннинг муҳаббати деб.
Уни мансаб каби айлама хаёл,
Ёхуд маърузангга эмасдир у зеб.
Ватан танангдаги жондир, қондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.
Бу улуғ севгида илоҳийлик бор,
Ватанни чин фарзанд фаромуш этмас.
Менга ўз туйғумни ўргатма зинҳор,
Инчунин, кибрнинг бозори ўтмас.
Рост гапни ёлғондан фарқлар ондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.
Асл қаҳрамон ким ёруғ дунёда?
Ғоясин таъмага алмашмаган зот.
Чуғурчуқ кўпайса ҳаддан зиёда,
Бургут бўлиб яшаш олий мукофот.
Қул ҳам юртин севса шоҳдир, хондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.
Гарчи кўҳна замин умум макондир,
Инсоннинг ҳар жойда ёнсин чироғи.
Мўъжаз бўлса ҳамки, кулбанг ошёндир,
Она даргоҳидек унинг қучоғи.
Сен учун поёнсиз каҳкашондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.
Азал мусофирдир дунёда одам,
Руҳим гарчи собит, муаллақ таним.
Бир умр кўйнингда муқим турсам ҳам,
Соғиниб яшадим сени, Ватаним.
Меҳр бир, нафрат ҳам бир томондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.
Майли, суймасинлар мени ғанимлар,
Йўлимни тўссинлар рақиблар ҳатто.
Ватан ҳар қайда ҳам маёқдек имлар,
Ғурурим юксалар самогача то.
Ҳеч кимга бергувсиз довруғ, шондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

2015 йил 24 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

АТЛАНТИКА

Қуш ҳам ўтолмайди Атлантикадан,
Ахир учолмайди муттасил бир ой.
Хабар тарқаса-чи, манов чеккадан,
Дақиқа етарли бунга, ҳойнаҳой.

Мен орзу қилардим, буткул жаҳонда
Тумандек тарқаса кўнгил ғашлари.
Садо бериб турса ҳар икки ёнда
Биллур қадаҳларнинг жаранглашлари.

Мен орзу қилардим, инсон нафасин
Ҳар қайда ҳис қилсанг юзга теккудак.
Бу ёнда айтилган она алласин
У ёнда эшитиб тин олса гўдак.

Мен орзу қилардим, бепоён уммон
Кўприкдек елкасин тутиб турса жим.
Олис Самарқандда янграгач азон
Саждага бош қўйса далласлик муслим.

Орзуни олмадим асло осмондан,
Бугун хаёл эмас қутлуғ сафарлар.
Қушлар учиб ўтсин майли уммондан,
Фақат тарқамасин нохуш хабарлар.

2015 йил 25 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСИЁЛИК

Осиёлик дўстим, борингга шукур,
Ажиб суҳбатдошсан, тенгги йўқ ҳамроҳ.
Содда феълинг кўриб, топаман ҳузур,
Ғалати ўйинлар кўрсатасан гоҳ.

Ўзига буюрсин ҳар кимнинг таъби,
Чорбозор эмас бу – амакинг қурган.
Ўзингни урасан шабкўр қуш каби,
Олдингда одам бор – навбатда турган.

Бунда тартиб мавжуд, бунда бор тенглик,
Хоҳлабсан, тўлқинда кўмиламан деб.
Уммон барча учун етарли кенглик,
Талашма, мен олдин чўмиламан деб.

Бироқ кўзёш кўрсанг сақлайсан сукут,
Қўшилиб йиғлайсан, ўкинчга тўлиб.
Ногаҳон йўлингда учраса тобут,
Изидан кетасан азадор бўлиб.

Осиёлик дўстим, шарқлик биродар,
Ғоят самимийсан, мисли боласан.
Лекин дўхтирларни учратсанг агар
Навбатга қарамай, кочиб қоласан.

2015 йил 25 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСМОНДАГИ ЗИЛЗИЛА

Учардик олис юртга,
Булутлар кўп, ялтироқ.
Дафъатан самолётни
Тутиб қолди қалтироқ.

Безгакка ўхшаб кетар,
Ёхуд зилзила каби.
Биз дердик: – Субҳаналлоҳ,
Ё Яратган, ё Наби.

Бир кампир учувчини
Қарғаб, гўё тиғларди.
Калима қайтаролмай,
– Мен ҳам шу, – деб йиғларди.

Тинимсиз дерди бир чол:
– Гуноҳларга ботганман.
Ҳаж қилгани борганда,
Ул-бул нарса сотганман.

Учардик олис юртга,
Булутлар кўп, ялтироқ.
То ҳануз самолётни
Қўйвормасди қалтироқ.

Бир олим ғўлдирарди:
– Худо, ҳолимга боккин.
Ҳай аттанг, кўп едим мен
Талабаларнинг ҳаккин.

Қандайдир танқидчи ҳам
Бор эди бу салонда.
Ўлим-ку барҳақ, лекин
Ваҳимаси ёмон-да.

У дерди: – Кун кўрай деб,
Қорани ҳам оқладим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзимга ҳеч ёқмаган
Китобларни ёкладим.

Фақат битта болакай,
Қоракўз, озғин, нимжон.
Онасига биқиниб,
– Қўрқманг, – дерди, аяжон.

Талваса ўтиб кетди,
Тинчланди самолёт ҳам.
Худога минг шукур деб,
Ўтирар кампир хуррам.

Бозорчи ҳожи ҳамон
Қовриларди ҳисларда.
Дерди: – Тижорат мумкин,
Айтилган ҳадисларда.

Олимнинг-чи тинчи йўқ,
Аланглаб турар кўзи.
Дерди: – Нетай, талаба
Келтириб берар ўзи.

Танкидчи очиқ-ойдин
Талмовсирар, тушмай паст:
– Мақта, деб қўйишмайди,
Адиблар шуҳратпараст.

Самолёт учиб борар,
Босилганди хаяжон.
Фақат коракўз бола
– Қўрқманг, – дерди, аяжон.

2015 йил 26 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАЁТ

Қўлинг очиқ кетма дунёдан, жўра,
Бир ўтов, тўрт эчки майли бисотинг.
Ҳар кимга мингашиб юргандан кўра,
Қирчанғи эса-да бўлсин ўз отинг.

Балки тортинчоқдир фарзанд – аржуманд,
Дўстлар ҳам кўкдаги қушларга монанд.
Бири новвот бўлса, бирови-чи қанд,
Улар бор ширидир тахир ҳаётинг.

Олис сафарларда ёлғиз қолсанг ҳам,
Умидсиз ўйларни дилга солсанг ҳам.
Мадорсиз йиқилиб, буткул толсанг ҳам,
Элу юрт бўлгайдир синмас қанотинг.

Ўкинма, лафзи йўқ номардни кўриб,
Муттасил алдайди ёнингда туриб.
Нодонлар юрсалар давронин суриб,
Чидайсан барига, бордир саботинг.

Сенинг бошқалардан фарқинг йўқ асло,
Сен ҳам бандадирсан бандалар аро.
Бир кун орзуларинг чорласа аммо,
Бошлаб борғусидир шеъринг – баётинг.

2015 йил 28 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЮК

Замин дер: – Инсонни атарлар буюк,
Лекин у мен учун эмасдир суюк.
Тириги бўйнимга миниб олгандир,
Ҳатто ўлгани ҳам елкамдаги юк.

2015 йил 28 июль

АКТЁР

Эрига нозланиб дерди бир хоним:
– Билиб қўй, санъатинг менинг ҳам шоним.
Уйда кўп актёрлик қилаверма, бас,
Бир кун одам каби яшагин, жоним.

2015 йил 28 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎФОН

Неча бор айтдилар, бу дунё ўтар,
Пайт келиб, ўзга бир оламлар кутар.
Во ажаб, уфқда тўфон кўринди,
Шошил, душманликни орадан кўтар.

2015 йил 28 июль

УММОН ҚОШИДА...

Йигитлик ёшида бўлсайдим агар,
Сен каби солардим балки ғалаён.
У кунлар яшадим тутқиндан баттар,
Юртдан чиқармасди бизларни замон.
Энди мен учун ҳам очиқдир дунё,
То ҳануз қалбимда бордек журъатим.
Эй уммон, қошингда турибман, аммо
Ғалаён солишга етмас қудратим.

2015 йил 31 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИАЛОГ

– Отанг билан онанг ҳаётми, укам?
– Улар юрибдилар саломат, ўктам.
– Сенга қилмадими дўстлар хиёнат?
– Ҳозирча, ўртада бордир диёнат.
– Қийнаб қўймадими турмуш ва рўзғор?
– Оила қуришга ҳали вақтим бор.
– Айтгин, энг муҳими, соғмисан ахир?
– Шукур, нолимасман соғликдан, тақсир.
– Омад ўзи сенга боққан экан заб,
Укам, энди менга ўргатмагин гап.

2015 йил 31 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЗР

Ҳангома кўп учрар ҳаётга доир,
Кекса бир қаламкаш одам бор эди.
Сизга кўп ёмонлик қилганман, шоир,
Кечиринг, узримни сўрайман, деди.
Балки раҳмат дейсан шунисига ҳам,
Гуноҳин бўйнига олмиш-ку инсон.
Сен гугурт чаққанда ёнсаю олам,
Узрингдан не фойда, эй сўқир, нодон.
Аттангки, қайдадир ношуд шифокор
Кимнингдир дилбандин айлади нобуд.
Унга узрларнинг не кераги бор,
Қўлма-қўл кетмоқда кичкинтой тобут.
Сиз менинг умримни қилдингиз адо,
Турфа пучмоқлардан бўлган ҳужумлар.
У темир панжалар юракни борҳо
Анорни сиққандек, эзиб ғижимлар.
Кун-бакун тараққий этмоқда дунё,
Ногоҳ одамкушни топмоқ ҳам қийин.
Ҳозирги маданий жаллодлар ҳатто
Аввал узр сўраб, сўйишар кейин.

2015 йил 31 июль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Бир умр яшадинг кўзингни ёшлаб,
Ўзи йўқ омаддан нолидинг ескин.
Атай келтирдилар дарёни бошлаб,
Сув сенинг ҳовлингга чиқмасди лекин.
Ахир пўлат эмас бу жону бу тан,
Аёз ва изғирин ялайверади.
Ҳимоя қилишар нукул бомбадан,
Қумурсқалар эса талайверади.

2015 йил 2 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕК БЎЛИБ КЎРИНАВЕРАР

Бу жойда ҳам турфа миллат бор,
Меҳнат қилар, уринаверар.
Қай бирига қилсам эътибор,
Ўзбек бўлиб кўринаверар.
Бировининг кулиши ўхшар,
Бировининг туриши ўхшар,
Бировининг юриши ўхшар,
Ўзбек бўлиб кўринаверар.
Йўл бўйида икки қизалоқ,
Бири қора, бирови-чи, оқ.
Ўйнашарди аҳил ва иноқ,
Ўзбек бўлиб кўринаверар.
Чол аланглар излаб салқин жой,
Исиб кетган шўрлик, ҳойнаҳой.
Кимдир унга тутди сувми, чой,
Ўзбек бўлиб кўринаверар.
Қарамасдан ирқи-қонига,
Миллатига ё унвонига,
Ким чорласа дастурхонига,
Ўзбек бўлиб кўринаверар.
Эргаштириб бола-бақрасин,
Сарф айласа сўнгги чақасин,
Сўнг "уф" дея очса ёқасин,
Ўзбек бўлиб кўринаверар.
Ҳануз феълинг билишмас балким,
Фазилатинг кўп эрур, халқим.
Меҳр билан қараса ҳар ким,
Ўзбек бўлиб кўринаверар.

2015 йил 3 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУЛОҲАЗА

Китобхонлар ичра кўпдир билимдон,
Хат ёзар, ижодинг текшириб обдон.
Дейди: – Менга ёқди манов шеърингиз,
Бироқ маълум эмас нима дерингиз.
Кимга атагансиз анови шеърни,
Юртдош деганингиз хотинми, эрми?
Мана бу байтингиз кимга бахшида,
Бизлар тафсилотин билсак, яхши-да.
Эски ков-ковлардан қотгандир бошим,
Майли, яна бир бор тингла, қондошим:
– Барча бағишловлар катта бобонгга,
Марсиялар эса ўлган момонгга.
Мақтовлар онангга туҳфа, албатта,
Чунки волиданинг хизмати катта.
Мисралар амма-ю холангга ҳам бор,
Шахсий тарихчингман, амрингга тайёр.
Қийиқ ахтарасан ҳар гапдан доим,
Гўёки бўлгандек қиёмат қойим.
Хоҳлайсан, ёзсаму бирор раҳбарни,
Ўқиб маза қилсанг тагдор гапларни.
Янгилик эмасдир бу ҳолат асло,
Қолган шўролардан энг мудҳиш бало.
Шеър айтдим мен одам болаларига,
Уларнинг қувонч-у нолаларига.
Фаҳминг етмаса гар, энди нетайин,
Ўпка-гина қилиб, қайга кетайин.
Агар тушунмасанг қалбни, юракни,
Уни ёриб кўриш шартми, керакми?
Оддий, тўғри сўзни англайсан қачон?
Сендан бошқа дардим йўқми, эй, нодон.

2015 йил 6 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАХЛСИЗЛИК

Термилиб қарасанг, Осмон дахлсиз,
Ерда унинг акси – Уммон дахлсиз.
Мурувват айламиш бандасига Раб,
Яралмишлар ичра Инсон дахлсиз.

2015 йил 6 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАСА[1]

Мен ҳайрон қоламан,
Одамзод гоҳо
Кўрган мўъжизасин бирдан унутгай.
Искандар, Магеллан довруғи ҳатто,
НАСА игнасининг кўзидан ўтгай.
Қандоқ бунёд бўлган ҳазрати Одам,
Ҳеч кимса кўрмаган илоҳий дамни.
Лекин машқ қилганлар минг йил муқаддам,
Ойда Армстронг[2] қўйган қадамни.
Конрад коржомаси осиғлик турар,
Марҳум фазогирлар кўргазмасида.
Шоҳларнинг либоси яхлит сийму зар,
Барибир, илингай унинг пастида.
Тоғнинг этагида ўтирган сайёҳ,
Унинг маҳобатин кўрмас ҳеч қачон.
Асрлар қаъридан ташласанг нигоҳ,
Инсон қуриб олмиш янги бир жаҳон.
Низолар йўқолур бир кун, албатта,
Одамзод ўзлигин топар қайтадан.
Шонли ўтмишини эслаб у пайтда,
Келгай маъракага ҳар битта Ватан.
Башар болалари фахрга тўлиб,
Тафаккур тўйида кўтаргайлар жом.
Ишонгум, ўша кун биринчи бўлиб,
Ёдга олинажак Улуғбек бобом.

2015 йил 7 август

---

[1] НАСА – Хьюстонда жойлашган АҚШ фазогирлар тайёрлаш ва назорат қилиш маркази.

[2] Армстронг, Конрад – Ойга қадам қўйган дастлабки фазогирлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПОЛИЗ ҚЎРИҚЧИСИ

Чайламиз бор эди,
Далада эдик,
Жайралар ўч бўлар ковун-тарвузга.
Ҳар ҳолда, чўчитиб туради дедик,
Қўрикчи ўрнатдик бир кун полизга.
Ўриснинг хочидек бутани чопдик,
Ерга қадаб қўйдик оёқ-дастакни.
Қайдандир эски бир шляпа топдик,
Эгнига кийгиздик яғир пўстакни.
Ғаройиб қўрикчи бўлганди пайдо,
Довдирар, тушса гар шайтоннинг кўзи.
Узоқдан корасин кўрганда гоҳо,
Жуфтакни ростларди болалар ўзи.
Энди у жойларда ковун полиз йўқ,
Жайра ҳам, тарвуз ҳам йўқдир, албатта.
Баланд иморатлар кўкка урар дўқ,
Фақат сақлангандир чинорлар, катта.
Биз ҳам улғайганмиз, улғайди дунё,
Қолди хотиралар мисоли етим.
Ўша гузарлардан ўтганда аммо,
Қўрикчини эслаб, жунжикар этим.

2015 йил 7 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАРҚОҚ ҚАВМ

Бир қавм бор эди, ғоятда тарқоқ,
Ҳар қайси ўзича кўтарган байроқ.
Қўшни қўшни билан сирлашмасдилар,
Тўйу азада ҳам бирлашмасдилар.
Бир куни ёғилди кўкдан фалокат,
Қилиб бўлмас эди офатга тоқат.
Қавм-чи, дод солди, тинчидан жудо,
Аллоҳ, Аллоҳ, дея қиларди нидо.
Бало тушмоқдайди ҳануз ҳаводан,
Шундоқ садо келди бирдан самодан:
– Тегманг, тўрт тарафга, майли, чопишсин,
Ҳар ким ўзи учун Аллоҳ топишсин.

2015 йил 8 август

ТЕХАС ПАХТАЗОРИДА

Ўтган бобосини кўргандек ўзбек,
Югурди Техаснинг пахтазорига.
Аввал атрофига разм солди тек,
Хаёли кетганди бадбўй дорига.
Ҳорғин кипригига чарчоқ ҳам инмай,
Ҳатто мусофирнинг ўзгарди туси.
Чаноқни олиб у ҳидларди тинмай,
Ҳолбуки, пахтанинг йўқ эрур иси.

2015 йил 9 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕЛЕФОН СУҲБАТЛАРИ

Ҳар замоннинг ташвиқоти бор,
Ҳар давроннинг тарғиботи бор.
Ер юзида турли қитъалар,
Тўрт тарафга муштин ўқталар.
Кўришмасдан бир-бири билан,
Яшайдилар ўз сири билан.
Сиёсат ҳам телефон, аммо,
Важоҳат ҳам телефон, аммо.
Буни қаранг, ўтиб замонлар,
Ерга тушди кўкдан давронлар.
Қолишмасдан президентлардан,
Ошиб уммон, ошиб кентлардан.
Гаплашади оддий одамлар,
Отамлашар хоҳлаган дамлар.
Нью-Йоркка учганди куёв,
Келин пошшо сим қоқди дарров:
– Бордингизми? Нечук ҳолингиз?
Буюмларга қараб олингиз.
Нарсаларнинг бари етибди,
Кўк галстук қолиб кетибди.
Куёв дейди: – Келдим, жуда соз,
Уммон узра айладик парвоз.
Мени ўйлаб, бўлмангиз диққат,
Етишмайсиз ўзингиз фақат.
Давом этар суҳбатлар шундоқ,
Шамол тинар, у тинмас бироқ.
Дипломатлар, бир гапни туйинг,
Одамларни ҳолига қўйинг.
Бўлсин майли турфа фуқаро,
Тил топишар улар ўзаро.

2015 йил 10 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОРЗУ

Набираларимга

Илм олаётган коракўз ўғлон,
Ҳали сен бўлгайсан минг қўшчига бош.
Эртанги кунингни ўйлаган замон,
Қувончдан келади кўзларимга ёш.
Ҳали сен элингнинг корига яраб,
Тарихда энг тоза сўзлар айтурсан.
Эҳтимол, замоннинг зайлига қараб,
Юртингга Беруний бўлиб қайтурсан.
Балки Сино каби ҳар қайда суюк,
Аллома бўлгайсан, ҳалол ҳамда пок.
Гарчи дунёмизда зотлар кўп буюк,
Лекин доим ноёб илоҳий идрок.
Мунис ота-онанг қилгудек фахр,
Кўзингда даҳолик уриб турсин барқ.
Боболар машъали ўчмаган ахир,
Сизга интизордир десам бўлгай Шарқ.
Мозий саҳросида кезди аждодлар,
Гоҳида ғолибу гоҳи саргардон.
Орзу қилар эдик, зора авлодлар,
Яна бизлар учун келтирсалар шон.
Мудом инсонийлик энг улуғ хислат,
Узукка қўйилган ёқут бир кўздек.
Десинлар, ўстирган халқингга раҳмат,
Десинлар, шу йигит ҳақиқий ўзбек.

2015 йил 11 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНСОН ҲИМОЯСИ

Техасда бор экан ажиб бир орол,
Одамлар яшаркан бериб қўлга қўл.
Лекин ким камситса уларни, дарҳол
Жарима тўларкан, анчагина мўл[1].
Мен бундоқ қонунни эшитдим илк бор,
Унга бўйсунаркан шоҳ ҳам, гадо ҳам.
Айбдорнинг қутулиб кетмоғи душвор,
Нарёғи, жиноят томон бир қадам.
Гоҳ эллар кечмишин оламан ёдга,
Нақадар аянчли, машъум нақадар.
Қайдадир бандалар келиб ҳаётга,
Бир умр камситиш домида яшар.
Кўчанинг боласи, тирранча, саёқ,
Ўзини тутади киборларга хос.
Мўйсафид деҳқонни кўрган ондаёқ,
Қишлоқи чол, дея таҳқирлаши рост.
Бу иллат ер юзин қопламиш ёмон,
Ҳеч ким парво қилмас бундайин ҳолга.
Улар йўли тушиб Техасга томон,
Келиб кетсайдилар ўша оролга.

2015 йил 11 август

[1] Техас штатининг бир оролида, маҳаллий аҳолини ҳақорат қилган кимса қонун бўйича жуда катта жарима тўлар экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕГОНА ОДАМ

(Эсдаликлардан)

Саҳро қўйнидаги тап-тақир қирлар,
Сокин, осойишта, мўъжаз бир қишлоқ.
Тарқалиб қоларди шивир-шивирлар,
Мусофир йўловчи келганда бироқ.
Дерди, бир-бирига одамлар мубҳам:
– Қишлоқда юрибди бегона одам.
У қайдан келмишдир? Балки, эҳтимол
Уйидан бош олиб кетган қаландар.
Ўғридир, каззобдир, молингга завол,
Ё жонни олгувчи ажалдан баттар.
Ишқилиб, бўлмасин ёвуз, шум қадам:
– Қишлоқда юрибди бегона одам.
Бир вақтлар келарди айғоқчи меҳмон,
Ҳамманинг бисотин рўйхат қиларди.
Қанчалаб шўрликни айлаб қатағон,
Қайга жўнатишни ўзи биларди.
Ёш-қари боқарди атрофга пурғам:
– Қишлоқда юрибди бегона одам.
Элу юрт қолганди қўрқиб, безиллаб,
Йўлда кўтарилган чангдан ҳадик бор.
Яшарди юраги мудом сизиллаб,
Ўлиб ўлмаганди, тириклайин хор.
Очма эшигингни, Хизр келса ҳам:
– Қишлоқда юрибди бегона одам.
Сен мендан хавотир олма, қишлоғим,
Мен ҳам ўзинг каби озурда жонман.
Тикандан тилиниб кетган ҳар ёғим,
Туғилган гўшамсан, сенга меҳмонман.
Демагин шу лаҳза, демагин шу дам:
– Қишлоқда юрибди бегона одам.

2015 йил 12август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ КЕЧИНМАЛАРИ

Умрим қиёмига етган чоғида,
Қўғирчоқ ўйинин кўрсатма менга.
Шуҳратинг балқса ҳам Олимп тоғида,
Ўзингни ҳурмат қил, ўргатма менга.
Турфа вазиятда яшайди инсон,
Кимдир ватанда ҳам юргайдир сарсон.
Ниятинг соф бўлса, пок бўлса виждон,
Ўзингни ҳурмат қил, ўргатма менга.
Неча савдоларни кўрди бу бошим,
Гоҳо заҳарларга қотилди ошим.
Оқди халқим десам кўзимдан ёшим,
Ўзингни ҳурмат қил, ўргатма менга.
Замин бир ва лекин одамлар ҳар хил,
Мен озор беришни истамайман, бил.
Шундоқ шиква билан яралмиш кўнгил,
Ўзингни ҳурмат қил, ўргатма менга.
Бир сабаб бўлдию дилимни очдим,
Дунёга ўзимча меҳрлар сочдим.
Талотўп жойлардан минг фарсаҳ кочдим,
Ўзингни ҳурмат қил, ўргатма менга.
Қалбимни юпатар азиз бир туйғу,
Шошилма, олдинда уйқу бор мангу.
Ҳаётнинг мардона кечинмаси бу,
Ўзингни ҳурмат қил, ўргатма менга.
Юзларга киргайман мен ҳали, валлоҳ,
Ундан нарёғин ҳам билгайдир Аллоҳ.
Эсласа эслайди халқим, иншоллоҳ,
Ўзингни ҳурмат қил, ўргатма менга.

2015 йил 12 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОШ

Каттакон қозонда пиширдик палов,
Тун бўйи тинмади ўчоқда олов.
Тонг отай деганда дамланди-ку ош,
Қозонни қуршаб биз бўлдик кўзу қош.
Ва лекин бир кимса, дилимиз ғашлаб,
Қочди қурбақани қозонга ташлаб.
Нима бўлса бўлди, кўрдик биз баҳам,
Кетмасди хаёлдан лекин бақа ҳам.

2015 йил 12 август

МУЛК

Олинг, ҳамма нарса Сизники бўлсин,
Суви қочиб кетган қудуқ ҳам ҳатто.
Сизнинг мулкингиз бу, кўнглингиз тўлсин,
Қишлоқнинг қирчанғи отигача то.
Ҳаддимиз сиғарми сиздаги зарга,
Жарангги олдида ўчгай унимиз.
Лекин парво қилманг, набираларга
Қоровуллик қилиб ўтгай кунимиз.

2015 йил 13 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

РУҲЛАР

(Ҳазил)

Руҳлар ҳамма жойда ҳозир бўлганлар,
Бу ҳолни тириклар яхши билганлар.
Муттасил тушимга киришар, ажаб,
Улар қайси рейсда учиб келганлар.

2015 йил 14 август

ЁЛЧИШ

Магар тайин бўлса бировга жазо,
Майдонга тўп каби оширманг уни.
Балки дилида бор сўнгги муддао,
Дуч келган кимсага топширманг уни.
Яхши-ку, жаллоди бўлса гар одам,
Ачинса маҳкумга майли сўнгги дам.
Барибир, кетажак у қурбон пурғам,
Дуч келган кимсага топширманг уни.
Қашқирдай ёвузлар бисёр-ку ахир,
Оғиз-бурунлари қон билан тахир.
Тирикни тириклай айлагай таҳқир,
Дуч келган кимсага топширманг уни.
Афсуски, зулмга бўлдик кўп ҳамроҳ,
Гумроҳнинг ёнида юрган ҳам гумроҳ.
Инсон туғилса ҳам қайта баногоҳ,
Дуч келган кимсага топширманг уни.
Одамзод мардликни қилмасин канда,
Пичоғин чархлар-ку ҳеч бўлмаганда.
Қўйинг, жаллодга ҳам ёлчисин банда,
Дуч келган кимсага топширманг уни.

2015 йил 14 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕҲРЛИ ДИЁР

Осмондан қарама,
Ердан қарама,
Одамдек назар сол сен бу диёрга.
Унинг корларига майли ярама,
Тош ҳам отиб юрма лекин бекорга.
Уни ким кашф этган? Тортишмасдан тур,
Ҳар ҳолда, падари Ҳазрати Одам.
Арши аълодаги ялт этган бир нур
Етиб ортмасмикан барчамизга ҳам.
Одамзод шундоқдир: шовқиндан қўрқса,
Илондан сўраркан: – Нега сен жимсан?
Нега филсан, деркан гар филни кўрса,
Чумолига қараб айтаркан: – Кимсан?
Бир-бирин етаклаб келгай карвонлар,
Сафари тинч ўтса, шунинг ўзи бас.
Комил бўла олса агар инсонлар,
Низолар бартараф, иғволар абас.
Асло ўргатмасман бировга ақл,
Мутлоқ меникидир қўлдаги созим.
Ҳозир Сизга атаб айтилган нақл,
Менинг залдан туриб берган овозим.

2015 йил 14 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИ АСР МЎЪЖИЗАЛАРИ

Қизим Мавлудага

Фалак гардишдирми, гардиш эмасми,
Мени бу савдолар қизиқтирмас кўп.
Инсоний саодат етарми, басми,
Демакким, толенинг этагидан ўп.
Бу шундоқ асрдир, қоққунча киприк
Овозинг янграгай сайёраларда.
Юз йил режа тузиб, солгунча кўприк,
Юлдузга етгайсан тайёраларда.
Бир қултум сувингни ютиб, ютмасдан,
Нафасинг боргайдир Тошкентга қадар.
Самолёт қўнишин кутиб, кутмасдан,
Ошни сузгаймиз, деб бергайлар хабар.
Хотиринг жам бўлсин, энди одамзод
Қайта кириб олмас эски ғорига.
Агарда Аллоҳим айласа имдод,
Бергай осмонларни ихтиёрига.
Башарнинг мулкидир замин, ҳойнаҳой,
Кимгадир аталган томорқа эмас.
Хонангга сиғмайди қуёш билан ой,
Харобот узра ҳам порлайверар, бас.
Ўтган даврларнинг асоратлари
Кўзиккан ярадай битиб кетгайдир.
Иншоллоҳ, энг олий муродлар сари
Ўзбек аёли ҳам бориб етгайдир.
Мен фахр қилурман, ҳақ айлаб назар,
Сенга ҳам юз буриб турибди олам.
Улуғ аждодларни эсласанг ҳам гар,
Бахтлиман, дейишга ҳаққинг бор, болам.
Жажжи фарзандларинг ўзи бир давлат,
Ҳалол жуфтинг билан давронингни сур.
Дейман, она қизим, қалбингда фақат
Ҳеч қачон сўнмасин Ватан деган нур.

2015 йил 15 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОҚ КИШМИШ

Дўконда сўрайман: – Борми оқ кишмиш?
Дунёда мен севган энг ширин неъмат.
Ўзбеклар юртида ҳозир ғарқ пишмиш,
Самарқанд ёқларда учрайди фақат.
Олис Америқонинг Хьюстонида
Мен уни кўрдиму лол қотдим ҳатто.
Асли файз шу элнинг дастурхонида,
Бизлар ўйлагандек тор эмас дунё.
Бежиз фазогирлар тановул қилмас,
Тип-тиниқ каҳрабо, офтоб қатраси.
Ўзбек палови ҳам кишмишсиз бўлмас,
Ошга кўрк бергайдир майиз сараси.
Ўйламанг, кишмишдан шунчами ҳайрат,
Қайсидир юртларда балки у хордир.
Мен эса завқланиб кетаман ҳар вақт,
Аллоҳнинг неъмати ҳар қайда бордир.
Гўё анор каби думалоқ олам,
Унутинг торликни, кибрни, ранжни.
Ахир қувонмасми америқолик ҳам,
Олой бозорида кўрса оранжни.

2015 йил 15 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕОЗОР КИБР

Кибру ҳақоратнинг хиллари бисёр,
Ҳатто кўринишдан жим ва беозор.
Кўнсангиз шудир, деб юз қадам йўлни
Уч кунда босувчи кимсалар ҳам бор.

2015 йил 15 август

БАҲО

Адашармиз майли гоҳо биз,
Беражакмиз холис баҳо биз.
Ярим дунё қичқирар лекин:
– Асл даҳо, асл даҳо – биз!

2015 йил 16 август

ҲАЁТ ДАРСЛАРИДАН

Одамзод қавмига кирмас ётларни
Тағин таклиф этиб, даврангга қўшма.
Бу икки оёқли манфур зотларни
Кўп ҳам эркалатма, олдига тушма.
Кўзида маъно йўқ, маймунга ўхшаш
Кас улар, ўтказма уйинг тўрига.
Магар манфаати келмаса тўқнаш,
Ғишт қалаб кетади отанг гўрига.

2015 йил 16 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНСОН УЧУН ЖАНГ

Тулпор эдинг, ҳаммадан ўзган,
Таладилар қашқирлар ёмон.
Наҳанг эдинг, уммонда сузган,
Найза санчди ёвлар беомон.
Ботир эдинг, шонларга тўлиқ,
Чоҳ қаздилар оёқ остингда.
Сен донишманд зот эдинг, улуғ,
Нодон юрди мудом қасдингда.
Бўлиб ўтди Инсон учун жанг,
Асоратин билолмассизлар.
Ҳали йиллар ўтади, аттанг,
Ўзингизга келолмассизлар.

2015 йил 16 август

ЁШЛИК

Йўл четида,
Дарё бўйида,
Турар эдим асо таяниб.
Ҳаёт исин туймоқ ўйида,
Дунёларга боқсам, деб қониб.
Ўша маҳал узоқ-узоқдан
Кўринди-ку бир гуруҳ шодмон.
Келмоқдайди ёшлар у ёқдан,
Ўйин-кулги авжида чунон.
Ўтишдилар, гувоҳдир кўзим,
Мени соғинч туйғуси енгди.
Қолдиммикан туманда ўзим,
Ёки улар туманга сингди.

2015 йил 16 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒАШЛИК

Ҳаётимда нимадир қилсам,
Хонадоним бўлса ё обод.
Сен билмаган неники билсам,
Ғашинг келди менга умрбод.
Тонгда туриб уйқусиз, нолон,
Дарвозамга боқурсан гирён.
Бугун йўқлар қанақа меҳмон,
Ғашинг келди менга умрбод.
Ҳайитларни нишонлай қолсам,
Болаларга ҳадялар олсам,
Чалпак ҳидин сезсанг ҳам шу дам,
Ғашинг келди менга умрбод.
Дўстларим бор дунёлар қадар,
Чўктирмаслар кўнглимга кадар.
Саломлашса улар ҳам магар,
Ғашинг келди менга умрбод.
Юрагимни дард қилса пора,
Роса кутдинг кетгай, деб зора.
Бошқа ишинг йўқми, бечора,
Ғашинг келди менга умрбод.
Узоқ умр кўрсам ҳам ҳатто,
Сўнг этсалар ҳурматим бажо.
Куйсанг керак Маҳшаргача то,
Ғашинг келди менга умрбод.

2015 йил 16 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГЎРКОВЛАР ҚЎШИҒИ

Қабристонга, демангиз, тирик келди, ёр-ёр,
Қувонтириб бизларни, ўлик келди, ёр-ёр.

Ёпиб қўйиб устига чопонини, ёр-ёр,
Ечинтириб оламиз кафанини, ёр-ёр.

Шу тариқа ёмонни тиғлаймиз ҳам, ёр-ёр,
Яхшиларни кўмганда, йиғлаймиз ҳам, ёр-ёр.

2015 йил 16 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУЛЛА ВА БЕМОР

Чилёсин ўқирди беморга мулла,
Бемор иссиғидан ёниб, жўшарди.
Суф, деса танига кириб ғулғула,
Безгак тутган каби, сапчиб тушарди.
Мулла чарчамади тонгга қадар то,
Ҳа, қадим дунёнинг синоати кўп.
Қултум сув гоҳида бўларкан шифо,
Нишолда ковлар-ку оддийгина чўп.
Нима десангиз ҳам, кушойиш аён,
Бемор юзин бурди берига қараб.
Майда-чуйда гаплар кетмас бундай он,
Муллага шарафдир, беморга шараф!
Қурбонлик қилдилар қора қўчқорни,
Кириб-чиқиб юрди амма – холалар.
Мулла қўлдан бермай турар виқорни,
Мўъжиза кўргандек хурсанд болалар.
Бу гаплар бировга келмайди малол,
Ширин ҳам эмасдир, эмасдир тахир.
Бир гўдак юз марта йиқилиб, алҳол,
Ўрнидан юз карра тургайдир, ахир.
Асли сир қаёқда? Билмасди ҳеч ким,
Ёғли шўрвада ҳам балки ҳикмат бор.
Бемор бирдан деди: – Маъради эчким,
Ўшани тушовлаб келмоғим даркор.

2015 йил 17 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТА-ЎҒИЛ ТОРТИШУВИ

Ота-ўғил тортишарди Маҳшар куни,
Қоғозга ҳам ёзиб бўлмас ҳатто буни.
Ота дерди: – Гўдакликдан сени боқдим,
Байрамларда ўйинчоқлар этдим тақдим.
Еган барча овқатларинг ҳисоби бор,
Рўйхат қилиб қўйганман мен, сен – қарздор!
Ўғил дерди: – Мен уларни узгум албат,
Маҳшар куни берса бўлди имконият.
Бироқ, Сизнинг гуноҳингиз ғоят катта,
Каллангизни узишса ҳам оз, албатта.
Қилмишингиз кўриб, билиб ўлтиргансиз,
Мени ёлғон шу дунёга келтиргансиз.

2015 йил 17 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

САФАРДОШ

Сен билан заминни кезардим албат,
Баҳам кўрар эдим мушкул чоғларни.
Фақат чиқиб қолар ғалати ҳолат,
– Бу нима? – дер эдинг, юксак тоғларни.
Сен билан баҳрга бурар эдим юз,
Денгизлар қўйнида урардим жавлон.
Фақат қўрқаманки, бошлар эдинг сўз:
– Нима дегани у, денгиз ва уммон?
Сен билан ўтардим саҳролар оша,
Офтобда қорайиб, қизартириб тан.
Фақат барчасини қилгач томоша,
– Бу қандай кўргилик? – дердинг дафъатан.
Бахт деган туйғу бор оламда тансиқ,
Балки излар эдик биз уни узоқ.
Бахтни мен ўзим ҳам билмайман аниқ,
– У қандай емишдир? – дердинг сен, бироқ.
Охири қайтардик, йўл босиб тинмай,
Кимсасиз, бенаво, ғариб ўлкангга.
Ҳафсаланг пир бўлиб, энди бутунлай
Кириб кетар эдинг мўъжаз кулбангга.

2015 йил 17 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

РУҲ

Менинг ишим йўқдир бу дунё билан,
Менинг ишим йўқдир у дунё билан.
Яхши-ёмон нима? Дардим йўқ асло,
Улар бир пўчоққа бўлғусидир жо.
Мен на тирик тараф, на ўлик тараф,
Улардан руҳимга борми бирор наф?
Майли, мен ҳақимда эртаклар тўқи,
Фақат, вақтинг бўлса, шеъримни ўқи.

2015 йил 17 август

ЁЛҒОНЧИ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Балки кўрдим мен узоқ умр,
Кўп нарсадан чарчадим, нетай.
Бошим эгиб, сўрайман узр,
Ёлғон айтма, садағанг кетай.
Яширайин кемтикларингни,
Артиб кўяй этикларингни.
Йўқот ўша ўтрикларингни,
Ёлғон айтма, садағанг кетай.
Шу чиқдими камтарин жондан,
Шайтонликда ўтдинг шайтондан.
Худодан қўрқ, қўрққин иймондан,
Ёлғон айтма, садағанг кетай.
Дейсан, ўйнаб, кулган мен – ўзим,
Роса кучга тўлган мен – ўзим.
Ким бўлсам ҳам бўлган мен – ўзим,
Ёлғон айтма, садағанг кетай.
Эслайсанми, ёшлик паллангни,
Айтолмасдинг ҳатто яллангни.
Ишлатдилар қовоқ каллангни,
Ёлғон айтма, садағанг кетай.
Одамзодга лойиқ ишни қил,
Бордир сендан бошқалар ҳам, бил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нслар демас суяксиз бу тил,
Ёлғон айтма, садағанг кстай.
Икки дунё бўлмассан обод,
Сен соғларнинг белидаги бод.
Кслтиргайсан ҳар жойда иснод,
Ёлғон айтма, садағанг кстай.

2015 йил 18 август

ҚАЛҚОН

Ҳаётда беморнинг ўзидан кўра,
Унинг боқувчиси тортгай кўп азоб.
Буни рафикамдан яхшиси сўра,
Бунга ҳамшира қиз бергайдир жавоб.
Дўсту ёронлар-ку тинмай эрта-кеч,
Сенга ҳаёт тилаб қилурлар дуо.
Уни такрор этиб, чарчамаслар ҳеч,
Миллиард мартабали муслим ҳам ҳатто.
Мен ҳайрон қоламан, ҳар бало келса
Доимо дуони қилганлар калқон.
Наҳот, зулм охир тантана қилса,
Наҳот, қарғиш унга ўтмас ҳеч қачон.
Оламда кўрмадим жумбоқ бу қадар,
Оддий ҳол ва лекин теран шунчалик:
Дунё табибларин йиғсанг ҳам агар,
Бўлгайми ўша бир ҳамширачалик.
Кулфатнинг эшиги ёпилмас нечун,
Чалкашиб кетгандир турфа муддао.
Қўйинг яхшиларни, ёмонлар учун
Инсоф берсин, дея қилингиз дуо.
Гардун айланади Инсон бошида,
Лекин, мартабаси ҳамиша кушод.
Ёвузлик олдида, Иблис қошида
Тор-мор бўлмаслиги шартдир, одамзод.

2015 йил 18 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

АБАДИЙ ЖАРАЁН

Ажабо, уммоннинг бағридан кетиб,
Уммонга қайтадан ёғади ёмғир.
Гўё ҳисларим ҳам мени тарк этиб,
Бошқатдан қуйилар қоғозга охир.
Борлиқ аввал бошдан яралмиш шундоқ,
Мисоли шамол ва сукут аралаш.
Ойнинг ёғдусида бир юзи оппоқ,
Бир юзи қорайган девларга ўхшаш.
Бахтни ваъда қилди тақдир бир замон,
Қулфатни юборди ўрнига аммо.
Баҳорда насимни кутгандим шодон,
Афсус, изғиринни кўрдилар раво.
Дўстларинг кўп бўлар, дея мулойим,
Башорат қилганди лўли қиз бир вакт.
Аттанг, кечикдилар дўстлар ҳам доим,
Садоқат эшигин қоқди хиёнат.
Улуғ ҳодисотлар юз бергай бари
Ёлғиз Худойимнинг ҳукмига кўра.
Хаёлим кетади асрлар сари,
Орзу қилмоқликдан толмасман сира.
Ҳозир-чи, тентирар саргардон бу рух,
Ҳозир-чи, оламда шунақа ишлар.
Фақат режасини бузмагай андух,
Фақат ўз вақтида келгай ташвишлар.

2015 йил 19 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУВОФИҚЛИК

Ғоят ранг-барангдир иши оламнинг,
Мувофиқ келмагай йўқ билан бори.
Жуда оғир гапдир, икки одамнинг
Гар тўғри келмаса феъли атвори.
Бирови иссиққа ўзини урар,
Лекин шеригига ёқар қаҳратон.
Виждони қошида улар тенг турар,
Санар иккиси ҳам ўзин қаҳрамон.
Турфа эл босгандир чексиз дунёни,
Унда ёлғиз бир кас юрмаслиги рост.
Бириси танганинг олдги томони,
Бошқаси ўшанинг орқаси, холос.
Илтижо айладим дунёга келиб,
Илоё, бергин сен лойиқ суҳбатдош.
Яшайин ҳар қайда ўзимни билиб,
Топилсин мени ҳам англовчи йўлдош.
Тўрт қавм туну кун тортишар, ажаб,
Аслида йиғилган узум егани.
Палахмон отишар йўқликка қараб,
Азиз-ку энг аввал Инсон дегани.
Тафаккур чиқажак охири ғолиб,
Ўрин қолмагайдир нозга, фироққа.
Фақат, тушунганлар йўргаклаб олиб,
Фақат, тушунганлар қўйсин тупроққа.

2015 йил 19 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАҚТАНГ, АМАКИ

Бировнинг эркатой боласи бу ҳам,
Ҳали қитмирликнинг маънисин билмас.
Шу митти бандангга раҳм этгин, эгам,
Унинг қилиқларин ҳазм этиб бўлмас.

Кимдир қофияни ўргатмиш атай,
Қўлида бир тўп шеър, ғализ, хомаки.
Эшикни тирнаган мушукваччадай
Овоз чиқаради: – Мақтанг, амаки.

2015 йил 19 август

КЎЗЛАР

Дунёда энг ноёб, энг тансиқ сўздек
Битта каломимни айтаман сенга.
Ўзбекистон десам, десам гар ўзбек,
Иккита қоракўз кўринар менга.
Мисоли оловдек ўтли бир нигоҳ,
Асрлар қаридан боқар жавдираб.
Кўрса, беҳуш бўлиб Лайли ҳам ногоҳ,
Мажнун ҳам кетарди даштга довдираб.
Бу кўзлар шодликдан, ғамдан зиёда,
Унда пок юраклар ўқурлар ваҳий.
Маъносиз назарлар тўлиқ дунёда,
Бу кўзлар илоҳий, чиндан илоҳий.

2015 йил 20 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАФАККУР МАДҲИ

Беруний шаънига йўқ асло таъриф,
Колумб ҳам даврига ярашган кўздек.
Бироқ ҳанузгача қалам кўтариб,
Ўзича келмаган бу жойга ўзбек.
Сирли юрт санчиқдай берганди азоб,
Шўронинг кибрли салтанатига.
Дердилар, бормангиз, бўлгайсиз хароб,
Буржуйнинг чириган мамлакатига.
Магар келса ҳамки бирорта сайёх,
Ёзғириб ёзарди етганча кучи.
Эмишки, кўчалар тўла оҳу вох,
Машаққат карвонин кўринмас учи.
Гўё пайқашмади ғалабани соф,
Армстронг ой узра кўйганда қадам.
Ё фалак, бандангда борми ҳеч инсоф,
Шунчалар ҳасадгўй бўларми одам.
Эплай олмаган у ўзини асло,
Бутлаб ҳам бермаган бировнинг камин.
Шу боис, дунёда тўхтамас ғавғо,
Шу боис, ўнгланмас шўрлик бу замин.
Ва лекин ўзбекка тафаккурдир зеб,
Маърифат меросдир чунки конида.
Агар керак бўлса, илму фанни деб
Тўй берар Самарқанд Регистонида.

2015 йил 20 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОҚЛОВЧИ

Оқловчилик қилади котиб,
Кўпчиликдан қилманг, дер гина.
Ёмонларни бўлдик йўқотиб,
Қолганлари уч-тўрттагина.
Учраб турар балки бюрократ,
У ҳам юрар ўртадагина.
Порахўр-ку арзимас иллат,
Борлари ҳам уч-тўрттагина.
Сиз ваҳима қилманг, эй шоир,
Йўлингизда йўқолса зина.
Гап чиқарманг уларга доир,
Безори ҳам уч-тўрттагина.

2015 йил 21 август

ТАВСИЯ

Менга турли юмуш ёқавермас, бас,
Майли, айтиб қўяй дилда ниятни:
Сенга салом бериш вазифам эмас,
Олмаганман бундоқ мажбуриятни.
Майлига, аҳволим бўлса ҳамки танг,
Майли, ҳайъатингга қўймагин сайлаб.
Умримнинг қоқ ярмин ўтказдим, аттанг,
Ҳар хил кимсаларга такаллуф айлаб.
Сохталик жонимга теккан шу қадар,
Менга тинчлигим бер, оромимни бер.
Кўчада нима кўп – тош кўп, биродар,
Яхшиси, боргину ўшаларни тер.

2015 йил 21 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒУРУР

Ғорнинг ичида ё қудуқ тубида,
Айтма ашулангни, қилмагин пастлик.
Ақчанг мўллигида, пулинг кўпида,
Сенга тўғри келмас латтапарастлик.
Бозорга кирдингми, жоноқи қолиб,
Харидор бўлмагин эшак олмага.
Назаринг баланд қил, ҳимматинг ғолиб,
Бўз кўйлак ярашмас сочи толмага.
Қул сўзи ортиқдир ўзбекка энди,
Исмингдан бу тубан қўшимчани от.
Қай бир дам камолот отига минди –
Ҳатто чумоли ҳам чиқазди қанот.
Олам вакиллари жам бўлган фурсат,
Гуноҳ иш қилгандек, юрма қисиниб.
Кимлардир сендан ҳам олсинлар ибрат,
Оловинг тафтида турсин исиниб.
Ахир бир замонлар Соҳибқироннинг
Теграсин ўраган эллар, бўлиб ёй.
Удуми яшайди ҳар бир давроннинг,
Мисоли сойларга оққан каби сой.
Мен-ку умр кўрдим, айтмасдан бир сўз,
Дуч келган кимсани сизлаб ўтганман.
Олис шуҳратимдан узолмасдан кўз,
Кетган ғуруримни излаб ўтганман.

2015 йил 22 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭВЕРЕСТ ВА УММОН

Эверест тоғида яшар бир одам
Ва Баҳри Муҳитнинг энг тубида ҳам.
Чўққида турган у, албатта, сенсан,
Уммон остидаги, шубҳасиз, менман.
Асло қўлим етмас юксак поянгга,
Эверест аталмиш баланд қоянгга.
Лекин сен тўхтовсиз тошлар отгайсан,
Мудом камситувчи сўзлар қотгайсан.
Бир вақтлар дердилар: – Инсоф, Виждон бор,
Минг афсус, бори ҳам ғариб ва ночор.

2015 йил 25 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЛИС ҚИРЛАР СОҒИНЧИ

Сен жимгина ўтиргин, Ҳасан,
Ҳусан, сен ҳам сўз дема зинҳор.
Бетакаллуф бўлсанг бўларсан,
Илтифотга эмас булар зор.
Исмига ҳам ...вичларни қўшиб,
Айтишларинг жуда ғалати.
Булар ҳали осмондан тушиб,
Беланмаган лойларга пати.
Худо ҳаки, олифта бир сўз
Барчасига масхарадай гап.
Қуёш чиқса очадилар кўз,
Ой ботганда қолурлар ухлаб.
Мол-дунёси кўпайган дамлар
Тўй қилади, берар кўпкари.
Тўйиб еса бўлди одамлар,
Мардлик эрур топган пирлари.
Ўзи эга бепоён қирга,
Ҳавас билан боқурман такрор.
Кўз қисарлар бахши шоирга:
– Айт-чи, жўра, қанча қўйинг бор?

2015 йил 25 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАТАНПАРВАР

Мен илғор лекторман ҳозир ғоятда,
Мени келажакка ғайратим бошлар.
Ватанпарвар бўлгай ярим соатда,
Менинг маърузамни тинглаган ёшлар.
Тонгдан савол қўяр катта набирам,
Формага ўраган миқти савлатни.
Дейди, чиқишим бор, долзарб жуда ҳам,
Бобо, сўкиб беринг бирор давлатни.
Сал ўтмай киради набира қизим,
Лицейнинг олдидир, қувноқ, сухандон.
Дейди, семинарда бор мухим сўзим,
Душман топиб беринг менга, бобожон.
Қўймас ҳеч мен каби бир кўнгли бўшни,
Ҳамсоям доим маст, юради аранг.
Дейди, ювмаймизми ўрисни, қўшни,
Ракетаси қулаб тушибди, қаранг.
Хабарлар тарқайди йилдиримсимон,
Ўсал ётган эмиш араб подшоси.
Қандайдир мўғулни чақибди илон,
Элга уйқу бермас шулар ғавғоси.
О, сен – майдакашлик, о, эски ҳамдам,
Мени қора замин қаърига отгин.
Сенга бўлгунимча бир зум ҳамқадам,
Мени бу дунёдан майли йўқотгин.
Айтгин, ниманг қолди ўзи мукаррам,
Туну кун очгайсан ёлғон фолингни.
Ҳануз хаёлпараст, ҳануз биринг кам,
Билмайсан, ўзингнинг ҳасби ҳолингни.
Буюклик камарин белингга илиб,
Назар сол, тарихнинг ўнг-сўлларига.
Бир нўён Темурбек қошига келиб,
Қирқ йил киролмабди қабулларига.
Сен ҳам қалам тортиб, керак бўлса гар,
Иншо қилиб юбор Ғарбни ва Шарқни.
Ҳамонки, улуғлик бўлмиш муяссар,
Раво кўраверма ҳар кимга шарҳни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Битта чўғни топиб, машъала дея
Айюҳаннос кўтармоқ бизга хос эмас.
Кимки Афлотундан олмиш тарбия,
Алдар Кўсани у устозим демас.
Лекин мен ушбу кун лекторман, тайин,
Эсга солманг ўтган салтанатларни.
Яхшиси, мен сизга топиб берайин,
Майда-чуйда, ҳар хил мамлакатларни.

2015 йил 25 август

«ОЗОДЛИК»

Озодлик дегани – эгрилик эмас,
Қилган қилмишларинг тўғрилик эмас.
Ошинг ҳалол бўлса кўчада ичгин,
Мусулмоннинг иши ўғрилик эмас.

2015 йил 26 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎТГАН ТАРИХЛАР

Сўйлайин ажойиб воқеотлардан,
Азиз авлиёлар, ўтган зотлардан.
Яхлит бўшлиқ экан олам бир замон,
Яъниким, аралаш замин ва осмон.
Бўлган на тартибот, на ўй, на ният,
Таги билан йўқдир ўзи жамият.
Тўрт-бешта қароқчи юрган қўрқитиб,
Ўтган-кетганларни талаб, ҳуркитиб.
Арз қилай десалар подшолари йўқ,
Ҳатто арзигулик гадолари йўқ.
Сайраб юрар экан бир қушча хушҳол,
Сўйиб ейишганлар уни ҳам дарҳол.
Охир ёлвордилар йиғлаб Худога,
Қулоқ солгин, дея бизнинг нидога.
Яратган яратди сўнгра бир давлат,
Риоя қилинг, деб қонунга фақат.
Мудом эзгуликка айлангиз амал,
Балки бўлажаксиз етук, мукаммал.
Оҳ, нечоғ гўзалдир орзу ва армон,
Комил бўлолмади ва лекин Инсон.
Асло аримади ғам-ташвишлари,
Энди рухсат билан битгай ишлари.

2015 йил 26 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА

Икки гуруҳ бордир асли дунёда,
Бировининг оти Яловчилардир.
Лекин фаолликда ундан зиёда,
Иккинчисин оти Таловчилардир.
Биринчиси бўлса, туну кун ётиб,
Хожасин оёғу кетин ялайди.
Иккинчиси эса, ҳужжат кўрсатиб,
Куппа-кундуз куни сени талайди.
Қанча фиръавнлар келиб кетмаган,
Ер юзин қақшатган қанчалар хоқон.
Ва лекин уларга кучи етмаган,
Балки киши билмас, қўллаган пинҳон.
Мен-ку ёқтирмасман ғалвани асло,
Эҳтимол, ҳаётда йўқ каму кўстим.
Ҳақсизлик балосин кўрганда, аммо
Юрагим эзилиб кетади, дўстим.
Бир умр соғиниб ўтдим зиёни,
Бандидек мен унга талпиндим, бўзлаб.
Ёруғ кўрай, дедим шу тунд дунёни,
Мудҳиш совуқларда қолсам ҳам музлаб.

2015 йил 27 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУЮК САБР

Балки инсондирсан оддий ва камтар,
Балки саркардасан – жангларда ҳодий.
Бировни яккалаб, камситсанг агар,
Лаънатлар айтурман сенга абадий.
Билиб қўй, Аллоҳнинг кенг даргоҳида
Шафқат бўлмагайдир кибрга асло.
Жойинг жаҳаннамнинг туби -чоҳида,
Ҳатто, Иблисга у кўрилмас раво.
Гоҳ ҳайрон қоламан дунёга қараб,
Тавба, деб ёқамни ушлайман бот-бот.
Бир умр маломат комида яшаб,
Ўзгариб қолмаган нечук одамзод?
Бу ҳолга чидамиш ботирлар нега,
Нега даф қилмаган ноҳақни ахир?
Наҳотки, эзгулик қолган беэга,
Наҳот, тирикликнинг ҳамроҳи таҳқир?
Англадик, раҳм этиб ўзи Худойим,
Аршларга кўтарди олий қадрни.
Қўллаб турсин дея ишончин доим,
Бизларга ўргатди буюк сабрни.

2015 йил 29 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАХШИЁНА

Шоир Усмон А

Усмон шоир, ёш бўлсанг ҳам
Қўллаб юбор,
Бахшиёна шеърга мени
Йўллаб юбор.
Бу дунёда нима кўпдир –
Ташбиҳ кўпдир,
Ажабтовур образларни
Мўллаб юбор.
Баъзи биров, сену менга
Қумсан дейди,
Мен гапирай, ўтирабер,
Жимсан дейди.
Устозни-ку назар-писанд
Қилмас улар,
Ўрни келса, отасига
Кимсан, дейди.
Йўлда ногоҳ учраб қолса
Бирор раҳбар,
Содиқ итдай эргашади
Балхга қадар.
Керак бўлса, кузатади
Ҳаммомгача,
Тиз чўкади, буйруғини
Берса агар.
Бой зотини кўрганда–ку
Учар ҳуши,
Қолиб кетар қариндошу
Тенгу тўши.
Дунё топган тентак каби
Қувонади,
Сарқитидан кўз узолмас
Кўнгил қуши.
Шоирман, деб чиққанларнинг
Ярми пўкдир,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хўрозчадай қичқиради,
Қорни тўқдир.
Рамазонда равган айтган
Болалардан,
Ўлай агар, тирноқча ҳам
Фарқи йўқдир.
Бир мактабда ҳаммамиз ҳам
Сабоқ олдик,
Ёлғон-яшиқ мақтовларни
Ишга солдик.
Во ажабо, илжайишиб,
Тиржайишиб,
Ўзимиз ҳам ўшаларга
Ўхшаб қолдик.
Усмон шоир, умрим ўтди,
Энди нетай,
Пайти келди, пушаймоним
Баён этай.
Энг яхшиси, Бойсун тоғдан
Бирор ғор топ,
Чориғимни судраб унга
Кириб кетай.

2015 йил 30 август

www.ziyouz.com kutubxonasi

АВГУСТ

Беармон суздим мен уммон бағрида,
Зериккан чоғимда набиралар дўст.
Олис Америконинг чет бир шаҳрида,
Хайр-хўш қиламан сен билан, Август.
Мевалар ғарқ пишган юртимда ҳозир,
Кундуз жазирама, салқиндир тунлар.
Ишкомлар ҳосилин кўтаргай базўр,
Тугаб кетгандир ҳам гурвак қовунлар.
Мен бугун мусофир, саргашта сайёҳ,
Балки қумлоқларга сингмиш сўзларим.
Сен ҳам соғиндингми, эй она даргоҳ,
Мени кутгайсизми, хумор кўзларим.
Ватандан йироқда кечди кўп дамлар,
Байтларим ўхшади кўприкларимга.
Дўрмон боғларида тоза шабнамлар,
Қўниб турган каби киприкларимга.
Мана, оқшом тушди уммонга аста,
Олис самоларда юлдузлар бодроқ.
Шундоқ жўш уради Жайхун ҳам пастда,
Саҳро қўйнига ҳам тун чўкар шундоқ.
Рахмат, қўймадинг сен мени толдириб,
Август, ҳали сенга шеърлар битурман.
Қалбимнинг бир қисмин бунда қолдириб,
Юртга сиҳатимни олиб кетурман.

2015 йил август

www.ziyouz.com kutubxonasi

УММОН БЎЙИДАГИ ЎЙЛАР

Уммон соҳилида кезаман бедор,
Тонг қолиб Тангрининг мўъжизасига.
Қулоғим тутаман такрор ва такрор,
Ҳаётнинг абадий, ўлмас сасига.

Эзгу дийдор учун айтаман раҳмат,
Мавжларга қўшилиб кетади сўзим.
Тутган бир қўлимдан куёвим Аҳмад,
Бир қўлимдан эса Мавлуда қизим.

Шукурлар дейману кўзим ёшлайман,
Жажжи набиралар меҳрига қона.
Ирим, деб уммонга танга ташлайман,
Зора, қайтиб келсам сен томон яна.

Менинг кўз ўнгимдан ҳар лаҳза, ҳар дам
Асло кетган эмас юртим жамоли.
Узоқ бу уммонда сузиб юрсам ҳам,
Юзимга урилди гўё шамоли.

Ҳамиша ўзингдан олдда бўл, Инсон,
Бу дунё барчага баробар, билгил.
Тепангда турган шу думалоқ осмон,
Шаркда ҳам мавжуддир, тасаввур қилгил.

Аллоҳ даргоҳига рухсатин бериб,
Таклиф этилсайди жами одамзод.
Бошқалар қатори кўксини кериб,
Ўзбек ҳам юрарди мамнун ҳамда шод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Худо яратмаган сарҳадлар ясаб,
Бандаси орттиргай ўзига малол.
У юксак бўлмади тоғларга ўхшаб,
Кенг ҳам бўлолмади уммонлар мисол.

Ўзга маъволарга келдим мен нечун,
Бегона жойларга меҳримни сочиб.
Олис йўллар босдим сиҳатим учун,
Балки ғавғолардан нарига қочиб.

Бир мантиқ ҳаётда учрайди бироқ,
Қошида милёнлар ўйга толгайдир.
Ёмонлик тилаган яшайди узоқ,
Яхшилик қилганлар ночор қолгайдир.

Қўшнининг мушуги эринмай асло,
Бизнинг ертўлада овлайди сичқон.
Ҳозирча туш менга мансубдир, аммо,
У ҳам қўлга тушгай, топсалар имкон.

Афсуслар чекаман Маҳшаргача то,
Унутдим ўз арким кўнгурасини.
Нима деяримни билмасдан ҳатто
Чалдим бировларнинг дўмбирасини.

Бугун ҳеч кимсага келтирмас шараф
Ясама шуҳрату сохта савлатлар.
Лекин иймон келтир тегрангга қараб,
Бордир буюк зотлар, улуғ давлатлар.

Жаноб Расулуллоҳ айлаб марҳамат,
Чақирмиш умматин бардоши, сабрга.
Дедилар, ўтганни қарғаманг минбаъд,
Тегманг улар ётган гўрга – қабрга.

Мени-ку тириклай маҳв этди улар,
Ҳатто бездирдилар буткул оламдан.
Бундай қабоҳатдан тоғлар ҳам қулар,
Денгизлар шўр тортар бундай аламдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирғий учиб юрса ҳовлинг узра ғар,
Товуқда қоларми бирорта жўжа.
Юртни таладилар неча- неча ғар,
Неча қорача-ю, неча бир хўжа.

Менга ажабланиб қарама, болам,
Ҳамроҳинг бўлолсин бардош ва тоқат.
Мен балки кексайиб, чарчаган одам,
Холислик излаган куйчиман фақат.

Топсам эзгуликни чулғади сурур,
Баробар туюлди ёзим ва қишим.
Адолат қалбимга бахш этди ҳузур,
Бошқа юмуш билан йўқ зарра ишим.

Мудом ҳаёлимда у қутлуғ аждод,
Муборак тафтлари қуёшлар қадар.
Магарким, уларга эканман авлод,
Нега йўқолайин номсиз ва бадар?

Зурёдим эрурсан ўзинг, набирам,
Олгин юлдузларни қўлингни чўзиб.
Ахир қоним жўшар танингда шу дам,
Нега сен кетмассан мендан ҳам ўзиб.

Бир умр курашдик орзулар учун,
Ҳавойи сўз айтиб, ўртама жонни.
Дунё карвонининг бошида бир кун
Кўрсам старлидир Ўзбекистонни.

2015 йил 1 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОР ЭТИК

Ҳатто майда-чуйдага
Қилолсин ақлинг бовар,
Ҳаётда яхши-ёмон
Юрмас асло баробар.

Гар этигинг тор бўлиб,
Оёғингни қисганда,
Дунёнинг кенглигидан
Нима фойда, биродар.

2015 йил 2 сентябрь

САЙЁҲЛАР

Кеча хитой эдинг,
Бугун-чи япон,
Эртага ҳиндусан
Ва ёки цейлон.
Кафтгирни қўлга ол,
Қани, ош пишир,
Бир кун ўзбек бўлиб
Тургайсан, ўғлон.

2015 йил 2 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЙМОҚ

Техасдек иқлими
Қайноқ йўқ экан,
Шунданми, айиқ йўқ –
Маймоқ йўқ экан.
Жаннатга ўхшайди
Манзилим, лекин
Сигир кўп экану
Қаймоқ йўқ экан.

2015 йил 2 сентябрь

ЁЛҒИЗЛИК

Афсус, ўтиб кетди
Умр муваққат,
Дунёда бир ўзинг
Қолдинг сен фақат.

Демишлар, ёлғизнинг
Ёри Худодир,
Дўстдан муҳаббат кут,
Душмандан шафқат.

2015 йил 2 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЗ ТАШРИФИ

Қайдадир самода ўқилар баёт,
Қулоғим тутаман сирли овозга.
Кўрдим, ўн йил олдин ўтиб кетган зот
Келди Тиллашайхга – жума намозга.

Айни куз, боғларнинг пишган меваси,
Чумоли сафига ташлайман разм.
Олма туршагининг бордир эгаси,
Қари ажиналар қилурлар базм.

Порлаб кўринади Қутбда юлдуз,
Осмон ҳам қорамтир – ранги аслидир.
Сариқ чакмон кийган Хизр каби куз,
Чиндан у донишманд руҳлар фаслидир.

Афсус, баҳорларим ўтдилар кетиб,
Терга ботганича қолди саратон.
Буюк томошанинг сўнггини кутиб,
Фасллар оралаб кездим саргардон.

Нимани изладим кундуздир, тундир,
Барча кўрганларим наҳотки абас.
Шамолни ғорларга қамаш мумкиндир,
Қайта олинмагай "пуф" деган нафас.

Ибтидо бор экан бордир интиҳо,
Чигал ҳисларингга куз бергай барҳам.
Балки ўн йил ўтар, юз йилдир, аммо
Жума намозига келурман мен ҳам.

2015 йил 2 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ СИНОВЛАРИ

Менга кибр билан ташлайсан назар,
Сенинг кўнглинг бутун, меники ярим.
Розийдим, дардимни сўрасанг агар,
Сени қандоқ севай, айтгин, жигарим.

Мен ҳам азиз эдим, инсон фарзанди,
Бир вақтлар ҳалқимнинг эрка дилбанди.
Лекин қиска бўлди тақдир писанди,
Сени қандоқ севай, айтгин, жигарим.

Билурман, этмассан номим ҳимоя,
Чунки ўзга эрур қалбингда ғоя.
Тулпоринг солмасин устимга соя,
Сени қандоқ севай, айтгин, жигарим.

Афсус, ер юзида оз эмас бизлар,
Маҳкум бечоралар, сўлиган юзлар.
Эшиги тиқ этса қарар бу кўзлар,
Сени қандоқ севай, айтгин, жигарим.

Хасталик енгмоқда пинҳону ошкор,
Шукурким, қайдадир халоскорлар бор.
Уятдир, қолмаса номус билан ор,
Сени қандоқ севай, айтгин, жигарим.

Ишонгум, бизларга раҳм этур Аллоҳ,
Ҳаётнинг бағрига қайтурмиз, валлоҳ.
Бегона бўлсайдинг чекмас эдим оҳ,
Сени қандоқ севай, айтгин, жигарим.

2015 йил 3 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАСЪУЛЛАР

Ерда тараққиёт авжига минди,
Эга топилгайдир ҳар қандай корга.
Аввал битта қассоб етарди, энди
Ўнта қассоб бордир битта қўчқорга.

Илгари замонлар довруғи баланд,
Бир бахши яшарди овулда ғолиб.
Бугун катта-кичик ижод билан банд,
Куйлар, халачўпни қўлига олиб.

Қачондир каттакон маҳалла-кўйни,
Уддалаб келарди ёлғиз оқсоқол.
Ҳозир рота бўлиб бошқарар тўйни,
Басдир, ёдда қолган уч-тўртта мақол.

Гапларим киноя, пичингдан йироқ,
Бу – янги асрнинг мутойибаси.
Масъуллар янада бўлсалар кўпроқ,
Шаклланиб борар халқ тоифаси.

Гўдаклар ўзини посбон дейди чўнг,
Ўйинчоқ милтиғин отиб толмайди.
Ҳамма қўриқчига айлангандан сўнг,
Қўриқланадиган нарса қолмайди.

Хўш, ундан кейин-чи? Юз берар не ҳол?
Яна мажлис қилиб, йўриқлашади.
Вазифа кўриниб турибди яққол:
Энди бир-бирларин қўриқлашади.

2015 йил 3 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧИНЧИ ЙЎЛ

– Қаёққа йўл олдинг?
– Борса келарга.
– Қаёққа йўл олдинг?
– Борса келмасга.
Учинчи йўл элтар лекин қайларга?
Ўзимни оламан билмасга.

Захирага ўхшар учинчи бу йўл,
Ҳар кимса юролмас, берилмас ҳуқуқ.
Бу йўлдан ботирлар қатнайди нуқул,
Хоҳласа қайтади, хоҳламаса йўқ.

2015 йил 4 сентябрь

ИЖОД САБОҚЛАРИ

Ҳаётни тизгинда бўлмайди ушлаб,
Зилзила, ёнғинлар учрайди бари.
Мушук боласини бўйнидан тишлаб,
Ҳар хил кулфатлардан қочади нари.

Ярим аср бўлмиш бу гапга, мана,
Билмайман, бировга нима деримни.
Лекин мушук каби излаб бошпана,
Кўтариб чопаман мен ҳам шеъримни.

Нафақага чиққан эринмас мухбир
Ва ёки ҳаваскор синчи – талаба.
Жами бисотингни текширар бир-бир,
Қусур топа олса – катта ғалаба.

Ҳеч кимса ўйламас, сатрлар аро
Кўз ёшлар, аламлар оқиб ётганин.
Биров хаёлига келтирмас асло,
Армонлар қаърига шоир ботганин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асли жаҳолатдир бу ҳолнинг сири,
Ўзини ҳакам деб санайди ҳар ким.
Ойболта кўтарган Лукмондир бири,
Бири найза тутган Сукротдир, балким.

Улар осмон қадар олис ҳаётдан,
Маъно тополмайсан кўзига қараб.
Дейдилар, ҳаммасин биламиз ёддан,
Сочини ўстириб юргандир Машраб.

Бу ғамсиз касларга хурмат нораво,
Лўттибоз мисоли сургайлар даврон.
Соқовин атарлар булбулигўё,
Салла патак бўлса – қолма ҳеч ҳайрон.

Ҳар банда ўзини ахтаргай ҳар чоқ,
Чўқинар – омадин кутиб, ҳойнаҳой.
Қудуқ казганида шўр чиқар бироқ,
Ювиб кетаверар кулбасини сой.

Эзгу ният билан бошласа бир иш,
Афсуски, ғовларга дуч келар доим.
Наҳот, унга мудом ҳамроҳдир ташвиш,
Наҳот, қадамида қиёмат-қойим.

Шоир, мақтанасан ўзингча нега,
Нодонлар ичида қилиб ифтихор.
Шсърингга мушукдай бўлолгин эга,
Машрабнинг, яхшиям, кучукчаси бор.

2015 йил 5 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУНДАЛИК ҲАНГОМАЛАР

Бу не кундир, атрофингга боқсанг секин,
У ҳам керак, сен хам керак, мен ҳам керак.
Барчамизни даврасига тўплаб, лекин
Бир ўтириб ўйлайдиган одам керак.

Бу не кундир, бир-бирига керак ҳамма,
Бировимиз тоға бўлсак, биров амма.
Бир чойнакдан чой ичамиз, чайнаб шама,
Бир ўтириб ўйлайдиган одам керак.

Бу не кундир, ўз айбини очар биров,
Қўринганга ғазабини сочар биров.
Ит қувлаган соқов каби қочар биров,
Бир ўтириб ўйлайдиган одам керак.

Бу не кундир, қарз олганлар қайтармайди,
Судхўрга ҳам бирорта важ айтолмайди.
Чўнтагини уриб кетар ҳар хил дайди,
Бир ўтириб ўйлайдиган одам керак.

Бу не кундир, таъмагирлар келса ғолиб,
Теварагинг ўраб олар, дўстлар қолиб.
Ҳайдаб юрар сўнг олдига молдай солиб,
Бир ўтириб ўйлайдиган одам керак.

Бу не кундир, мезбон қочса меҳмонидан,
Нима қилсин? Тўймаган-ку ўз жонидан.
Пора деган гап чиқади ош-нонидан,
Бир ўтириб ўйлайдиган одам керак.

Бу не кундир, коринни ҳам тўқлаб олдинг,
Ҳатто, қўни-қўшниларни йўқлаб олдинг.
Ухламасдинг, роса тўйиб ухлаб олдинг,
Бир ўтириб ўйлайдиган одам керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу не кундир, ғам-ташвишлар ортда қолди,
Юрагингга умидларинг қувонч солди.
Раҳбар уканг саломингга алик олди,
Бир ўтириб ўйлайдиган одам керак.

Бу не кундир, осмонларинг бўлдилар соф,
Кўксинг гўё Помир тоғи ё Кўҳи Қоф.
Худойимдан тушган эмиш ерга инсоф,
Бир ўтириб ўйлайдиган одам керак.

Бу не кундир, хурсандчилик қилгин, шоир,
Бамисоли Зуҳросини топган Тоҳир.
Яхши гап ҳам тарқалибди сенга доир,
Бир ўтириб ўйлайдиган одам керак.

2015 йил 6 сентябрь

ХОНАКИ ФИЛ

Йилларим ўтдилар,
Ўргандим қўлга,
Айландим сиз кўрган
Хонаки филга.

Гарчи хўжайиним
Қилтириқ, ориқ,
Жонимни суғуриб
Олмоғи аниқ.

Фириб тушмасайди
Агар ёнига,
Улоқтирар эдим
Ҳинд уммонига.

Қамчин ва таёқнинг
Заҳрин билмабсиз,
Дунёга келмабсиз,
Ҳали келмабсиз.

2015 йил 4 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОИНОТ

Кўм-кўк яйлов, кўринмайди
Бошқа ҳеч бир зот,
Ёлларини силкитганча
Ўтлайди бўз от.

Ялтир-юлтир учиб ўтар
Капалак баъзан,
Сирли олам мана шулдир,
Шулдир коинот.

2015 йил 9 сентябрь

РОСТГЎЙЛИК

Мени лақиллатиб,
Айтаверма сўз,
Мана бу оташдир,
Мана бу-чи, муз.
Қурбақа эмасдир
Малика асло,
Яхшини яхши де,
Ёвузни ёвуз.

2015 йил 9 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕХАС ҲАНГОМАЛАРИДАН

Техасга борганда икки ҳамроҳим,
Мени куни бўйи қилдилар сарсон.
Дейишар, бу жойни кўрингиз токим,
Мана бу заминдир, мана бу осмон.

Ажабо, кимнингдир шляпаси бор,
Кимлардир иштонлик, тўнлик экан-да.
Рост гап, соддаликдан қутулмоқ душвор,
Жўнлик ҳамма жойда жўнлик экан-да.

2015 йил 9 сентябрь

ОРОЛ

Бир қуруқлик пайдо бўлди,
Денгизда, не ҳол?
Меники деб эълон қилди
Кимлардир дарҳол.

Охир келиб қарашсалар,
Ҳеч вақо йўқдир,
Шунчаки у сузиб юрган
Кит экан, «орол».

2015 йил 9 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

АГАР СЕНСИЗ...

Қуёш чиқиб чараклайди тенгсиз бу олам,
Қушлар сайрар, эсар тонгнинг шамоллари ҳам.
Бамисоли қайта бошдан туғилгай одам,
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Ой балқади, биллур кўкни шуълага чайқаб,
Ол шафақни симиради булутлар чанқаб.
Юлдузлар ҳам рақсга тушар, ненидир пайқаб,
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Битта сен, деб бу дунёда юрган мен ўзим,
Гардларингни тўтиёлар айлагай кўзим.
Исминг айтсам, садоларга тўлади сўзим,
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Мен ошиқман, меҳр кўргаз, назарга илгил,
Сендан ўзга қиблам йўқдир оламда, билгил.
Азал касбинг раҳмдилсан, раҳмлар қилгил,
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Умид ёрким, фақат сенсан ой ва куёшим,
Маҳшаргача тик боқолмас, эгилган бошим.
Сақлан, жоним, то тутмасин кўздаги ёшим,
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Фалакларнинг саломига чиққин сен кулиб,
Баҳра олсин замин, осмон шавқларга тўлиб.
Остонангда турибман мен, Абдулло бўлиб,
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

2015 йил 8 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎТАР ДУНЁ

Ўзингни ҳар лаҳза азобга шайла,
Шунчаки пўписа эмас машаққат.
Зулмнинг борлигин эътироф айла,
Ғоят кулгилидир гина, кудурат.

Арслон панжасини уриб турган дам,
Ахлоқдан дарс бериб, қилаверма дўқ.
Демакки, савиянг шулдир, эй одам,
Сенга бошқа таъриф топиб бўлмас, йўқ.

Мен ҳам куйлагандим замонни тўлиб,
– Ассалом! – деб турдим, отмасидан тонг.
Босқинчи ҳаққимни олса ҳам юлиб,
Таъзим бажо айлаб, чалавердим бонг.

Дунёда энг баланд, йиқилмас дорни,
Аввал алданганга қурмоқ керак, рост.
Бўйнига олдими магар иқрорни –
Мардона иш тутсин, ботирларга хос.

Кўрдим, йўл четида турарди бир чол,
Ёшу тажрибаси етган анчага.
Бажарар ишин у англатди дарҳол,
Топшириқ бераман, дейди, барчага.

Ўтмишин ўзига ростлайди Инсон,
Чингизнинг зулмидан зарра қилмас ор.
Кўзига кўринмас дарё-дарё қон,
Энди унга фақат шон-шуҳрат даркор.

Ўтиб кетар экан барибир дунё,
Ёмоннинг умри ҳам ўчган нафасдир.
Мен унинг исмини билмайман, аммо
Яхши одам бўлган, десалар басдир.

2015 йил 8 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

АСР ФОЖИАСИ

(Ўтмиш эсдаликларидан)

Етмиш тўрт йил умр кўрди мудҳиш бир тузум,
Бунақаси тарихларда учрамаган ҳеч.
Гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай эслайман ўзим,
Гап пойларди фуқароси эртадан то кеч.

Павлик деган бола буни берганди бошлаб,
Унга бутун мамлакатда қўйганлар ҳайкал.
Ўз отасин қулоқ, дея сотган у боплаб,
Шу тариқа, авжга минган қатағон жадал.

Шоҳлар ўтган, Ироддан то Неронга қадар,
Тулпорини сенатига сайлаган бири.
Павликчилар ҳаммасидан бўлдилар баттар,
Милён-милён бегуноҳнинг йўқ ҳатто гўри.

Боғчадаги болага ҳам, керак бўлса гар,
Гап ташишни ўргатарди ҳушёр энага.
Дер эдилар, бундан чиқар зўр ватанпарвар,
Инсоф сўзин, шарт бўлмаса, қўлламоқ нега?

Ишга солмиш чердакдаги каптарларни ҳам,
Миш-мишларни тарқатарди, боғлаб патига.
Динлар абас, эътиқодлар топганди барҳам,
Дарз кетганди улуғ халқнинг садоқатига.

Арслон деган сўз аслида турар ҳуркитиб,
Ёвузликнинг асорати ўзидан ёмон.
Сўнгсиз таъқиб шўрликларни қўймиш қўрқитиб,
Бахтлимиз! – деб, қийқирарди тун-кун оломон.

Йиллар ўтди, бугун чиндан ўзгардинг, юртим,
Замин узра фарзандларинг фикри бор, пойдор.
Байроғингни кўзга суртиб, бош эгиб турдим,
Жаҳон тузган машваратда сенинг ўрнинг бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўрганларинг кечмиш бўлсин, энди, илоё,
Йўлларингни ёруғ қилсин ўзи, каҳкашон.
Қўлин очиб, пирлар сени айлагай дуо:
Топталмасин элнинг қадри асло, ҳеч қачон.

2015 йил 11 сентябрь

БАШОРАТ

Раҳматли устозлар,
Домлаларим, Сиз,
Дорилфунундаги билим таянчи.
Қабрингиз қошида дейман чўкиб тиз:
Умрингиз якуни ғоят аянчли.

Башорат қилдингиз нималарнидир,
Уларнинг ҳеч бири топмади исбот.
Бошга кўтарардик Сизни барибир,
Чунки билмас эдик, қанақа ҳаёт.

Бизга уқтирдингиз, буткул ер юзи
Кетиб борастир нотўғри йўлдан.
Тарихни ёритар Марксниг сўзи,
Бошқалар бахтини бой берган қўлдан.

Бизга уқтирдингиз, эътиқод, имон,
Кўп борса, чилимнинг тутуни, холос.
Сира дўст бўлмайди қорни тўқ инсон,
Дунёни янгилаш бизларгадир хос.

Бизга уқтирдингиз, уммон ортида,
Бир тузум ётибди, тагидан чириб.
Охир тонг қолдингиз тарих олдида,
Айтган гапларингиз аксини кўриб.

Наҳот, ўйин эди инсон тақдири,
Наҳот, ўтган умр таваккал яккаш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нахот, жахолатдир бу холнинг сири,
Қолди бўйнингизда башарни алдаш.

Раҳматли устозлар,
Домлаларим, Сиз,
Аччик қисматингиз ибратдир бирок.
Узр сўрамоқлик шарт экан сўзсиз,
Башоратдан аввал, фолдан олдинрок.

2015 йил 12 сентябрь

ЎҒРИЛАР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Гўзал ҳислар тухфа бўлмиш бизга баробар,
Уйимизни бсзагаймиз бериб оро, зсб.
Бошқаларни камситмагин асло, биродар,
Ким айтади, ўғриларнинг қалби йўқдир, деб.

Энг аввало, ўғриликни кўяр жойига,
Хумчаларни тўлдиради илик мойига.
Сўнг жўнайди маишатга – тоғнинг пойига,
Ким айтади, ўғриларнинг қалби йўқдир, деб.

У албатта ўйлаб кўрар ҳамма ёғини,
Май ичишга топар хатто бош чаноғини.
Отарчилар ўраб олар сўлу соғини,
Ким айтади, ўғриларнинг қалби йўқдир, деб.

Сулувларни қадрлайди бу кавм хушҳол,
Кўзи тушса, қўрғонига келтиргай дархол.
Қийшиқ жойи бўлса агар босгайдир дазмол,
Ким айтади, ўғриларнинг қалби йўқдир, деб.

Акли бутун, яхши билгай нсдир гуноҳи,
Юрагини тилкалайди гўдаклар оҳи.
Ажаб ҳолдир, шоирларга тегмайди гоҳи,
Ким айтади, ўғриларнинг қалби йўқдир деб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зўрлари бор, мардман дея кўкрагин керар,
Дуч келганни олабермай, яхшисин терар.
Уй эгаси касал бўлса, дорисин берар,
Ким айтади, ўғриларнинг қалби йўқдир, деб.

Моданинг у олдидадир, кийинар башанг,
Эгнидаги либослари талашади ранг.
Ўла қолса, туфлисига кўндирмайди чанг,
Ким айтади, ўғриларнинг қалби йўқдир, деб.

Ҳар жойда ҳам иш вақти бор, беш-олти соат,
Хизматчилар шунга аранг қилгайлар тоқат.
Фақат ўғри юмушидан топгайдир роҳат,
Ким айтади, ўғриларнинг қалби йўқдир, деб.

Барча соҳа олға қараб кетмоқда борҳо,
Томни тешиш шарт эмасдир энди мутлақо.
Қўйсанг басдир керак жойда ўхшатиб имзо,
Ким айтади, ўғриларнинг қалби йўқдир, деб.

Ўйлаб боқсам, кўп нарсанинг эгаси шулар,
Буюк-буюк шаҳарларда яшайди улар.
Ўғри деб кўр, ўша куни паймонанг тўлар,
Ким айтади, ўғриларнинг қалби йўқдир, деб.

2015 йил 13 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАСЛАҲАТ

Шоир укам Алишерга

Ишинг сира юришмайди, Алишер Назар,
Ҳолбуки, сен яхши шоир, тўғри сўз инсон.
Ташхисингни қўйиб берай, хоҳласанг агар,
Хушомадни билмагайсан, бу – катта нуқсон.

Лекин уни ўргатувчи йўқ бирор мактаб,
Бехабарсан оддийгина ишлардан, аттанг.
Биринчидан, рухсат олмай айта кўрма гап,
Иккинчидан, хўжайининг маънавий отанг.

Тонгда бориб идорага, йўлини пойла,
Чунки ўзинг очмоғинг шарт эшикни ахир.
Ёрдамчисин алдаб-сулдаб, бартараф айла,
Таъзим қилиб туравер сўнг, мисоли фақир.

Эртаси кун етказ унга кўрган тушингни:
Қуёш билан чиққанмишсиз кўкка баробар.
Аста-секин тутиб олгин, укам, ўзингни,
Энди содиқ хизматчисан, ҳатто биродар.

Ходимларни текширишар баъзан атайин,
Сен ҳақингда гап бошласа хўжайин ногоҳ.
Сира-сира паст тушмагин, дегил, нетайин
Сизга хизмат қилиш учун жўнатган Аллоҳ.

Қарабсан-ки, обрў энди бормоқда ошиб,
Номинг атроф-теваракка танилди анча.
Котиба ҳам кўрганида қолади шошиб,
Хўжайиннинг одами, деб ҳайиқар барча.

Уйингизга бозор қилиб бордим, деб айтма,
Уйимизга ўтдим, дегил, бозорча қилиб.
Камтарлик ҳам иш беради энг нозик пайтда,
Шукур, деб кўй, шляпасин илгакка илиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаёт жуда катта уммон, билмайди сарҳад,
Шу жумладан, хушомаднинг йўқ учи-кети.
Ушбу гапдан хўжайининг қувонар беҳад:
Сизникидек ҳуролмайди қўшнининг ити!

Мана, охир етиб келдинг улуғ маррага,
Босиб ўтган шонли йўлинг зафарга далил.
Мақтовларни оширгину милён каррага,
Бошқаларни ёмонлашни бошлайвер дадил.

Маслаҳатим кимларгадир ёқмас муқаррар,
Лекин ёз, деб қистайверар тажриба мени.
Хўжайининг нафақага кетса ҳам агар,
Ҳеч шубҳасиз, қолдиради ўрнига сени.

2015 йил 15 сентябрь

ВАТАН

Ватан қадрин белгиламас олтин ё олмос,
Уни биров сотолмас ё сотиб ололмас.
Кунчиқарда Худойимнинг олий мақоми
Кунботарга борганингда пасайиб қолмас.

2015 йил 16 сентябрь

ХАЛҚ

Халқ гоҳида толиб эрур, гоҳ устоз даҳо,
Бир карасанг, бешикдаги гўдакдир ҳатто.
Боболаринг бобоси ҳам унга авлоддир,
Ибтидони билмайди у, билмас интиҳо.

2015 йил 16 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАЙТОН

Сен дарёга чўмилгани боргандинг, Инсон,
Сувдан чиқсанг, йўқолибди кўйлак ва иштон.
Либосингни излаб тағин овора бўлма,
Аллақачон олиб кетди уларни Шайтон.

2015 йил 16 сентябрь

МАНГУ ПАНОҲ

Озроққина меҳр бергил,
Бизларга, Аллоҳ,
Озроққина шафқат ҳам бер,
Қодир Худойим.
Ер юзини қоплаб борар
Фақат оҳу вох,
Ҳамма жойда бамисоли
Қиёмат-қойим.

Ошёнига яқин келмас
Қушлар ҳам асло,
Дарахтини чирмаб олса
Агарда илон.
Уясига қадам босмас
Бўрилар ҳатто,
Агар сезса шу атрофда
Борлигин қопқон.

Инсон ахир Инсон эрур,
Яширмоқ нега,
Кун кўрар у хонадонин
Ҳолига караб.
Агар бир кун мушук каби
Қолса беэга,
Юрмас ахир нола чекиб,
Эшикни тирнаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарзандлардан буюрмаса
Фожиадир бу,
Ота энди ўз-ўзига
Қилгай маломат.
Бир замонлар қартайганда
Падарин, ёҳу,
Ғорга элтиб ташлаганлар,
Қандоқ жаҳолат!

Қадрдонлар ажраб кетар,
Бирдан, ногаҳон.
Айри тушар балки машъум
Манфаат сабаб.
Бундай чоғда одам кимга
Суянсин нолон,
Наҳот, дўстлик рўё эрур,
Кечиргин, ё Раб.

Қашқирларнинг тўдасида
Қолса биров гар,
Ким ҳимоя қилар эди
Уни шу фурсат.
Бир ожизга беришмаса
Мадад муқаррар,
Ғолибман деб бонг ургайдир
Ёвузлик албат.

Кўз ташлайман олис ўтмиш
Қаърига гоҳо,
Тарих мудом ботирларнинг
Ёнини олган.
Енгиб чиққан курашларда
Алпомиш борҳо,
Прометей ўт-оловни
Сақлаб қололган.

Парвардигор, сен бандангни
Қилдинг ҳимоят,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна ўзинг мурувватлар
Айлагил эҳсон.
Одамзодга эзгуликни
Қайтиб бер фақат,
Ёлғиз сенинг паноҳингда
Бахт топгай Инсон.

2015 йил 18 сентябрь

КИЙИК ОВИ

Тонгда овчи сайдга чиқди,
Деганча, "Ё, Ҳақ!"
Бир кийикни таъқиб этди
Қисганча тоққа.
Ўқи тегди ўлжасининг
Қулоғига нақ,
Иккинчиси теккан эди
Айнан туёққа.

Овчи ростдан тушган эди
Ўлжа кетига,
Эринмасдан қараб чиқди
Яқин-йироқни.
Кийик эса, ола қол, деб
Йўлнинг четига,
Ташлаб кетмиш бир қулоғу
Битта туёқни.

2015 йил 18 сентябрь

БАЛИҚЧИЛАР

Балиқ овлайдиган
Улкан кема-ю,
Ҳаваскор баликчи
Турарди қатор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай пайт хаммада
Ягона орзу,
Ишлари юришиб
Омад бўлса ёр.

Вакт ўтди, назар сол
Яна бу ёққа,
Томоша айлагил,
Бўлиб ҳангу манг.
Кеманинг тўрлари
Тўлмиш чавоққа,
Ва лекин ҳаваскор
Тутганди наҳанг.

2015 йил 18 сентябрь

НОДОНЛАР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Қайладир юз берса бирор фалокат,
Тушар таҳликага жамики ҳайвон.
Мухбир сингамиз, деб жар солар албат,
Бундан фақатгина қўрқмайди нодон.

Амир қушбегининг кетига тепди,
Шу зум Петербургни оламан, дебди.
Шаксиз у – бекорнинг бештасин сбди,
Бундан фақатгина қўрқмайди нодон.

Зилзила Тошкентнинг ярмини бузса,
Кимдир ўша куни ёзганмиш қисса.
Ҳис эт, фожиадан чиқаргин ҳисса,
Бундан фақатгина қўрқмайди нодон.

Ер юзин забт этган улар чинакам,
Ё довдир, ё лофчи ёки муттаҳам,
Чопиб чиқаман дер Эверестга ҳам,
Бундан фақатгина қўрқмайди нодон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пайт келиб, қасамлар ичади ҳатто,
Ўзининг фойдасин унутмас аммо.
Тинмайди, дўзахга тушгунича то,
Бундан фақатгина қўрқмайди нодон.

Турфа форумларда қатнашар баъзан,
Уни юборганмиш гўёки Ватан.
Тугатар, қўлига тушса илму фан,
Бундан фақатгина қўрқмайди нодон.

Худойим, ҳамиша ҳолимизга бок,
Сенинг паноҳингда яшайлик узоқ.
Таъмагир ҳукмига топширма бироқ,
Бундан фақатгина қўрқмайди нодон.

Тарихда ўтгандир ботирлар бисёр,
Неча саркарда-ю шоҳлар пурвиқор.
Авлиё зотларнинг назари ҳам бор,
Бундан фақатгина қўрқмайди нодон.

Инсон боласига ҳушёрлик одат,
Юртига киритмас ёвларни минбаъд.
Токи, бошланмасин қирғин ва офат,
Бундан фақатгина қўрқмайди нодон.

Балки унинг даври эмасдир мангу,
Лекин яшаб келар тинч ва беқайғу.
Бир кун тупугига тойиб ўлар у,
Бундан фақатгина қўрқмайди нодон.

2015 йил 20 сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУАЗЗАМЛИК

Улуғ дарё билан қўйсанг баробар,
Айтилмас, мана бу муаззам ариқ.
Баҳайбат фил турса ёнида агар,
Муаззам чумоли дейилмас, аниқ.

Муаззам шоирдир Фирдавсий ҳамон,
"Шоҳнома" оламда тенги йўқдир, бас.
Қанчалик чиройли бўлмасин дўкон,
Колизей сингари муаззам эмас.

Магар чиқиб колса бирор ҳаваскор,
Муаззам даҳо, деб ёзар хабарчи.
Ёлғоннинг наҳотки жозибаси бор,
Чойхона паловга қўйилмас жарчи.

Ўзбек муҳтож эмас ўтрикка, аммо
Жаҳон минбарида ўқий олур дарс.
Киминг бор, деганда бировдан асло
Буюк инсонларни олмагаймиз қарз.

Хаёл суриш яхши болага ўхшаб,
Орзу ярашади кекса-ю ёшга.
Ўзини муаззам дейиш бошқа гап,
Муаззам бўлмоққа интилиш бошқа.

2015 йил 21сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОШКИ

Ёшларга

Сен ёшсан, эртанги кунингга боқай,
Дарё кеч, саҳро кез, довонлар ошки,
Қараб юрар эдим ортимга токай,
Сенинг камолингни кўрсайдим, кошки.

Афсус, равон эмас бу мубҳам йўллар,
Ҳар бир қадамингда шунчалар тошки,
Топтаб ташлангандир ўнг билан сўллар,
Сенинг камолингни кўрсайдим, кошки.

Истеъдод олдида паст тушар осмон,
Коинот ўз сирин айлагай фошки,
Юксак парвозингга келтиргум имон,
Сенинг камолингни кўрсайдим, кошки.

Олдда кутиб турар давраи сарвар,
Тафаккур то абад кўз билан қошки,
Зора шонинг чиқса боболар қадар,
Сенинг камолингни кўрсайдим, кошки.

Инсон дастидадир ғов ҳам, сийлов ҳам,
Аҳли диёнатга ул ўзи бошки,
Яратган қўлласин ҳар нафас, ҳар дам,
Сенинг камолингни кўрсайдим, кошки.

2015 йил 21сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОЙЧОҚ ВА ЎҒЛОН

Тойчоғингни авайлагин,
Азиз йилқибон,
У тулпорга айланади,
Вақт ўтиб ҳали.
Минглаб одам оёғига
Қалқар бегумон,
Майдонларда келбатини
Кўрган маҳали.

Ота, сен ҳам дуолар қил
Ўғлонинг учун,
Боланг балки ўспириндир,
Балки жуда ёш.
Эҳтимол, у юрт сўрайди,
Улғайиб бир кун,
Валлоҳ, сенинг ўзингга ҳам
Бўлғусидир бош.

2015 йил 23 сентябрь

КИЙИК ВА ТОШБАҚА

Тирикликнинг сирлари кўп,
Кузатсанг агар,
Тоқат билмас, бу дунёга
Келганда инсон.
Бешикда ҳам тинч ётмайди,
Ғоятда ўжар,
Кийик каби сакрайди сўнг,
Толмас, чопағон.

Йиллар ўтиб, охирлайди
Фоний бу дунё,
Инсон учун жаннатлардан
Асло кам эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У дунё гар чорлаб қолса,
Эшитмас гўё,
Тошбақадек имиллайди,
Боргиси келмас.

2015 йил 23сентябрь

ИНСОН ШАРАФИ

Эскирган ковушни ёки жандани
Қайга ташласанг ҳам, нима фарқи бор.
Тупроққа жо бўлган марҳум бандани
Мармартош маҳлиё этмоғи душвор.

Юксак саҒана-ю безаклар бари
Азадор бир зотнинг ҳиммати, холос.
Балхда қаровсиздир Беруний қабри,
Бу айни нодонлик жаҳолатга хос.

Замин фарзандидир, шубҳасиз, Инсон,
Ғоялар меваси эмасдир асло.
Ғаними чоҳ қазса унга ҳар бир он,
Дўстлари бошига кўтаргай аммо.

Ва лекин холислик мудом омонат,
Ўзини ҳакам дер салла, бесалла.
Бандаси Аллоҳга ёлворар фақат,
Худога солдим, деб айтар баралла.

Нозим Рус срида жой топди мангу,
Аммо сатрлари ҳад билмай яшар.
Энг аввал, дунёнинг шоиридир у,
Сўнгра сиёсатчи, билиб қўй, башар.

Оламда дахлсиз бир мантиқ мавжуд,
Унга даф қилолмас вақту замона.
Бировнинг хочи бор, бировда-чи бут,
Лекин Яратганга бари парвона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Миллат деганлари бир дарахтсимон,
Илдизи заминнинг каърига етган.
Кишилик бошига тушган ҳар тўфон,
Унинг ҳам бутоғин синдириб кетган.

Инсонга икки ҳис доимо ҳамдам,
Бири – Отамакон, бириси – Дунё.
Баъзан ўзи чиққан тепани одам
Ҳисоблаб юради олам, деб гўё.

Гарчи ер юзида кўп эрур жонзот,
Турларин санаб ҳам бўлмас, эҳтимол.
Тарихни яратар фақат Одамзод,
Тафаккур уйининг меъмори мисол.

Бу туйғу менинг ҳам умримда ғолиб,
Йўқолмас, сувга от, ташла ўтларга.
Ватан тупроғидан бир сиқим олиб,
Кейин боражакман ўзга юртларга.

2015 йил 24 сентябрь

МЎМИЁ

Ажиб ҳол юз бергай,
Тириклай туриб,
Мўмиё нусхамни яраттирсам гар.
Амал кресломда ўша ўтириб,
Бир кун иш юритса, оқшомга қадар.

Арзагўй дод солиб келса, барибир,
Мендан садо чиқмас, сўзлайди ўзи.
Ёрдамчим тушунмас, англамас, не сир,
Чунки тик боқмаган ҳеч қачон кўзи.

Эҳтимол, бекорчи қулоқни излаб,
Олдингга бир олим киргай шу куни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Узун маърузасин ўқийди бўзлаб,
Жимгина тинглайди мўмиё уни.

Кассир қиз кутишдан чарчади охир,
Тирқишдан мўралар сенга атайин.
Сўнгра бош чайқайди: – Иши кўп оғир,
Қорайиб кетибди шўрлик хўжайин.

– Тепадан сўрашди! – дейди ногаҳон
Котиба эшикдан боққанча қиё.
Мўъжиза юз берар хонада шу он:
Жонланиб кетади бирдан мўмиё.

2015 йил 27сентябрь

ШИКОЯТЧИ ҲАНГОМАСИ

У миршабхонага қилар қўнғироқ:
– Жиноят юз берди, чорасин кўринг.
Ўзим санаб чиқдим эрта тонгданоқ,
Битта товуғим йўқ, топтириб беринг.

Ишлаган одамнинг иши кўп, мана
Товуқ масаласи очиқдир хамон.
Ҳафта ҳам ўтмасдан, сим қоқар яна:
– Итим ғойиб бўлди, нетай, миршабжон.

У шеърлар тўқирди отарчи учун,
– Талантинг йўқ, – дебди юзига биров.
– Оҳ, менинг талантим йўқолди бугун!
Ўша идорага сим қоқар дарров.

Кимлардир уни деб доим овора,
У ҳам чарчамасди, билмасди тиним.
Бир кун ўзи келди: – Тез кўринг чора,
"Сенинг ақлинг йўқ", деб айтди хотиним.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўринмай кетди у, нечук аҳволи?
Миршаблар йўклашди, ўйларга толиб.
– Дунёдан ўтдилар, – деди аёли,
Қаранг, энди ўзи қолмиш йўқолиб.

2015 йил 27сентябрь

РАНГ-БАРАНГЛИК

Заминга баробар кулфати, бахти,
Мажнунтол ёнида заққум дарахти.

Сахролар белибос, ўрмонлар башанг,
Делфиннинг ҳамроҳи одамхўр наҳанг.

Шодлик бир томонда, бир томонда ғам,
Икки хил балодир сув билан ўт ҳам.

Лекин қозонда сув, тагида чўғдир,
Бирови бўлмаса таом ҳам йўқдир.

Яхшилар бор жойда ёмон ҳам мавжуд,
Бу – қадим боболар қолдирган ўгит.

Мен ҳам ўз фикримни айтай якунда:
Қайсига мансубсан – ҳамма гап шунда!

2015 йил 27сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕНГЛИК

Қачон бойваччалар бу ҳолни англар:
Рақиби бўлолмас аҳволи танглар.
Арслон чиқмас сира сичқон овига,
Унга ярашади фил билан жанглар.

2015 йил 27сентябрь

ЁР ВА АҒЁР

– Шеър кимга аталган? – сўрайсан такрор,
Жавобим мана бу, унутма зинҳор:
– Қара, рўпарангда турибди борлик,
У сенга ёр эрур ва ёки ағёр.

2015 йил 27сентябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАРДИКОР

Бажаргин ўзингга мансуб юмушни,
Овчи ҳам ўлжасин бир ўзи овлар.
Агар ёқтирмаса қандайдир ишни,
Мардикор ёллайди баъзи бировлар.

Эҳтимол, ҳашардир, шанбаликдир ё,
Маҳалланг чорлайди – ёрдаминг даркор.
Бундай муаммодан қўрқмагин асло,
Ҳамёнинг бор экан – мардикор тайёр.

Ўқишга кирмоқчи фарзанд бесавод,
Унга сувдек зарур баҳолар – баллар.
Ота чорасини топар шу заҳот,
Билаган болани мардикор ёллар.

Пайдо бўлган эмас бу одат дарров,
Шоҳлар ҳам ишлатган киёфадошин.
Келинга топилар мардикор куёв,
Тўйида ўтирар эгганча бошин.

Бандага раҳм этсин Аллоҳнинг ўзи,
Қандоқ ҳукм қилар – унда ихтиёр.
Марҳумнинг бўлмаса ўғил ё қизи,
Ё тавба, мардикор йиғичилар бор.

Мададсиз колганда инсон боласи,
Қўллаган зотларга минг бора раҳмат.
Савобни маҳв этар таъма балоси,
Беҳуда кетмагай чекилган заҳмат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳеч кимнинг қўрғонин босмасин хатар,
Ҳатто зор қолмасин ҳамсоясига.
Ватаннинг бошига иш тушса агар,
Мардикор боргайми ҳимоясига.

2015 йил 2 октябрь

ТАҚДИР ТУҲФАЛАРИ

Сендан ризқ сўрадим ҳамиша, тақдир,
Бойлик ўтинмадим лекин мухтаҳам.
Ол, дея бутун нон юбординг, шукур,
Балки бошқалардан айламадинг кам.
Сендан дўст сўрадим, ёлвориб яна,
Тўғригўй ҳамроҳлар дуч келди, қуллуқ.
Улар ҳам мен каби юрибди, ана,
Чайқов бозорингга киргилари йўқ.
Сендан саломатлик сўрадим, тақдир,
Ахир ҳар кимсага мукофотдир бу.
Тўрт мучанг соғ бўлса, шу ўзи бахтдир,
Қариган чоғингда етар қуш уйқу.
Ғаним юборгин, деб ким айтар сенга,
Эси бор ҳар банда бу гапдан кулар.
Негадир, бир тўпин жўнатдинг менга,
Сиғмай қолганмиди ҳовлингга улар.
Барибир, лутфингдан розиман мен ҳам,
Қайларга борардим тақдирсиз-сенсиз.
Энг аввал, онадан туғилганим дам,
Ватан ато этдинг, қадим ва тенгсиз.
Сенинг битта номинг, эҳтимол, қисмат,
Хато қилган бўлсак, бизлардан кўрма.
Тепангда Эгам бор, шошилма фақат,
Умрни ўзингча қисқартиб юрма.

2015 йил 4 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЮПАНЧ

Паймона жом эрур,
Бир кун тўлғувси,
Кимки туғилибди –
Охир ўлғувси.
Ҳозирча тирикман,
Йиғлама, болам,
Ҳали кўз ёшларинг
Керак бўлғувси.

2015 йил 10 октябрь

АРМОН

Хайр, Атлантика,
Хайр, эй уммон,
Сендан айро тушмоқ
Гумондир, гумон.
Менинг ҳам қалбимда
Бир уммоним бор,
Фақат, унинг номи
Армондир, армон.

2015 йил 10 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗИНАЛАР

Дедилар: – Кўкларга қилурсан парвоз,
Биринчи зина бу, чиққин, сеники.
Шу заҳот атрофдан таралди овоз:
– Бу зина меники, зина меники.
Ўрлаб боравердинг тепага ўктам,
Бундайин маррага етишгай озлар.
Лекин эшитилиб турди дам-бадам,
Бу зина меники, деган овозлар.
Энг юксак пояга чиқолдинг у кун,
Уҳ тортдинг, сочингга қировлар инган.
Во ажаб, ўчганди энди турфа ун,
Меникидир, деган овозлар тинган.
Бироқ кимларнингдир имкони бисёр,
Ҳаттоки, омадни айлаб олгай қул.
Умрида машаққат чекмаган бир бор,
Чунки зиналари бошқадир буткул.
Сени ҳам қайдадир англашар, балким,
Орттирган тажрибанг беҳуда кетмас.
Пастда бўлсанг агар, топтайди ҳар ким,
Баландликда турсанг – қўллари етмас.

2015 йил 11 октябрь

ЙЎҚОЛГАН БЎРИ

Ҳайвонот боғидан

Йўқолди бўри,
Шу заҳот эфирда
Берилди эълон:
– Бўри қочиб кетган,
Жайдари тури,
Тутиб келтирганга
Мукофот фалон.
Бўри-ку топилди

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва лекин бу иш,
Ташаббус сингари
Кўрсатди кучин.
Ҳануз давом этар
Бўри топшириш,
Албатта, айтилган
Мукофот учун.

2015 йил 11 октябрь

"ИККИЧИ" БОЛА

Физикадан "икки" олиб,
Бола қайтди мактабдан,
Остонада туриб деди
Отасига дафъатан:
– Отажоним, хафа бўлманг,
Ахир бизга омад ёр,
"Икки" олсам олибман-да,
Беруний бобомиз бор.
Энди тилдан "икки" олиб
Қайтди бола мактабдан,
Отасига яна деди
Остонадан ўтмасдан:
– Отажоним, хафа бўлманг,
Ахир бизга омад ёр,
"Икки" олсам олибман-да,
Навоий бобомиз бор.
Бу гапларни тинглайвериб
Отанинг боши қотди,
Ҳар кун шу ҳол такрор бўлар,
Бор тинчини йўқотди.
Охир деди: – Бас қил, бола,
Ҳаммамизга омад ёр,
Боболарни деш қилма кўп,
Ҳамёнимда акчам бор.

2015 йил 13 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОН КИХОТ

Мудом бошқаларнинг ғамини ейсан,
Сендек ғамгусорни биров кўрганмас.
Нечун ҳайдовчига тезроқ юр, дейсан,
Ахир, сени ҳеч ким кутиб турганмас.
Ҳар ким саёҳатга чиққай, албатта,
Дунё кенг, манзил кўп, сарҳадлар катта.
Тез юрар поездга олгайсан патта,
Ахир, сени ҳеч ким кутиб турганмас.
Минбарга чиқасан, ўхшаб оловга,
Зарбалар берасан қандайдир ёвга.
Ёқдинг ё ёқмадинг ҳозир бировга,
Ахир, сени ҳеч ким кутиб турганмас.
Текшириб ўтирмай туғилган ерин,
Ўзингча мақтадинг шоирнинг шеърин.
Ўйлаб ҳам кўрмадинг, у нима дерин,
Ахир, сени ҳеч ким кутиб турганмас.
Гоҳо адолат деб куйдирасан жон,
Тилингдан тушмайди Ҳазрати Инсон.
Нимага эришдинг шу билан, нодон,
Ахир, сени ҳеч ким кутиб турганмас.
Китобий қаҳрамон – номи Дон Кихот,
Шамол тегирмонга қарши сурган от.
Дегайлар, биздан ҳам чиқмиш шундай зот,
Ахир, сени ҳеч ким кутиб турганмас.
Эшитдинг, қайдадир тошибди дарё,
Тун бўйи оҳ чекдинг, миробдай гўё.
Эл-юртни асра, деб қилдинг илтижо,
Ахир, сени ҳеч ким кутиб турганмас.
Соғломсан, тер тўкиб, шавққа тўлгайсан,
Лекин қариб-чуриб, бир кун ўлгайсан,
Билиб кўй, шу заҳот унут бўлгайсан,
Ахир, сени ҳеч ким кутиб турганмас.
Дунёдан безмагин, сўниб ҳафсаланг,
Кимлардир от минган, ким оёқ яланг.
Мадад сўраб додлар, ҳоли бўлса танг,
Ахир, сени ҳеч ким кутиб турганмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Магар шундоқ экан, не қилмоқ даркор?
Болам, ушбу гапни унутма зинҳор:
Фақат, таъмаси йўқ савоб устувор,
Ахир, сени ҳеч ким кутиб турганмас.

2015 йил 14 октябрь

КОТИБА ХОНИМ

Бирор савол чиқса – майдами ё чўнг,
Раҳбарга айтгин, деб қўймас имоним.
Тўрт ёки бешинчи уринишдан сўнг,
Гўшакни кўтарар Котиба Хоним.
Ҳали салом-алик қилмасдан аввал,
Сўроқни бошлайди, терговчи гўё.
Қанча тиришмагин, бермайди ҳеч гал,
Дейсан, автоматдан фарқи йўқ асло.
– Отангиз тирикми? Онангиз борми?
Бобонгиз қанақа касалдан ўлган?
Жуфтингиз ишларми ёки бекорми?
Қайси ресторанда тўйингиз бўлган?
Қандай ўтказасиз бўш қолган дамни?
Қачондир СПИДга чалинганмисиз?
Ўлдирганмисиз ҳеч бирор одамни?
Боғчада ҳибсга олинганмисиз?
Сизга тегмаганми лўлининг кўзи?
Маошингиз қанча? – буни ҳам айтинг.
Қаёққа қўнғироқ қилдингиз ўзи,
Шикоят бўлса гар, бу йўлдан қайтинг.
Энди чиқай, девди танимдан жоним,
Тилига бол бўлсин, оғзига қандлар.
Гапни қисқа қилди Котиба Хоним:
– Хўжайин бандлар.

2015 йил 14 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЪЗИЯ

Сен кетдинг, қолганлар
Ўйнасин, кулсин,
Маконинг, илоё,
Нурларга тўлсин.
Аслида, бу дунё
Ташвишларидан
Қутулиб кетганинг
Муборак бўлсин.

2015 йил 14 октябрь

УМР ДАФТАРЛАРИ

Кўргингиз келса гар бахтли одамни,
Қайга борардингиз, ахир нетгайсиз?
Келинг ҳузуримга, унутинг ғамни,
Яйраб ўтиргайсиз, мамнун кетгайсиз.
Кўрмоқчи бўлсангиз бахтсизни агар,
Юрманг йироқларда, келинг мен томон.
Ҳасратли умримнинг ўзи бир дафтар,
Ўқиб, йиғлай-йиғлай, қайтгайсиз нолон.

2015 йил 15 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАСБИ ҲОЛ

Йўқотаман, дейди ҳасадгўй номард,
Таслим бўлмас лекин ақлу тафаккур.
Эзгу умидингга кўндирмайди гард,
Хайрихоҳ дўстларга минг бор ташаккур.
Мен-ку, юргандирман ўз ғамимни еб,
Чидаб ҳижронларга, соғинч, фироққа.
Кимнинг ҳисобидан сафар қилдинг, деб,
Ҳатто аллакимлар тутар сўрокка.
Қўлинг ишга бормас улар дастидан,
Во дариғ, тинчгина юриб ҳам бўлмас.
Билдирмай чоҳ қазар оёқ остингдан,
Косанг оқармайди, толеинг кулмас.
Ҳайронлар коламан бир ҳолга доим,
Зарра улғаймаган гўёки Инсон.
Уни бандам деган бир вақт Худойим,
Афсус, тарк айламиш бандасин иймон.
Шеъримни дафъатан арз-додга йўйма,
Пойингда ётибди пажмурда таним.
Мени ўшаларга талатиб қўйма,
Ўзинг қўлла яна, халқим, Ватаним.

2015 йил 17 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАМОНЛАР

Ўзимизнинг гап, деб бошлайди сўзин,
Кўрсаткич бармоғи лабида турар.
Эшикдан бир лаҳза узмайди кўзин,
Кимдир кириб қолса, мавзуни бурар.
Одамлар тўп жойдан қочар минг қадам,
Ҳатто, радиони тинглайди пинҳон.
Магар, об-ҳаводан гап кетса, шу дам
Дейди: – Газетани ўқинг, ўртоқжон.
Бирор таъзияга бориб қолса гоҳ,
Тиловат қилмайди, мўлтирар гирён.
Ҳеч кимса кўрмаган чекканини оҳ,
Собиқлар тўйига бормас ҳеч қачон.
Кундузи Қомусни қўйнига солиб,
Чорлар огоҳликка яхши-ёмонни.
Тунлари кўрпага бурканиб олиб,
Қироат қилади йиғлаб, Қуръонни.
Шу қадар шафқатсиз эдингми, ҳаёт,
Қўлим ёқангдадир, Маҳшаргача то.
Қуёндек беюрак, қушдек бесабот,
Соков қилганмидинг халқимни, Шўро.
Болажон, сен бундай кунларни кўрма,
Шукур, сеникидир замона бу пайт.
Мағлублар сингари бош эгиб юрма,
Сен энди ғолиблар қўшиғини айт.

2015 йил 17 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАНГОМА

Бир кун шогирдига деди устози:
– Майли, шеъриятда қаср қурмагин.
Ҳатто, ёзмасанг ҳам, майли мен рози,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Қодирий, Чўлпонга мухлис бўлганлар,
Гуллаб турган чоғи бевақт сўлганлар.
Ёхуд Магаданда музлаб ўлганлар,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Шеърини ўқигинг келса агарда,
Ўқи-ю, нуқсон кўр ўша асарда.
Турсин ораликда темирдан парда,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Керакли одамнинг изидан қолма,
Унга хизмат қилиб, ҳеч қачон толма.
Фойдасиз кимсага қулоқ ҳам солма,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Мени огоҳ қилди эски бир ошнам,
Боқсанг посангига ҳеч бўлмайсан кам.
Виждоннинг ўзи йўқ, чекма сира ғам,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Дунё ўткинчидир, яъни муваққат,
Ҳамиша мавжуддир ўша ҳақиқат.
Олдингда ғов бўлса, йўқот шу фурсат,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Шунда танбеҳлардан бўлгайсан озод,
Ўт босган пайкалинг аталгай обод.
Сулаймон ўлди-ю, девлар демак шод,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Мудом иш беради бизларга ёлғон,
Билиб турибдими содда оломон.
Сени Фирдавсий, деб қилгаймиз эълон,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Бошлиқлар келганда, чиққин югуриб,
Тинмай, поёндозни тургин супуриб.
Талантли дейдилар ишингни кўриб,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Давра кур, ҳеч кимдан ҳайиқма аммо,
Рўйхатлар тузгаймиз, янги мутлақо.
Унга бегоналар кирмайди асло,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Ҳеч кимса ўйламас, – сен қайси тараф,
Тарихнинг корига қолдик-ку яраб.
Бўйларин ўлчайди бизларга қараб,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Ҳатто нуксонимиз бўлгай фазилат,
Саводсизлик эса олий маърифат.
Манманлик айб эмас, балки жасорат,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Содиқ итларинг кўп – сени қўллайди,
Гарчи, ҳар замонда бир бор туллайди.
Хурсанд бўл, ижодий боғинг гуллайди,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Эҳтимол, китобинг ўқимас биров,
Бозорчи пистасин ўрайди дарров.
Лекин нописандлик бизнинг қудрат, дов,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Эгалари кетса – тул адабиёт,
Ҳаёсиз жойларда пул адабиёт.
Қолди ўтмишларда ул адабиёт,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Бизнинг ҳам шубҳасиз ўз режамиз бор,
Исковуч, чақимчи кадрлар бисёр.
Закот бериб турсанг ҳамма сенга ёр,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Альбомлар ясаймиз кўркам, улуғвор,
Ойбекнинг ўрнига мана, биз тайёр.
Фақат Қаҳҳор домла тўғри сўз, айёр,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Ва лекин чўчитар ўзга бир даҳо,
Ўрнидан қўзғалмас Навоий бобо.
Тухфа қилсакмикан бошқаларга ё,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Бульдозер кўйса ҳам ўрнингдан жилма,
Унча-мунча гапга парво ҳам қилма.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сендайлар кўп хозир, даврон сур, ўлма,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.
Рўпара келса ким, суришажакмиз,
Шубҳа йўқ, орзуга эришажакмиз.
Кўп борса, Дўзахда кўришажакмиз,
Абдулла Орифга яқин юрмагин.

2015 йил 19 октябрь

ОНА ТУПРОҚ

Бир вақт Ватанимдан кетдим кўп узоқ,
Келдиму заминга эгилдим шу чоқ.
Орада қандайин мулокот бўлди
Битта мен биламан ва билгай тупроқ.

2015 йил 24 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

САФАРДАН СЎНГ

ИЖОД

Зулмат бўлса ернинг ҳар ёғи,
Тош бодомдай сиқилса юрак.
Шундай пайтда, булбул сайроғи
Кимга керак, нимага керак.

Қоп-қорайиб оқади дарё,
Гувуллайди тубанда бенур.
Унинг ваҳший садоси аммо,
Кимга керак, нимага зарур.

Юмилгандир гулларнинг лаби,
Чирмовуқлар деворлар оша.
Боғни аёз ургани каби
Бутун борлиқ сўқир томоша.

Булар бари табиатга хос,
Ҳозир тундир, эрта-чи нурлик.
Яна гуллар очилар қийғос,
Яна қушлар сайрайди турлик.

Сен-чи шоир ўзингга қара,
Сен омадсиз ва ўжар жонзот.
Керагинг йўқ ҳеч кимга зарра,
Шу ҳолда ҳам қилурсан ижод.

2015 йил 27 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ ИБРАТИ

Ўтган йўлларимга кўз ташлаб гирён,
Гоҳида ўзимга қоламан ҳайрон.

Руҳим замин узра учса ҳам баланд,
Таним бир умрга бўлди занжирбанд.

Элу юрт номини қўйиб ўртага,
Алдаб юришдилар мени жўрттага.

Баъзан дуч келганга айтдим ширин сўз,
Лекин сийратини билмадим, афсус.

Ёш дўстим, волиданг қадрига етгин,
Майли, ўзгаларни фаромуш этгин.

Она-ю Ватандир асли беминнат,
Бошқалар шерикдир, ҳамроҳлар фақат.

2015 йил 28 октябрь

ДЎСТЛАР

Ерга тўкилади шафтоли ларзон,
Кимдир босиб ўтар, тасаввур этгин.
Дўст сўзин нархини мен қилдим арзон,
Укажон, сен унинг қадрига етгин.

Ўйлардим, ҳамроҳим дўст, деб албатта,
Мени кутгувчи ҳам содиқдир, ёрдир.
Бирида бор экан лекин ойболта,
Унисининг эса қургани дордир.

Оқшом дўстлашади ғаним давлатлар,
Низо бошлайдилар тонг отмай бироқ.
Дунёни забт этган сохта даъватлар,
Гоҳо севгининг ҳам лофлари кўпроқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кимнингдир таянчи, шубҳасиз, мансаб,
Ишонган тоғидир бойлик – сийму зар.
Балки дўстим, дейди юзингга қараб,
Аммо ичи тўла заққум ва заҳар.

Дер эдим, дўст топиб, кирдим шу ёшга,
Афсус, улар бугун кетдилар бадар.
Нон дўсти бошқадир, жон дўсти бошқа,
Одам болалари турфа нақадар.

Илоё, ўчмасин дилдан илтифот,
Басдир, қўшилмаса ўртага ёлғон.
Ҳатто, хайрихоҳни сиғдирмас ҳаёт,
Дўст эса, то абад энг ноёб инсон.

2015 йил 28 октябрь

МАСХАРАБОЗЛАР

Ҳавас қилма менга сира ҳам,
На хўжаман ва на саидман.
Йўқдир менинг мансаб-мартабам,
Нари борса, қари бир итман.

Ҳаваскорлар, қичиса тили,
Иғво қилиб, ҳоврини босар.
Агар шумлик истаса кўнгли,
Деразамга тош отиб кочар.

Мақтанар сўнг уйига бориб:
– Рейхстагга байроқни илдик.
Бор-ку, шоир Абдулла Ориф,
Шуни боплаб масхара қилдик.

2015 йил 31 октябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

САВОД

Эхтимол, шеърингга кимлардир зордир,
Агар зор бўлмаса ижодинг хордир.
Бундай пайт, дафтаринг дарёга ташла,
Чунки балиқларнинг саводи бордир.

2015 йил 2 ноябрь

ЧУМЧУҚ

Деразамга қўнди бир чумчуқ,
Англадимки, унинг қасди йўқ.

Чумчуқ фақат чириқлар эди,
Ўз тилида гўёки дерди:

– Ётавер, эй бечора шоир,
Шеърингни ёз ўзингга доир.

Биз-чи сендан қўрқмасмиз асло,
Дўқ ур, тош от – қилмасмиз парво.

Чунки сенинг қочгандир кучинг,
Ҳеч нарсамас ғазабинг, ўчинг.

2015 йил 2 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯХШИ ГАП

Орзу-ҳавасларим йўқ эди ҳали,
Парвосиз кезардим майса-ўтларда.
Ёшим ўсмирликка етган маҳали
Учгим келиб қолди самолётларда.

Йиллар ўтиб кетди гоҳ худ, гоҳ бехуд,
Айрилик, ҳижронлар енгдилар мени.
Энди барчасидан узгандим умид,
Кўргим келиб қолди дафъатан сени.

Кечди-ку ҳаётим ёвузлар аро,
Бахтсизлик сўзига кўникдим беун.
Дердим, меҳмондирман дунёда, аммо
Бахтли бўлгим келди ажойиб бир кун.

Ишонмай қўйгандим дўсту ёрга ҳам,
Бирдан юрагимда уйғонди ишонч.
Қайгадир йўқолди, ғойиб бўлди ғам
Қайтди унутилган шодлик ва қувонч.

Ажиб ҳол юз берди умримда гўё,
Кўнглимни тоғ этди қандайин сабаб?
Жимиб қолгандилар ғанимлар ҳатто,
Чунки эшитгандим мен ҳам яхши гап.

2015 йил 3 ноябрь

ЮПАТИШ

Мени ёзибди, деб ўйлайсан гўё,
Шундан безовтасан, қорнинг гар тўқдир.
Ғам чекма, тарихда номингни асло,
Абадий қолдириш ниятим йўқдир.

2015 йил 22 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТИРИКЛИК ҚИЙМАТИ

Укам Абдуваҳоб Орипов хотирасига

Бешикдан чиқибоқ ҳимояга ўт,
Дурустдир, тириклик ғамини есанг.
Ҳар лаҳза ёвузнинг тажовузин кут,
Агар бу дунёда соғ юрай десанг.

Ҳовлинг деворини терак бўйи қил,
Кучукнинг ўрнига боғлаб қўйгин фил.
Танк ҳам сотиб олсанг, тинчийди кўнгил,
Агар бу дунёда соғ юрай десанг.

Ертўла қаздириб, шунга кириб ёт,
Атрофга электр симларини торт.
Шуни талаб қилар, афсуски, ҳаёт,
Агар бу дунёда соғ юрай десанг.

Темурнинг ўқ ўтмас совутини кий,
Ўрта асрлардан келгандек ҳарбий.
Кўзни эҳтиёт қил, тепангда қирғий,
Агар бу дунёда соғ юрай десанг.

Қотил бажаради ишин қотириб,
Ўлдирар, бошингни сувга ботириб.
Ҳушёр боқ, қайдан бу найранг ва фириб,
Агар бу дунёда соғ юрай десанг.

Буткул ер юзининг аҳволи шулдир,
Сени ўлдирарлар ёки сен ўлдир.
Қулоғинг кар бўлсин, кўзларинг сўқир,
Агар бу дунёда соғ юрай десанг.

Худойим негадир бандасин урган,
Инсон кўп, бир-бирин пойлашиб турган.
Ҳеч курса, бекиниб яшашни ўрган,
Агар бу дунёда соғ юрай десанг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бир хил муаммо,
Муфтий, кардиналлар қилсинлар дуо.
Қўлласин Тангрининг ўзи, аввало,
Агар бу дунёда соғ юрай десанг.

2015 йил 6 ноябрь

СЎРОВНОМА

Қўрқмагин, олмасман заррача сафо,
Сенинг на кундузу кечаларингдан.
Аждодлар номини ёдда тут, аммо
Рухсат бер, ўтайин кўчаларингдан.

Сен улуғ шоирсан, мен-чи ҳаваскор,
Зўрға аравасин тортгувчи ночор.
Майлига, писанд қил бизни ҳам бир бор,
Рухсат бер, ўтайин кўчаларингдан.

Сен тенгсиз олимсан, мен-чи нодонман,
Сен – Сино, мен эса мухтож бир жонман.
Ҳеч кимга даъвом йўқ, кўздан ниҳонман,
Рухсат бер, ўтайин кўчаларингдан.

Сен буюк санъаткор, кўкдадир бошинг,
Оламга татийди тарқатган ошинг.
Қуёшинг олтиндир, олтин – қуёшинг,
Рухсат бер, ўтайин кўчаларингдан.

Мухтарам муҳаррир, чўчирсан балким,
Унутма, халқ эрур менинг ҳам халқим.
Эҳтимол, шу юртда бордир-ку ҳаққим,
Рухсат бер, ўтайин кўчаларингдан.

2015 йил 12 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФАРИШТА ҚИСМАТИ

Бир фаришта, қаноти синиб,
Қулаб тушди заминга охир.
Тоғ бағрида, кўзлари тиниб,
Ётар эди оҳ чекиб оғир.

У, фалакда учаркан доим,
Одамзодни дуо қиларди.
Боргин, деса агар Худойим,
Мажруҳларнинг бошин силарди.

Энди эса фаришта танҳо,
Атрофида кўринмас нажот.
Қумга кўмар шамоллар гоҳо,
Гоҳ бўрилар куршайди, ҳайҳот!

Қизиқишди одамлар унга,
Келишдилар гурас ва гурас.
Лекин тегманг, дейишди бунга,
Чунки бизнинг қавмдан эмас.

2015 йил 13 ноябрь

ТАНИШ ТУЙҒУЛАР

Мени ерга урасан ҳар он,
Муродингни англаб етганман.
Билмайсанки, мен аллақачон
Оёқости бўлиб кетганман.

Мақтайсан ҳам сен мени гўё,
Осмонларга кўтарасан, бас.
Менга таниш сен айтган само,
Мақтовинг ҳам янгилик эмас.

2015 йил 16 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ ТУҲФАЛАРИ

Сеники дедилар ёруғ жаҳонни,
Ҳатто сеникидир Инсон деган сас.
Сенга қолдирдилар орзу, армонни,
Лекин борлиқ ўзи сеники эмас.

Абад сеникидир меҳнат заҳмати,
Лой билан, кон билан қоришиқ дунё.
Сеники, турмушнинг барча кулфати,
Сеники эмасдир роҳати аммо.

Одамлар унутган номус ва орни,
Кашфиёт яратдинг – қуёндек овлар.
Боққин, сен эгарлаб қўйган тулпорни,
Ҳар кун миниб чопар бошқа бировлар.

Мовий кўллардаги мафтункор оққуш,
Сенинг ҳовузингдан учганлиги рост.
Энди у сен учун бамисоли туш,
Сенга буюргани патлари, холос.

Не-не орзу билан қазсанг ҳам қудуқ,
Сенга қултум сувин кўрмаслар раво.
Сен-чи, шукур дейсан, зарра даъвонг йўқ,
Яна бошқа қудуқ ковлайсан, аммо.

Ҳаёт тепкилайди ёқангдан тутиб,
Йиғлайсан ўкиниб, чиқармай овоз.
Гўё биров учун рўзангни тутиб,
Гўё биров учун ўқийсан намоз.

2015 йил 22 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ ЖУМБОҚЛАРИ

Дўст ахтариб кезма жаҳонни,
Бугун уни кўрдинг, эҳтимол.
Эслайсанми, ёш бир ўғлонни,
Салом берди бекатда хушҳол.

Душманни ҳам излама асло,
Ёнингдадир кўрсатар фириб.
У, номингни эшитган асно
Радиосин қўяр ўчириб.

Муҳаббатни қўмсайсан ҳар чоқ,
Сенинг учун мисли диёнат.
Пайти келиб, ўксирсан бирок,
Мен ўшаман, деса хиёнат.

Самолардан гина қилма ҳеч,
Лақиллатар турмуш шунчаки.
Бир юзингга қўндими ўпич,
Бир юзингга тушар тарсаки.

Бу жумбоқнинг ечими фақат
Юракдаги саботингдадир.
Пешонагга ёзилган қисмат,
Яшаб турган ҳаётингдадир.

2015 йил 24 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАМШИРА

Ҳаётингга зомин бўлдим мен,
Орзуларинг қолди беадо.
Тун-кун бемор тепасида сен,
Ўлтирасан, уйқудан жудо.

Келган одам беморни кўргай,
Хабар олар яқин ва йироқ.
Гарчи улар ёнингда тургай,
Сўрашмайди ҳолингни бироқ.

Бирдан кўшни палатадан ҳам,
Овоз чиқар "Ҳамшира" деган.
Югурасан у томон шу дам,
Осма укол тугаган экан.

Қовоқларин уйганча гоҳо,
Пайдо бўлар бир тўп шифокор.
Аслида, сен бергайсан даво,
Аслида, сен ҳаммага даркор.

Бир беморинг соғайди у кун,
Қутулганди касалдан шўрлик.
Байрам бўлди бу ҳол сен учун,
Энди ҳорғин юзларинг нурлик.

Фурсат етиб, бешафқат ажал,
Бошқа бирин айлагай одош.
Қариндошу эл-юртдан аввал,
Сен тўкасан аччиқ-аччиқ ёш.

Ҳамма нарса ҳаётда керак,
Руҳни кўтар, яшагин кулиб.
Ўзингсан-ку нажоткор малак,
Ишлаяпсан ҳамшира бўлиб.

2015 йил 28 ноябрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАМОНАВИЙ ҲИКМАТ

Мана бу гапимни тингла, биродар,
Мазмуни соғлиққа келгай баробар.
Билгил, алам қилар, касалдан эмас,
Ичилган доридан ўлиб кетсанг гар.

2015 йил 4 декабрь

АДОЛАТ

Менинг битта армоним бор,
Кимлигинг билмай,
Сен ҳакингда чиқармасин биров хулоса.
Лекин юзсиз рақибларинг андиша қилмай,
Титкилайди таржимаи ҳолингни роса.

Кўзи очиқ ҳар нарсани албатта кўрар,
Ажратолмай колар гоҳо руҳ ва жисмни.
Бир қарасанг, шайтонлар ҳам кўтариб юрар,
Ота-онанг Абдулла деб қўйган исмни.

Ташна чоғинг намакобни узатса тақдир,
Дейсан, ушбу ишорада маъно бор, катта.
Балки сувни ичолмассан, лекин барибир,
Шукроналар айтмоғинг шарт дилдан, албатта

Бу дунёга келгандаёқ башар фарзанди,
Қўл-оёғин бешигига қўярлар боғлаб.
Улғайганда фикрини ҳам этурлар банди,
У бир умр ўтажакдир кўксини доғлаб.

Олдда эса кутиб турар поёнсиз хилқат,
Рост далага куппа-кундуз экурлар ёлғон.
Ақлни-чи, оёқ ости қилгайлар ҳар вакт,
Лекин бу сўз нодонларга бўлгайдир қалқон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳасрат билан кўз ташлайсан яйдоқ оламга
Хаёлингга кела бошлар ҳар хил бадбин ўй.
Ҳатто йўлда кетаётган айбсиз одамга,
Дабдурустдан тош отади худбин ҳасадгўй.

Қўйсалар-да сени ипак кўрпага ўраб,
Орасига кириб олиб, чақар чаёнлар.
Ахир қайга борар эдинг ҳимоя сўраб,
Ўз ичингдан чиқар бўлса ўша ёмонлар.

Қанча-қанча назмчини кўрдим дунёда,
Тиши ўткир, аммо лекин қалами эмас.
Сохта шуҳрат аслиятдан доим зиёда,
Афсус, улар бир ҳаводан олгайдир нафас.

Аравамни ўзим тортдим, очиқ айтганда,
Чумолига озор бермас озурда жонман.
Билатуриб, найзаларинг санчасан, банда,
Ўйламассан, мен ҳам ахир сендек инсонман.

Агар чиндан одил бўлсанг пойингда дунё,
Мана оғоч, мана арқон, билганингни қил.
Иродангга қарши чиқмас ҳеч кимса асло,
Дор тагига ўзи боргай, шуни яхши бил!

2015 йил 7 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФЕРМЕР ҚУДАМГА

Соликчилар фермернинг
Молларин тортиб олди.
Эчки-улоқ, сигирин
"Камаз"га ортиб олди.
Фермер ҳам бало экан,
Машинасини пуллаб,
Соликчидан молларин
Қайтадан сотиб олди.

2015 йил 17 декабрь

КАЛАМУШ

Кекса бир шоирга
Ўқталасан мушт,
Гоҳо минғирлайсан,
Гоҳ урасан жўш.
Сени кўрмагандим
Шу маҳалгача,
Қайда юрган эдинг,
Мурдор каламуш.

2015 йил 18 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТНИНГ ДУМИ

Тўғри гапни гапирсанг,
Эгрилар ғамга ботар,
Меҳрингни изҳор этсанг,
Ғараз тошини отар.
Сен миллат тулпорини
Миниб олға чопурсан,
Кимдир орқадан келиб,
Отнинг думидан тортар.

2015 йил18 декабрь

ЛАЙЛАК ҚОР

Аллоҳимнинг жамолин
Кўрмоқчи бўлсанг,
Наинки, ёзу куз
Ва баҳорга боқ.
Астойдил талпиниб,
Соғинчга тўлсанг,
Декабрда ёққан
Лайлак қорга боқ.

2015 йил 20 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОШ КИЙИК

Минг бора ўтганмиз шу довон оша,
Ёш эдик, соғ эдик – йигитлик замон.
Гоҳ севги бошларди, гоҳи томоша,
Бетакрор Фарғона водийси томон.

У пайтлар дилимга яқин эдинг сен,
Ҳатто тоғу тошинг хуш, дилдор эди.
Ҳар ҳолда Отабек эмас эдим мен,
Менда на Кумушу Зайнаб бор эди.

Қуёш чарақларди кўкда барқ уриб,
Фаромуш айлардик тор гўшаларни.
Бу жойда – Тош кийик пойида туриб,
Бўшатдик қанчалаб май шишаларни.

Теграда водийлар ястанган буюк,
Мен бошқа ҳолатдан шод эдим лекин.
Ҳеч қурса, довонда битта Тош кийик,
Кўриниб турарди мағрур ва эркин.

Йиллар ўтиб кетди, энди мен мажрух,
Лабимни тишлайман, қонимни ялаб.
Ўша Тош кийикдек, аммо озод рух,
Шукур, қашқирлар ҳам туришар талаб.

2015 йил 20 декабрь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИ ЙИЛ

Меҳру муҳаббатга ташна кўнгилни
Ҳатто дақиқалар айлар экан зор.
Бир ўзим билурман, ҳар янги йилни
Қанчалик кутганман бўлиб интизор.

Ундан омонликни кутдим аввало,
Сўнгра осойишта онларни кутдим.
Бир қултум сув билан бир ютим ҳаво,
Тандирдан узилган нонларни кутдим.

Кутдим, набиралар бўлишсин, деб жам,
Ҳар бирин лабида табассум қалксин.
Ёғсин оппоқ қор ҳам гупиллаб шу дам,
Қишнинг куёши ҳам йилтираб балқсин.

Қўни кўшнилару дўсту биродар
Бир-бирин қутласин кувончга тўлиб.
Кекса-ёш бағрини очиб баробар
Йилни қарши олсин жамулжам бўлиб.

Гина-кудуратлар оркада қолсин,
Янги яралгандай бу вужуд – бу тан.
Севиб ва авайлаб бағрига олсин
Ҳар битта фарзандин шу она Ватан.

Самовий нур билан чулғансин юрак,
Шоирлар байтида умидбахш нақл.
Ахир, ортиқчалик қилмаса керак,
Кибрга чегара, нодонга ақл.

Бўлса пешонада даврини сурсин,
Бандаси умрини этмасин исроф.
Қўзичоқ уч-тўрт кун ўйноклаб юрсин,
Чўпон ва чўлиқдан кетмасин инсоф.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жомга шароб қуйсанг лиммо-лим тўлгай,
Тагига тўкилгай ундан ортиғи.
Виждон ҳар лаҳзада кўрикчи бўлгай,
Насибанг – тақдирнинг туҳфа, тортиғи.

Учар осмонларда бахт деган бир қуш,
У юртлар устида қанотин қоқсин.
Ғам-ташвиш гўёки босирик бир туш,
Бесамар ҳаёллар сувларга оқсин.

Кичкинтой набирам талпинар менга,
Шу соат у билан эрурман тенгқур.
Қуллиқ айтажакман, тириклик, сенга,
Берган куни учун Тангрига шукур.

2015 йил 27 декабрь

ТЎРТЛИКЛАР

* * *

Ташна қултум сувни орзу этгайдир,
Олтин пиёлани ахир нетгайдир.
Беморга мол-дунё ваъда айлама,
Бир оғиз ширин сўз унга етгайдир.

* * *

Ночорнинг устидан кулма ҳеч қачон,
Билмасдан камситма, бойвачча ўғлон.
Топган акчасига нон олгайдир у,
Кекса онасига ё дори-дармон.

* * *

Дунёда шундайлар учрайди, билсанг,
Алиф ҳам чиқмайди қорнини тилсанг.
Ҳаммани ўзига ўхшатади у,
– Қанча олдинг, – дейди, яхшилик килсанг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мағизни пўчоққа қарши қўяр у,
Оловни ўчоққа қарши қўяр у.
Иккиси то абад бирлашмасин, деб
Ўртоқни ўртоққа қарши қўяр у.

* * *

Дунёда тириклик эмасдир осон,
Худкашлик эса-чи, ёмондан-ёмон.
Фақат Яратганнинг исмин такрор эт,
Бошқа чора йўқдир, йўқ ўзга имкон.

* * *

Дўстнинг қадри баланд икки дунёда,
Топилмас ўзга зот ундан зиёда.
Бир ҳожи қувончдан йиғлаб турарди
Дўстини учратиб Маккатиллода.

* * *

Навоий ҳақида кимлардир гоҳо
Таъблари нозик деб қилган иддао.
Лекин ўзларининг феъллари қандоқ?!
Ўйлаб кўрмаганлар буни мутлақо.

* * *

Сени кўрай дедим — тонгларим отди,
Оразинг ёришиб, тунни йўқотди.
Лекин қора сочинг юзингга тушгач,
Яна тун бошланди, қуёш ҳам ботди.

* * *

Жами одамлардан етса-ю хатар,
Ёнингда дўст қолса ҳатто бир нафар,
Билгилки, дунёда ёлғиз эмассан,
Даврингни суравер, то рўзи Маҳшар!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Одам тушмагандир юлдуздан, ойдан,
Балки бунёд бўлган заминдан — лойдан.
У бир кун ўлжасин яшириб қўйди,
Одамлик бошланди ана шу жойдан.

* * *

Муз ҳам эриб бир кун майинланади,
Тарозу бордирки — шайинланади.
Авлиё бўлиши мумкин ҳар одам,
Фақат пайғамбарлар тайинланади.

* * *

Кимнидир қарғашар: – Кўзинг оқсин, деб,
Кимнидир алкашар: – Омад боксин, деб.
Биров қўшнисини ёзғирар эди:
– Ёпмаган томингга ёмғир ёғсин, деб.

* * *

Совға берсанг мезбонга – пора дейди,
Тўн кийгазсанг меҳмонга – пора дейди.
Товуқ сўйсанг бобонгнинг арвоҳига,
Бу ишни ҳам осмонга пора дейди.

* * *

Ёмон аёл деган бир ибора бор,
Ҳеч кимга тегмасин бу тамға зинҳор.
У аввал эрининг бошини ейди,
Сўнгра болаларга ўтади, маккор.

* * *

Айланар тегирмон тоши саросар
Бошим ўртадаги донга баробар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менга ҳавас қилма, турмуш зулми бу,
Метин ҳам чидамас унга, биродар.

* * *

Кўрдим, ғолиб экан мудом ёлғонлар,
Турмуш жиловини қўлга олганлар.
Марҳумлар гапирмас, лекин номидан –
Сайраб юрар экан тирик қолганлар.

2013–2015

УНУТИЛГАН ТУЙҒУЛАР

Дарёлардан талаб қилма сув,
Дарахтлардан сўрама соя.
Унут бўлган бундайин туйғу,
Бадар кетган бу каби ғоя.

Меҳр нима – билмайди одам,
Оқибатга қолмаган ўрин.
Манзилингга стиб ол, болам,
Ҳали оқшом тушмасдан бурун.

2016 йил 5 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒАЛАТИ КИМСАЛАР

Шундай одамлар бор
Юрмаслар тўғри,
Албатта, гапида бор чимдим заҳар:
Дейдилар: – Фалончи найновнинг ўғли,
Фалон идорага бўлибди раҳбар.

Биров тўй ўтказар йиғиниб, териб,
Меҳмон қилсам, дея маҳалла-кўйни.
Кимдир камситади ошин еб туриб:
– Сенга ким қўйибди карнайли тўйни.

Фалончи мукофот олибди кеча,
Радио номини уч бор қайтарди.
Дейдилар: – Онаси фалончи чеча,
Тўйма-тўй юрарди, лапар айтарди.

Кибр куни кеча бўлмаган пайдо,
То абад иғвонинг нонин ейишган.
Бола Алишерни камситиб ҳатто,
Кичкина Ғиёснинг ўғли дейишган.

Кўчадан ўтади бир тобут оғир,
Дейдилар: – Етибди бунга ҳам навбат.
Тирик юрган эди азонда, фақир,
Ҳатто қилган эдик тўпланиб ғийбат.

Мудом бундайларга боқдик ҳайратда,
Ажабо, иссиқ ҳам, совуқ ҳам ёқмас.
Ўзларин кимлигин билмас, албатта.
Демак, ўзгага ҳам одамдай боқмас.

2016 йил 11 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТНИ СЕВ

Ҳаётни сев,
Борлигича сев,
Бир ён кулба, бир ён қалъалар.
Осмонларнинг дарғасиман, деб
Учиб юрар лочин, қарғалар.

Ҳаётни сев,
Шодлик, кулфатда,
Бир ён оғу, бир ёнда табиб.
Бир ёнингда ғаним, албатта,
Бир ёнингда дўстлар бор, ҳабиб.

Ҳаётни сев,
Ёзми, қаҳратон,
Ҳар лаҳзада шукроналар айт.
Ҳатто Ҳажга боргину, шу он
Совимаган тўшагингга қайт.

Ҳаётни сев,
Тўйиб ва тўйиб,
Ота-онанг, фарзандинг қадар.
Десинларки, сен кўнгил қўйиб,
Сўнг ўзинг ҳам бўлдинг мўътабар.

Ҳаётни сев,
Боғлагин қанот,
Фазога ҳам учгин таваккал.
Қаттиқроқ сев, сени шул ҳаёт
Ёмон кўриб қолмасдан аввал.

2016 йил 12 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОНАДОН ШЕЪРИ

Каттакон шу дунё қўйнида
Яшнаб турар бизнинг хонадон.
Эртанги кун мудом ўйида,
Ҳар биттамиз орзуманд чандон.

Соғлиқдадир менинг хаёлим,
Тун ва куним ўтар имиллаб.
Ёнимдасан, мунис аёлим,
Куйманасан тинмай ғимиллаб.

Яширасан ҳолингни доим,
Эмасмиз-ку ахир туйғусиз.
Гувоҳ эрур ёлғиз Худойим,
Мен уйқусиз, сен ҳам уйқусиз.

Мендан олиб қочасан кўзни,
Жилмаясан лабларинг титраб.
"Тузаласиз", деган бир сўзни
Шивирлайсан ёнингга қараб.

Дастурхонга келганда таом
Термиласан, бир сўз демассан.
Мен очликка банди батамом,
Сен ҳам бирор луқма емассан.

Туш кўрибман дейман, кун порлаб,
Ёритибди бизларнинг уйни.
Энтикасан ўғлингни чорлаб,
Сўйсин, дейсан боғланган қўйни.

Тонгда баъзан кузатаман мен,
Телефонда манзил сўрайсан.
Биламанки, шу кетишда сен
Фолбинларга бориб учрайсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нега шундоқ махзун кунни ҳам
Кўролмайсан, бадкирдор ғаним?
Хоҳлайсанки, енгса мени ғам,
Тупроқларга қоришса таним.

Қайта бошдан туғилмоқни гар
Тангри менга кўрсайди раво.
Йўлатмасдим сени мукаррар,
Ёнигга ҳам бормасдим асло.

Ер юзининг қай бир буржида
Кун кўрардим, хаёлим билан.
Яшар эдим бахт илинжида,
Ўша мунис аёлим билан.

2016 йил 15 январь

ТАНҲО ҚУШ

Осмонда бир танҳо қуш учар,
Юракларни ўртар овози.
Гоҳ варракдек баландлаб ўтар,
Гоҳо пастлаб кетар парвози.

Биров билмас, учмиш у қайдан,
Қайга қўнар? Бу ҳам номаълум.
Ноласи бор – узилган найдан,
Ғойиб бўлар ўтмасдан бир зум.

Ўша қушдек яшадим чўчиб,
Сизни хавфдан айладим огоҳ.
Кетолмадим кўкка ҳам учиб,
Тополмадим ерда ҳам паноҳ.

2016 йил 27 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ МУАММОЛАРИ

Ота-бола кезади сарсон,
Юраклари тўлганча оҳга.
Яқин бориш эмасдир осон,
Иш берувчи бирор даргоҳга.

Кимларгадир ялинмоқ учун,
Зўр ирода керакдир, ростдан.
Унут энди илмнинг кучин,
Акча сени кўтаргай пастдан.

Ноёб эрур авлиё қадар,
Саховатли, бетаъма одам.
Имконини тополса агар,
Ҳақ сўрашар чумолидан ҳам.

Таъмирласанг Каъбани ҳатто,
Кўрмаганга оларлар ўзни.
Фазилатинг пайқашмас асло,
Нуқсонингга тикарлар кўзни.

Тафаккурдан мосуво инсон,
Нафснинг қули бўлгайдир, наҳот.
Бир чеккада Инсоф ва Виждон,
Секингина чекади фарёд.

2016 йил 1 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФОЖИА

Боласин дафн этган учта суҳбатдош,
Бир давра бўлишиб йиғлашар эди.
Бу ғамга тоғлар ҳам беролмас бардош,
Қалбларин беаёв тиғлашар эди.

Тўртинчи суҳбатдош боласин қучиб,
Қалт-қалт титрар эди: – Бермайман, дея.
Ўлим боқар эди ранги қув ўчиб,
Эски дарвозани очганча қия.

2016 йил 3 февраль

КАМОЛОТ

Сен эслай олмассан,
Хаёлан аммо
Бешикда ётган у чоғларингга қайт.
Ким сени овутди саҳаргача то,
Ким сени оёққа турғизганди, айт.

Қайси зот тил бериб, чиқарди йўлга,
Шеър айта бошладинг бирдан чулдираб.
Инсонлик юқмаса агар кўнгилга,
Юрардинг Маугли каби ғўлдираб.

Кекса гўдак бўлиб, силаб соқолинг,
Давранинг тўрида ўлтирмоқлик ор.
Сен ҳам тушун энди бошқалар ҳолин,
Ахир шуъла кутган гўшалар бисёр.

Агар бир мўйсафид сўраса мадад,
Йўлдан ўтказиб қўй, ҳеч бўлмаганда.
Шаклга солинган эт эдинг фақат,
Улғайиб, толеинг гар кулмаганда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шукур қил, камолот келса ярақлаб,
Ярашгай тулпору камар билан тўн.
Бир лаҳза бўлса-да порлаб, чарақлаб,
Элу юрт кўксига юлдуз бўлиб кўн!

2016 йил 16 февраль

ҚЎҒИРЧОҚЛАР

Уйда набиралар ўйнар қўғирчоқ,
Бири пластмасса, бири латтадан.
Орқадан калитин бурасанг бироқ,
Қимирлаб чиқарар овоз дафъатан.

Ойнаи жаҳонни қўйсанг ногаҳон,
Ўнта қўғирчоқни ўйнатар кимдир.
Бири бўри бўлса, бирови қуён,
Бири бола бўлса, бошқаси кампир.

Қай бир идорага боксанг гар ўтиб,
Қўғирчоқ шовқини келар ростакам.
Сакраб ўйнашади ўзидан кетиб,
Бошлиқ бураб турар мурватин ҳар дам.

Асло ишим йўқдир бу билан, аммо
Ногоҳ диққатимни тортади улар.
Ўйлардим, қўғирчоқ эмасдир дунё,
Камаяди десам ортади булар.

Мен бу ўйингоҳга қарайман ҳайрон,
Қўғирчоқлар билмас борар ерини.
Жойи циркдамикин ёки ғаладон,
Кутади ўзининг Шекспирини.

2016 йил 22 февраль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАРҚ ҚИСМАТИ

Шарқликман,
Эмасман йўлидан озган.
Санъатга ўрайман айтар сўзимни.
Тагор ҳинду бўлиб мадҳиям ёзган,
Мулла Тўйчи айтган "Қора кўзим"ни.

Кашфиёт қилай, деб уринмай ҳарчанд,
Йўлимни муттасил тўсди хурофот.
Фикрим коинотни қучса ҳам гарчанд,
Мудом ҳамроҳ бўлди ароба-ю от.

Мен ҳатто қуёшнинг ҳидини сездим,
Юлдузлар ифорин туйдим бехато.
Гар севсам, Карбало даштида кездим,
Кирди тушларимга Тожмаҳал танҳо.

Бошқалар яратди, мен эса тун-кун,
Унга мафтунликдан айламадим ор.
Афсус, энг чиройли гулнинг ҳам бир кун,
Сўлиб, оёқ ости бўлмоқлиги бор.

Бойлик қазиб олдим ернинг остидан,
Тугаб қолишини ўйламай асло.
Тўй қилиб, айрилган бор бисотидан,
Ношуд бойваччанинг ўзиман гўё.

Энди англаб етдим, шуҳрат-шонимни
Таъмин этган экан буюк даҳолар.
Ёвларнинг ўқидан хонадонимни
Асраб келмиш доим эзгу дуолар.

2016 йил 2 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСТОНА

Ватан остонадан бошланар, болам,
Буни рад этолмас бирорта одам.
Бироқ, билмасдирсан, шул остонадан
Гоҳо бошланади мусофирлик ҳам.

2016 йил 14 март

ТОИФАЛАР

Сизга баб-баробар ёқмасман сўзсиз,
Гарчи шеър ёзаман ёқмоқ қасдида.
Бирингиз нарвоннинг тепасидасиз,
Иккинчингиз эса унинг пастида.

Бир жойдан чиқмаган фикрингиз асло,
Бирингиз тегирмон, иккинчингиз дон.
Мен-чи, тегирмончи кимсаман гўё,
Гапим уқтиролмай, ўртада сарсон.

Бирингизга ёқар офтобли кунлар,
Бирингиз ёмғирли кунга ошиқсиз.
Бирингизда мудом ҳасратли унлар,
Бошқангиз ҳамиша кўнгли очиқсиз.

Сиз шайдо ва лекин фарқингиз анча,
Дилингиз турлидир, ҳатто қоришиқ.
Бир вақтнинг ўзида, уринмай қанча,
Айтиб беролмасман икки хил қўшиқ.

Балки қалбларингиз англамоқ учун
Йиллар ўтиб кетар секин ва оғир.
Келишиб олгайсиз, иншоллоҳ, бир кун,
Қолмас орангизда жумбоқ билан сир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозир-чи дардингиз турфадир мутлоқ,
Рози ҳам бўлмайсиз мендан шу фурсат.
Бировингиз учун кўринсам-да оқ,
Иккинчингиз учун қораман фақат.

2016 йил 16 март

ҲАЁТ ИБРАТЛАРИ

Кўчадан келдиму ҳовлимда ногоҳ,
Ари уясига бошимни тиқдим.
Қайси кун, жарчи қуш қилса ҳам огоҳ,
Қашқир тўдасига бирдан йўлиқдим.

Ёз пайти сафарга чиқиб бир замон,
Дафъатан тушганман қишнинг забтига.
Аёзда йўл босдим, эгнимда чопон,
Бироқ дучор бўлдим ёзнинг тафтига.

Жаннатни кўрай деб, мен шўрим куриб,
Қанча синовларга айладим бардош.
Ва лекин дунёдан кетмасдан туриб
Дўзах аҳли билан бўлдим даврадош.

Ахир эзгуликка тиккандим-ку кўз,
Дилимда яшарди улуғ ибодат.
Барча юкунишлар ҳайф экан, афсус,
Агарда бўлмаса улар ижобат.

Қирқ йил камситдилар эринмай, ескин,
Кирар эшигимни қаттиқ ёпмадим.
Ўзимча барчани тушундим, лекин
Мени англайдиган зотни топмадим.

2016 йил 29 март

www.ziyouz.com kutubxonasi

УМРИМИЗ ЙЎЛЛАРИ

Оқшом чўкар аста,
Бошланади тун
Тошкентнинг ўрда-ю гўшаларида.
Ўғлим иккаламиз кезамиз беун,
Улкан бу шаҳарнинг кўчаларида.

Самодан тушгандек миллионлаб чироқ,
Ғаройиб нур билан чулғанар замин.
Бу жойда жам бўлар яқин ва йироқ,
Мен бунда тотганман ёшликнинг таъмин.

Улуғ давраларда чархланди руҳим,
Кўрдим дўстларимдан иззат, эътибор.
Сирли шеъриятга тўлди шукуҳим,
Балки зиналарда изларим ҳам бор.

Энди ёшим ўтган, қадрдонлар кам,
Билмайман ногаҳон борар еримни.
Торайиб қолгандек кўринар олам,
Гарчанд эъзозлашар ҳамон шеъримни.

Болам-чи, во ажаб, у ҳам беманзил,
Гўёки соҳилда қолдик икковлон.
Шаҳар қайнаб ётар, одам турфа хил,
Омад боқмас лекин бизларга томон.

Умрнинг бепоён йўллари бўйлаб,
Қайгадир жимгина ташлаймиз қадам.
Мен-ку ниманидир юрибман куйлаб,
Фарзандим кўнглида нелар бор, билмам.

Инсон тафаккури, бахту иқболи
Жўн бир тасодифга боғланмасин ҳеч.
"Олам заволидир олим заволи",
Буни Расулуллоҳ айтган эрта-кеч.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳикматни уқмади лекин одамзод,
Оёқ ости бўлди онг билан шуур.
Заминда юрсак ҳам бепар, беқанот,
Ҳар нечук ҳаётмиз, шунга ҳам шукур.

Ўғлим, фақатгина Ҳақнинг йўлин тут,
Мудом эзгулик деб қилгин ибодат.
Бир кун бу синовлар бўлгайдир унут,
Буюк иродангга таянгин фақат.

Ҳамдамдек қувончим ва фарёдимга,
Яна кўринади қуёш тонг-саҳар.
Олис ёшлигимни солиб ёдимга,
Бошимни силайди онамдек шаҳар.

2016 йил 7 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

АВЛИЁ ҚИССАСИ

Чилла ўтирмоқни қилди-ю ният,
Ғорга кириб кетди бир кун авлиё.
Муҳиблар дедилар гувраниб ғоят:
– Дуонгиз ижобат бўлсин, илоё.

Лекин авлиёни вақт ўтган сайин,
Унута бошлади муриду толиб.
Недир юз берганди ўртада тайин,
Қандайдир фалокат келганди ғолиб.

Пайт етиб, тугади чилла муддати,
Авлиё ғорини тарк этди у кун.
Қалбида жўш уриб меҳру шафқати,
Муҳиблар қошига йўл олди мамнун.

Кеча соме бўлган кимсалар аммо
Ёвуз назар билан қарши олдилар.
Иблис келди, – дея кўтариб ғавғо,
Уни эл ичидан ҳайдаб солдилар.

Рост йўлдан адашгай банда ҳар маҳал,
Магар юрагида заифдир имон.
Кор қилмас энди ҳеч дуо-ю амал,
Сарсондир авлиё, пирлар саргардон.

Ҳаттоки эзгулик топгайдир барҳам,
Юмилгай виждоннинг иккала кўзи.
Авлиё ғор томон қўйганда қадам,
Қалбларга кирганди Иблиснинг ўзи.

2016 йил 15 апрель

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕҲРИБОН

Барно Хўжаева хотирасига

Бир синглим бор эди, ғоят меҳрибон,
Тарк этди дунёни кеча ногаҳон.
Йироқдан келгандек овози энди:
– Сизга ғам орттирдим, шуниси ёмон!

2016 йил 17 апрель

ХАЁЛ ВА ҲАЁТ

Магар чиқиб кетсам тоғларга томон,
Бўлардим айиқлар билан суҳбатдош.
Дўлана терардим балки ёнма-ён,
Меҳрибон дўстлардек туну кун йўлдош.

Шўнғиб кетсам агар теран уммонга,
Сувларнинг остида юрардим яшаб.
Балиқда тоқат йўқ шовқин-суронга,
Улар бақирмайди бизларга ўхшаб.

Бир кун осмонларга айласам парвоз,
Турналар сафида чаппар урардим.
Танишдир юлдузлар чалиб турган соз,
Базмига қўшилиб, жўр ҳам бўлардим.

Бу гаплар амалга ошмагай асло,
Энди хаёл билан қолганман буткул.
Бошқа бировни-ку айтмангиз, ҳатто
Набирам кўнглига тополмасман йўл.

Ҳануз тараққиёт тўхтаган эмас,
Ғордан чиққан каби шу зум одамзод.
Турфа синовларга кела олди бас,
Лекин ўзлигини унутди, ҳайҳот!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Афсус, қалбсизликка юз бурди Инсон,
Ақчадир суянган мураббийси ҳам.
Туйғулар бир четда қолдилар ҳайрон,
Бевақт нафақага чиққандек одам.

Ҳеч кимнинг сен билан иши йўқ зарра,
Майли, кўк тоқига чироғингни ос.
Исмингни сўрашмас, ҳатто бир карра,
Фалон рақамдаги бандасан, холос.

2016 йил 30 апрель

ИСТИҚЛОЛ ЮРТИ

Кўрганларинг эмасдир сароб,
Олганинг ҳам қарз эмас, нақддир.
Ниҳолни-ку экмоқлик савоб,
Мевасини смоқ ҳам бахтдир.

Бир йигитнинг камолотига
Кафолатдир йигирма беш йил.
Эгар урди ўғил отига,
Хизр бўлсин, илоё, йўлдош.

У кўзини очган кунданоқ
Сабот ўзи йўргаклаб олди.
Синовларга дуч келди, бироқ
Улар издек оркада қолди.

Севги юрак мулкидир танҳо,
Муҳаббатнинг йўқдир бозори.
Бундай ўлка учрамас асло
Тилидадир дилида бори.

Юртим, сенга бахшида кўнгил,
Фармон эрур менга ҳар сўзинг.
Юрагимда йигирма беш йил
Олиб юрган дардимсан ўзинг.

2016 йил 8 май

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭСКИ ДАФТАРДАН

ЎҒЛИМ ИЛҲОМЖОННИНГ ШЕЪРИ

Биз яхши кунларни хаёл этгандик,
Ўзингиз от қўйган Илҳомжон билан.
Кичкина дунёда каттакон эдик,
Шараф ота деган кенг жаҳон билан.

Не қилиб қўйдингиз, отажон, ахир,
Кимга зарур бўлди азиз жонингиз.
Бу қандай бедодлик, бу қандай тақдир,
"Бобом ўлмаган" дер, Илҳомжонингиз.

Ота юртимизнинг ҳар гўшасида,
Тириклар мисоли бирга юргайсиз.
Унинг ҳар воҳаси, ҳар кўчасида,
Азиз Ўзбекистон бўлиб тургайсиз.

1983 йил 31 октябрь

* * *

Абдулла Қодирий хотирасига

Азалий ҳақ гапни яширмоқ нечун,
Завол йўқ энг асл истеъдод учун.
Агарда коинот тегирмон бўлиб,
Оламни янчса ҳам, қолгай у бутун.

1990 йил 10 январь

www.ziyouz.com kutubxonasi

САДОҚАТ

Ҳар бир катта ва улкан ижодкорнинг янги асарлари жамланган китоб халқнинг маънавий ҳаётида ўзига хос воқеадир. Ўтган асрнинг якунловчи йилида Абдулла Орипов "Танланган асарлари"нинг 1-жилди чоп этилган эди. Янги асрнинг ўн олтинчи йилида шоирнинг кейинги икки ярим йиллик ижод намуналарини ўз ичига олган 8-жилд шеър муҳибларига ҳавола қилинмоқда. Жилд асосан Қора денгиз бўйида ёзилган ҳамда "Уммон орти илҳомлари" туркумини ташкил этган шеърлардан жамланди. Шоир ўн тўртинчи йилнинг қиш ва баҳор ойларини Қора денгиз, ўн бешинчи йилнинг ёз ва куз фаслларини Атлантика океани бўйларида ўтказди. Шоирнинг бутун ижодида кузатилганидек, ушбу шеърларда ҳам у ўз ижодий кредосига содиқ қолганлигини кўриш мумкин. Яъни фақат ўзи кўрган, гувоҳ бўлган, руҳиятига таъсир қилган ҳаёт фактлари қалбни жунбишга келтирган, ижод "талвасаси"га туртки бўлган.

Жилддан ўрин олган шеърлар шоир ижоди янги мавзулар, янги ифода воситалари билан бойиганлигидан, давр ва халқ, шахс ва жамият, инсон ва унинг қалби, ҳаёт ва ўлим, нур ва зиё, муҳаббат ва нафрат, яхшилик ва ёвузлик, самимият ва ҳасад, меҳр ва қабоҳат сингари ўлмас ва азалий мавзулар янги ифода воситалари орқали очиб берилганлигидан, нарсалар ва ҳодисаларга янги шоирона нигоҳ билан назар ташлаш намоён бўлганлигидан далолат беради.

Шоирнинг ушбу давр ижоди учун мавзулар доираси янада кенгайганлиги, ҳаётни руҳий-ҳиссий, бадиий-фалсафий таҳлил қилиш янада теранлашганлиги, лирик образнинг кўлами, салмоғи ошганлиги баробарида юксак бадиий савия, санъат асари сифатида мукаммаллик, инсоннинг руҳий олами "қатламлари"га теран кириб бориш, Давр ва Вақтни бадиий идрок этиш, кенг дунёқараш, образлар ва манзараларнинг тугалланган шеърий шаклга солиниши хосдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кечаги ва бугунги кунимизнинг машҳур шеършунос заргари Иброҳим Ғафуров 1972 йилда бундай деб ёзган экан: "Абдулла Орипов кечаги кунги кўкларга кўтариб мақташлардан, шеъриятимизнинг юлдузи, метеори деб ҳамду сано тўкишлардан юкори кўтарила олди. У ҳеч бир мушакбозлик, ҳеч бир вақт, ҳеч бир кимсага боғлаб берилмаганлигини англаб етди. Мен фақат унинг бугунги шеъри кечаги шеърларининг давомигина бўлиб қолмаслигини истардим. Мен чуқур ишонаманки, унинг етмишинчи йиллар шеъри олтмишинчи йиллар шеъридан фарқ қилади, у янги оҳанглар, янги воситалар топади, янги ифодавийликка эришади".

Шоирнинг ўтган асрнинг саксонинчи, тўқсонинчи, янги асрнинг дастлабки ўн йилликларидаги ижоди, ушбу жилдга кирган шеърлар асло бир-бирининг такрори бўлиб қолмаганлигидан, "янги оҳанглар ва янги воситалар" билан бойиганлигидан, шоирона эҳтирос ҳеч бир сусаймаган ҳолда бадиий юксаклик тобора юқорилаб борганлигидан далолат бсради. Айникса, "Янги аср манзараси", "Имтиҳон", "Осмондаги зилзила", "Ўтган тарихлар", "Ҳаёт йўлларида", "Буюк сабр", "Аср фожиаси" каби шеърлар учун сатирик руҳнинг устунлиги, ички аччиқ истеҳзо, билинар-билинмас, яширин киноя чуқурлашгани, кайфият ва кечинмалар нафақат ташқи олам ходисалари, балки бевосита инсоннинг руҳий олами билан вобасталикда ифодаланиши хосдир.

Шеърият моҳият эътибори билан муҳим, юксак, гўзал, баъзан зиддиятли ҳолатлар, инсоннинг идеаллари ҳақидаги сўздир. Шеърга объект қилиб олинган воқеа, ходиса ва ҳоказоларни, предметларни ўз ҳаётининг, яъни субъектнинг ажралмас бўлагига айлантириш, қалб призмасидан ўтказиб ижтимоий аҳамиятли умумлашма даражасига кўтариш чинакам катта шоирларгагина насиб қилади. Бу жиҳатдан "Ҳамжиҳатлик" ва "Намойиш" шеърлари характерлидир. Нақлларга асосланган биринчи шеърда қадимда давлати қудратли, халқи фаровон яшаган бир хоқон ўзга диёрларни босиб олгиси келиб чоратрофга ўз хуфяларини юборганлиги, улардаги аҳволдан воқиф қилишни, кучи-қудрати нимада эканлигини билиб келишни буюрганлиги ҳақида сўз боради. Бирида хуфянинг хабарига кўра бойлик кўп экан. Бироқ бу хабар хоконга маъқул келмайди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Деди: – Мен чинорман, у эса чўпдир,
Ундан бойликларим юз бора кўпдир.
Менга маъкул эмас ушбу хабаринг,
Кўринма кўзимга, соткинсан баринг.

Теварак-атроф ўлкалардаги ҳақиқий аҳволни билиб келиш учун зудлик билан бошқа бир хуфя юборилади ва у кўрганларини хоқонга стказади:

– Мен борган жойларда ярок кўп экан,
Ҳар ён килич-қалқон, минглаб тўп экан.

Бу гапни эшитиб қичқирди хоқон,
Деди: – Қуролимни кўрмабди жаҳон...

Қутурган туялар, совутли филлар,
Кўрса тилдан қолар не мағрур эллар.

Энди учинчи хуфя йўлга чикади ва қайтиб келади:

Уларда бир орзу, бир ният экан,
Ҳаммаси жипс экан, ҳамжиҳат экан.

Ўрнидан қалқаркан бойми, камбағал,
Ватан деган сўзни эшитган маҳал.

Бу гапларни эшитиб:

Хоқон сўз демади, оғир тин олди,
Тахтига ёнбошлаб, ўйланиб қолди.

Деди: – Бундай юртни олиб бўлмайди,
Олсанг ҳам, изминга солиб бўлмайди.

Инчунин, юртнинг, миллатнинг бойлиги, куч-кудрати жипсликда, ҳамжиҳатликда экан. Бирок оддийгина бўлиб кўринган бу фикр шеърий образ воситасида улкан, салмокли, шак келтирилмайдиган аксиомага айланади. Ушбу шеър, айникса, шеърий санъатнинг мукаммаллиги билан ажралиб туради. Абдулла

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ориповнинг "кофия пири" эканлиги, мўлжалга бехато урадиган сўзларни топиши шеърда тўла-тўкис, ярқ этиб намоён бўлган:

Қимирлаган жонга берганман ярок,
Қилич такиб олган хатто чақалоқ.

"Намойиш" шеъри дунёнинг бугунги манзараси санъаткорона чизиб берилганлиги билан ибратлидир. Шоирнинг поэтик тасаввурига кўра осмоннинг "Сомончи йўли"да "катта-кичик давлатлар, барча қитъалардан келган миллатлар иштирокида кўрик, парад бўлиб ўтибди:

Найзасин кўтариб Африка ўтди,
Там-там овозлари самони тутди.

Улар кийиб олган турфа либосин,
Бири филин минган, бири қўтосин.

Осиё етаклаб болаларини,
Аравага ортган бомбаларини.

Бизникилар ўтди хушнуд ва ғолиб,
Пахта чаноғини қўлига олиб.

Ўтдилар, дейишиб акани опа,
Жинсни фарқлай олмай қолган Европа.

Турли ўйиннинг ҳам борлиги дуруст,
Ракетаси билан кўркитди ўрис.

Ҳамма ёқни босган турли штаблар,
Режиссёрлик қилди ўзи – Штатлар.

Ушбу шеърда "жаҳон айвони"даги ҳозирги ҳолат, дунёдаги турли низою можаролар, ҳар бир миллату қитъаларга хос хусусиятлар, стакчи белгилар ўз ифодасини топган. Бироқ томоша охирлаб қолса-да ҳеч ким китоб кўтариб ўтмайди. Яъни бугунги кунда дунёнинг кўпчилик гўшалари учун маънавият орқага сурилган, иккинчи даражали, бойлик, ҳашам биринчи ўринда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоирнинг 1969 йилда ёзилган «Илк севги» деб номланган кичик бир шеъри бор:

Оддий машинани кўрса болалар
Ҳайратга тушишни канда қилмайди.
Олис юлдузларга улкан ксмалар
Учиб юрганини улар билмайди.
Биз-чи, дунё ишин биламиз андак,
Оила қурамиз, бола кўрамиз.
Лекин машинага боққандай гўдак,
Ҳамон илк севгини эслаб юрамиз.

Инсоният фан ва техника соҳасида мислсиз кашфиётлар, ҳайратланарли ихтиролар яратаётган бизнинг асрда, бир қараганда, муҳаббат масаласида ҳам ҳеч бир жумбоқ қолмагандек. Бола оддий нарсадан ҳайратлангани сингари инсон ҳам ҳамон муҳаббат тилсими олдида танг, ожиз, чорасиз аҳволда. Муҳаббат ҳамон сирли, мўъжизали, жумбоқли. Бироқ бугунги глобаллув шароитида, Интернет тармоғи, ҳар хил сайтлар бутун оламни, барча бандаи мўминни чирмовиқдек қоплаб олган даврда дунёнинг баъзи жойларида, хусусан Ғарб мамлакатлари ва бошқа ўлкаларда муҳаббатдек бокира туйғуга заха етаётгандек. Шоирнинг 2013 йилда ёзилган "Европа" шеърида мана шу ҳадик ўз ифодасини топган.

Муҳаббат аталмиш бир ҳис бор эди,
Уни деб қавмлар бир-бирин еган.
Жульетта исмли бир қиз бор эди,
Бир йигит бор эди Ромео деган.

Бор эди муҳаббат аталмиш қўрғон,
Учиб киролмасди чивин ҳам ҳатто,
Совғасин Ягонинг қўлида кўрган,
Бўғиб қўя қолган жуфтин Отелло.

Ҳа, узоқ ва яқин ўтмишда Европада ҳам тоза, соф муҳаббат улуғ мақомда эди. Ромеодек ошиқлар муҳаббат йўлида ўлимга

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам тайёр эдилар, Отелло сингарилар ёрини рашк қилиб ҳар нарсадан тап тортмас эдилар. Шекспирдек даҳолар бу мавзуда буюк асарлар яратган. Энди-чи? Интернет тармоғидаги ҳар хил ижтимоий сайтлар орқали "оммавий маданият" нишоналари зўр бериб тарғиб қилинмоқда, ҳатто баъзи мамлакатларда бир жинсдагилар никоҳи қонун доирасида тан олинмоқда:

Энди бу юртларда дунё тескари,
Муҳаббат ҳислари бадар кетганлар.
Жаннатни мадҳ этиб юрганлар бари
Жаҳаннам комига бориб етганлар.

Хўроз хўроз билан ўтказса тўйин,
Буқалар буқа деб ипини узса.
Бу кандай томоша, бу кандай ўйин,
Сигирлар сигирга кўзини сузса.

Муҳаббат ҳақида ўтли, оташин, самимий туйғуларга йўғрилган мисраларни битган шоир дили соғлом ақлга зид бундай "стандартлар"дан безовта, ярадор. Гап фақат жинслар ўртасидаги муносабатларнинг бугунги кўринишлари ҳақида эмас, балки фан-техниканинг мислсиз ривожланишидан ҳеч бир колишмайдиган даражада инсоният тутумида ҳам юз бераётган ўзгаришлар, иймон, виждон, савоб деган фазилатлар, инсонга хос азалий туйғулар ўрнини зулм, шафқатсизлик эгаллаб бораётганлиги ҳақида:

Ҳануз тараққиёт тўхтаган эмас,
Ғордан чиққан каби шу зум одамзод.
Турфа синовларга кела олди бас,
Лекин ўзлигини унутди, ҳайҳот!

Афсус, қалбсизликка юз бурди Инсон,
Ақчадир суянган мураббийси ҳам.
Туйғулар бир четда колдилар ҳайрон,
Бевақт нафақага чиққандек одам.

"Уммон орти илҳомлари" туркумига кирган шеърлар ҳақида суҳбатлашар эканмиз шоирнинг қуйидаги мулоҳазалари эъти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

борни тортди: "Инсоният тарихини тафаккур ва илму фан тарихисиз тасаввур этиш айни нодонликдир. Одамзод дастурхони фаровонлиги омилини рад этиш ичиқоралик ва ҳасаднинг яққол намунасидир. Тўртта сиёсатчига аччиқ қилиб бутун бир қитъани бадном қилиш айнан кўрликдир.

Одамзод тарихига синфийлик нуқтаи назаридан қаралса, ҳамма нарса чалкашиб кетади. Бунга тарих гувоҳ. Шўролар тузуми ўзининг бутун ҳаёти давомида Американи, Европани, Ғарбни сўкиш билан машғул бўлди. Ҳолбуки, кишилик тараққиётининг энг бетакрор намуналари ўша юртларда яратилгани сир эмас. Армстронг ойга қадам қўйганда коммунистлар бу фактни кўриб-кўрмасликка олдилар. Айрим ўзбек шоирлари буржуйлар Ойда олтин ахтараяптилар, деб чиқдилар. Одамзоднинг миллион йиллик ғалабасини бу кўр сичқонлар албатта кўрмас эдилар. Энг ёмони давр уларнинг қўлида эди. Ўтган асрда йирик талант эгалари, шоирлар ҳам даб-дурустдан "Нима бизга Америка", деган ёлғон риторикани такрорлашдан нарига ўта олмадилар. Бундайлар аслида Америка тугул Ғаллаоролниям кўрмаган.

Инсон болалари бир сайёрада истикомат қилар эканлар бир-бирларидан ниманидир ўрганишлари шарт. Бир-бирига ҳасад билан эмас, ҳавас билан қарашлари лозим.

Мен "Уммон орти илҳомлари" туркум шеърларни ёзар эканман хаёлимдан ҳар лаҳза мана шундай оғриқли саволлар ўтиб турди.

Кўпгина шеърларимда шу каби мавзуларга ишоралар мавжуд. Масалан, ўша тараққий этган Америкада, эътироф этиш керакки, биздаги шарқона, самимий инсоний муносабатлар деярли учрамайди".

Шоир қаерда бўлмасин, Қора денгиз ёки Атлантика қирғоғида туриб қайси мавзуда шеър ёзмасин, ҳамма вакт кўз ўнгида жонажон диёри, Ўзбекистон туради:

Бир умр курашдик орзулар учун,
Ҳа ойи сўз айтиб, ўртама жонни.
Дунё карвонининг бошида бир кун
Кўрсам етарлидир Ўзбекистонни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир қирк йиллар мукаддам "Онажоним шеърият" шеърида ижод унинг учун дунёдаги ягона, энг юксак юмуш эканлигини, ўзи яшаб турган даврнинг барча хурсандчиликлари, жароҳатлари, яхшисию ёмони унинг қалами учун бегона эмаслигини, гарчи мушкулликлар учраса-да ҳақ йўлидан адашмаслик ҳамиша унинг шиори бўлиб қолишини изҳор қилган, нурли манзилларга стиб боришни орзулаган эди. Орадан ўтган йиллардаги, хусусан ушбу жилдга кирган ижод намуналари шоир ўз ижодий дастуруламалига, ҳаёт ҳақиқатига асосланган бадиий ҳақиқат тамойилларига, сўзга, бу оламда "топган тож-тахти" – шеъриятга содиқ қолганлигидан, вақт деган буюк ҳакамнинг қаршисида мулзам бўлмаслигидан гувоҳлик бериб турибди.

Дониёр БЕГИМҚУЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Ҳаёт ҳадислари....4
Кўча....5
Ҳаёт сабоқлари....6
Бобо дуоси....8
Яхшилар....9
Моҳирлик....10
Тилак....10
Гулдаста....11
Ўзбекистон мадҳияси....12
Истанбуллик....13
Қора денгиз....14
Ободлик....15
Муҳаббат....16
Ассалом....17
Ўзбек тилим....18
Маҳмудбейга....19
Зомби....19
Вақт....19
Болажон....20
Ташландиқ ваґон....20
Ўзбекчилик....21
Ҳасадгўй....21
Яхши ва ёмон....22
Собиқ сафдошлар....23
Иш вақти....24
Чироқ....24
Шогирд мақоми....25
Сўров....26
Сажда....27
Уч зина....28

www.ziyouz.com kutubxonasi

Босфор 28
Халқим 29
Набирамга 30
Шифохонада 30
Меҳрибон 30
Чумолихўр 31
Билағонлик 31
Ҳимоят 32
Ҳақ гап 32
Кечиргин 33
Ўйин 33
Кўникиш 34
Икки болакай 34
Одил Ёқубов 35
Почта қутиси 36
Қушларим 38
Ўғри ва тўғри 38
Икки ҳамроҳ 39
Қовун ҳиди 39
Ҳаёт 40
Муаззам дарё 42
Парҳез 43
Дўконлар 43
Одат 44
Ватан меҳри 45
Мақтаниш 46
Ифтихор 47
Унутиш 47
Одам ва тулпор 48
Мадад 48
Қариялар суҳбати 49
Тўйлар 50
Мардлик 51
Ҳешу акрабо 52
Надомат 53
Мулк 54
Эслаш 54

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ажабо 55
Икки қария 55
Сафар 56
Дилозор 56
Лаҳза 57
Оч одам 58
Ҳақиқат 58
Ҳаёт кўринишлари 59
Кун кўриш 60
Кўзёш 61
Талқин 62
Нонушта 62
Ўғлим Илҳомжонга 63
Кечир шеърим 63
Полвон 64
Фазилат 65
Малак 66
Бемор 66
Учинчи бўлим 67
Шоколад 67
Ёлғизлик 68
Тўда 69
Узр 70
Момо 71
Аксиома 72
Шарҳ 73
Сўконғич 74
Она нигоҳи 74
Меҳр 75
Соғинч 75
Дўстлар ва рақиблар 76
Меҳрибоним 77
Дуо 77
Оила шеъри 78
Яхшилик 78
Шифокор 79
Таъзим 80

www.ziyouz.com kutubxonasi

Савия 81
Вафо.....82
Баззоз.....82
Тақдир 83
Дўстим Убайдулла Розиқулов хотирасига 83
Суймаса худойим.....83
Кечув 84
Йўлак.....85
Танишлар 86
Кўзгу.....87
Айрилма 87
Туйғу.....88
Бўри ови 88
Афанди 89
Посздда 89
Монолог 90
Қишлоқ зиёлилари 91
Ўзбекчилик – 2 92
Тарбиячи 92
Кундалик гаплар.....93
Шоир 94
Қуёш тутилиши 94
Жаннат қопқасида 95
Қўриқчи ит.....96
Қўрқув 96
Ўзбекчилик – 3 98
Чидайсан, болам.....98
Жанжал.....99
Тажриба.....99
Ҳаётга қайтиш 100
Ёмғир..... 101
Апрель..... 102
Ҳиммат..... 102
Асосий нусха 103
Шоир қисмати 104
Кассета 105
Ирим 106

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туташ дунёлар 106
Туғилиш 108
Лўттибоз 109
Тама 109
Кибр 110
Тоғ боласи 111
Оила янгиликлари 113
Огоҳлик 113
Анкета 114
Қўғирчоқ қиссаси 114
Шошил, қуёш 115
Инсон ғурури 116
Зиёли 116
Ўрмондаги воқеа 118
Намойиш 119
Мухлис 120
Орият 120
Инсон 121
Толстой 121
Бандлик 121
Дарслик тузувчи 122
Тадбир 122
Ҳамжиҳатлик 123
Апрель совуғи 125
Бозор 125
Илтижо 125
Алдов 126
Кулфат 126
Қаноат 127
Беморлар 128
Тўтиқушим 128
Омад 128
Космодром 129
Англаш 130
Пахса уй 131
Ўжар бола 132
Икки кўриниш 133

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улфатлар 133
Бойқаро 134
Телефон 135
Сўнгги макон 135
Капалак 136
Туш 137
Юрак 137
Мухбир 138
Янги авлод 139
Учар ликопча 140
Ватан севгиси 141
Бозор 141
Баҳо 142
Ҳимоя 142
Тасодиф 143
Фикр 144
Сабаб 144
Ибодат 145
Қароқчи қушлар 146
Йўловчи 147
Нетгайсан 148
Абадий садо 149
Табиб 150
Кўпчилик 151
Гулханий 152
Мулк 153
Кекса жангчилар 153
Шеърият 154
Буюклик ҳақида 155
Соғуний 156
Имон 157
Одат 158
Имкон 159
Кўприк 160
Янги аср манзараси 161
Ғалати одамлар 162
Ўкинч 163

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мсъёр 163
Феъл..... 164
Нуҳ кемаси..... 164
Туғма нодон 165

Уммон орти илҳомлари

Бахиллик 166
Имтиҳон 167
Атлантика..... 168
Осиёлик..... 169
Осмондаги зилзила 170
Баёт..... 172
Юк 173
Актёр 173
Тўфон 174
Уммон қошида..... 174
Диалог 175
Узр 176
Ҳаёт ажойиботлари 177
Ўзбек бўлиб кўринаверар..... 178
Мулоҳаза 179
Дахлсизлик 180
НАСА..... 181
Полиз қўриқчиси..... 182
Тарқоқ қавм 183
Техас пахтазорида 183
Телефон суҳбатлари..... 184
Орзу 185
Инсон ҳимояси 186
Бегона одам..... 187
Ҳаёт кечинмалари 188
Ош..... 189
Мулк 189
Руҳлар..... 190
Ёлчиш..... 190
Сеҳрли диёр 191
Янги аср мўъжизалари..... 192

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оқ кишмиш 193
Беозор кибр 194
Баҳо 194
Ҳаёт дарсларидан 194
Инсон учун жанг 195
Ёшлик 195
Ғашлик 196
Гўрковлар қўшиғи 197
Мулла ва бемор 198
Ота-ўғил тортишуви 199
Сафардош 200
Рух 201
Ёлғончи ҳақида баллада 201
Қалқон 202
Абадий жараён 203
Мувофиқлик 204
Мақтанг, амаки 205
Кўзлар 205
Тафаккур мадҳи 206
Оқловчи 207
Тавсия 207
Ғурур 208
Эверест ва уммон 209
Олис қирлар соғинчи 210
Ватанпарвар 211
"Озодлик" 212
Ўтган тарихлар 213
Ҳаёт йўлларида 214
Буюк сабр 215
Бахшиёна 216
Август 218
Уммон бўйидаги ўйлар 219
Тор этик 222
Сайёҳлар 222
Қаймоқ 223
Ёлғизлик 223
Куз ташрифи 224

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаёт синовлари.....225
Масъуллар.....226
Учинчи йўл.....227
Ижод сабоқлари.....227
Кундалик ҳангомалар.....229
Хонаки фил.....230
Коинот.....231
Ростгўйлик.....231
Техас ҳангомаларидан.....232
Орол.....232
Агар сенсиз.....233
Ўтар дунё.....234
Аср фожиаси.....235
Башорат.....236
Ўғрилар ҳақида баллада.....237
Маслаҳат.....239
Ватан.....240
Халқ.....240
Шайтон.....241
Мангу паноҳ.....241
Кийик ови.....243
Баликчилар.....243
Нодонлар ҳақида баллада.....244
Муаззамлик.....246
Кошки.....247
Тойчоқ ва ўғлон.....248
Кийик ва тошбақа.....248
Инсон шарафи.....249
Мўмиё.....250
Шикоятчи ҳангомаси.....251
Ранг-баранглик.....252
Тенглик.....253
Ёр ва ағёр.....253
Мардикор.....254
Тақдир туҳфалари.....255
Юпанч.....256
Армон.....256

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зиналар.....257
Йўқолган бўри.....257
"Иккичи" бола.....258
Дон Кихот.....259
Котиба хоним.....260
Таъзия.....261
Умр дафтарлари.....261
Ҳасби ҳол.....262
Замонлар.....263
Ҳангома.....264
Она тупроқ.....266

Сафардан сўнг

Ижод.....267
Ҳаёт ибрати.....268
Дўстлар.....268
Масхарабозлар.....269
Савод.....270
Чумчуқ.....270
Яхши гап.....271
Юпатиш.....271
Тириклик киймати.....272
Сўровнома.....273
Фариштa қисмати.....274
Таниш туйғулар.....274
Ҳаёт туҳфалари.....275
Ҳаёт жумбоқлари.....276
Ҳамшира.....277
Замонавий ҳикмат.....278
Адолат.....278
Фермер кудамга.....280
Каламуш.....280
Отнинг думи.....281
Лайлак қор.....281
Тош кийик.....282
Янги йил.....282

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўртликлар.....284
Унутилган туйғулар 287
Ғалати кимсалар.....288
Ҳаётни сев.....289
Хонадон шеъри.....290
Танҳо қуш 291
Ҳаёт муаммолари 292
Фожиа.....293
Камолот.....293
Қўғирчоқлар 294
Шарқ қисмати.....295
Остона 296
Тоифалар 296
Ҳаёт ибратлари.....297
Умримиз йўллари 298
Авлиё қиссаси.....300
Меҳрибон.....301
Хаёл ва ҳаёт 301
Истиқлол юрти 302

Эски дафтардан

Ўғлим Илҳомжоннинг шеъри 303
«Азалий ҳақ гапни...» 303
Садоқат (Д.Бегимқулов). 304

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адабий-бадиий нашр

АБДУЛЛА ОРИПОВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Саккизинчи жилд

Шеърлар

Муҳаррир: *Ойдиннисо*
Бадиий муҳаррир: *Азамат Йўлдошев*
Техник муҳаррир: *Екатерина Корягина*
Мусаҳҳиҳ: *Доно Тўйчиева*
Саҳифаловчи: *Умида Валижонова*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нашриёт лицензия рақами AI № 154. 14. 08. 09.
2016 йил 8 августда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 17,43 шартли босма табоқ.
11,2 нашр босма табоғи. Адади 3000 нусха.
рақамли буюртма.580 Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69
www.gglit.uz . **info@gglit.uz**

www.ziyouz.com kutubxonasi